

**Г.С. ЗАЙЦЕВНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ,
А.Д. ДАДАБОВ, Л. Г. АРУТЮНОВА
ВА Г.Я. ГУБАНОВЛАРНИНГ
100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ**

ҒЎЗА, БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ

ИЛМИЙ ИШЛАР ТЎПЛАМИ



«Фан»

К

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**ҒЎЗА, БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ
ИЛМИЙ ИШЛАР ТЎПЛАМИ
№ 28**

(Г.С. ЗАЙЦЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ,
А.Д. ДАДАБОЕВ, Л.Г. АРУТЮНОВА ВА Г.Я. ГУБАНОВЛАР
ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ)

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2009

033.51
F-77

Ушбу тўпلامда ғўза, беда генетикаси, селекцияси ва уруғчилигининг долзарб муаммолари ёритилган. Тўпلام буюк селекционер олимлар Г.С. Зайцев таваллудининг 120 йиллиги, А.Д. Дадабоев, Л.Г. Арутюнова ва Г.Я. Губановлар таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Ѓўза, беда селекцияси ва уруғчилиги»га оид илмий мақолалардан иборат.

Масъул муҳаррир:

кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди **А.Б. АМАНТУРДИЕВ**

Тақризчилар:

к. х. ф. д., академик **Ш. ИБРАГИМОВ**,
б. ф. д. **С.М. РИЗАЕВА**

Тахрир ҳайъати:

к. х. ф. д., проф. **Х. Сайдалиев** (ҳайъат раиси),
б. ф. д., проф. **А. Эгамбердиев**,
б. ф. д., проф. **С. Рахмонкулов**,
б. ф. н. **М. Мирахмедов**,
к.х. ф. н. **Я. Бабаев**,
к.х. ф. н. **Г. Холмуродова**,
к.х. ф. н. **А. Сидиков**,
Б. Аллакулиев.



ISBN 978-9943-09-812-1

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2009 йил.

W

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича республикадаги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги йирик илмий марказлардан бири ҳисобланади. Мазкур илм даргоҳи 1922 йилда Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида Туркистон селекция станцияси сифатида ташкил этилган бўлиб, Ўрта Осиёда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва уруғчилиги ишларини ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллаб келган. 1930 йилда станция Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институти тасарруфига ўтказилиб, унинг Марказий селекция станциясига, 1960 йилда Ғўза ва беда селекцияси ҳамда уруғчилиги бўйича Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институти (ҳозирги ЎзПТИ) филиалига, 1965 йилдан эса Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтига айлантирилди.

Илмий кучларни бир ерга жамлаш, фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирига боғлаган ҳолда олиб бориш, тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида собиқ ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг 1987 йилдаги 430-сонли буйруғига мувофиқ Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди ва унга “Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти” (бош ташкилот) ҳамда Тошкент вилояти “Марказий тажриба хўжалиги”, Наманган вилояти “Қизил-Равот”, Сурхондарё вилояти “Сурхон” хўжаликлари бириктирилди. 1990 йилда илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига тажриба хўжалиги тариқасида Тошкент вилояти “Оққўрғон” хўжалиги ҳам қўшилди. Шунингдек, 2009 йилдан институтнинг Қашқадарё ва Хоразм филиаллари ташкил қилиниб ўз фаолиятини бошлади.

Жорий даврда институтда 286 нафар ходим бўлиб, шундан 64 нафари илмий ходимлардир.

Институт олимларининг асосий эътибори тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори, чигити мойдор, касаллик ва ҳашаротларга чидамли ўрта ҳамда ингичка толали ғўза навлари ва серҳосил беда навларини яратишга қаратилган. Ўтган давр мобайнида институт олимлари томонидан яратилган ғўза навлари 60 млн. га дан ортиқ майдонларда экилган. 2006-2008 йилларда

институтда 1 та фундаментал, 18 та илмий-амалий, 4 та инновация ва 3 та чет эл лойиҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Институтда яратилган ва районлашган навлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан 2006 йилда 621.5 минг гектар майдонда (С-6524, С-4727, “Оққўрғон-2”, “Наманган-77”, “Омад”, “Сурхон-9” навлари), 2007 йилда 532.0 минг гектар майдонда (С-6524, С-4727, “Наманган-77”, “Омад” ғўза навлари), 2008 йилда эса 548.0 минг гектар майдонда (С-6524, С-4727, “Наманган-77”, “Омад” ғўза навлари) экилди.

Истикболли Наманган-34, С-6541, “Султон”, С-2610, С-9076, “Сурхон-14” ғўза навлари сўнгги йилларда 9.0-11 минг гектардан ортиқ майдонларга экилиб, кенг ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди. “Наманган-34”, “С-6541, С-6775, “Наманган-102”, “Султон”, “Классик”, “Классик-122”, С-8288, С-8290, С-6542, С-9083, С-2510, С-9084, С-9085, “Сурхон-10”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-100”, “Сурхон-101” каби янги ғўза навлари Давлат нав синовидан ўтказилди. 2008 йилда “Наманган-34” (Навой, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари), С-6541 (Тошкент, Жиззах вилоятлари), С-2610 (Наманган вилояти), “Султон” ва “Сурхон-14” (Сурхондарё вилояти) навлари истикболли деб топилди.

Ҳар йили институтнинг кичик нав синаш кўчатзоридида 35-40 та, катта нав синаш кўчатзоридида эса 25-30 тадан янги нав ва тизмалар синовдан ўтказилади.

Институтда 14 та лаборатория (Ғўза коллекцияси ва бошланғич ашё, Ғўза генетикаси ва цитология, Иммуниетет генетикаси, Сунъий иқлим, Ғўза мутагенези, Ғўза биокимёси, Ингичка толали ғўза навлари, IV тип тола берувчи навлар селекцияси, V тип тола берувчи навлар селекцияси, Тезпишар ва паст бўйли навлар селекцияси, Ғўза толаси технологияси, Беда селекцияси ва уруғчилиги, Уруғчилик ва уруғшунослик, Ғўзанинг янги навларини синаш ва кўпайтириш лабораториялари) ва 5 та бўлим мавжуд бўлиб, Селекция учун бошланғич манба яратиш, Ингичка толали ғўза навлари селекцияси, Ўрта толали ғўза навлари селекцияси, Ғўза уруғчилиги, Илмий-техник ахборот ва жорий қилиш, патентлаш, лицензиялаш ва маркетинг бўлимлари шулар жумласидандир.

Институтда ўзининг намуналар микдорига кўра жаҳонда етакчи ўринларда турувчи Дунёвий ғўза коллекцияси мавжуд. Бу коллекцияда жаҳоннинг 105 мамлакатидан келтирилган ҳамда маҳаллий ёввойи, ярим ёввойи ва маданий шакллар тирик ҳолда сақланади ва

хар йили диққатга сазовор намуналар амалий селекция ишларига жалб қилинмоқда.

Институтда ёш кадрларни тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бакалавр ва магистрлар бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб, ҳам илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бакалаврлар ўз йўналишлари бўйича малакали мутахассисларга бириктирилган ва уларнинг илмий мавзулар бўйича узлуксиз ҳолда фаолият юри-тишлари таъминланган. Уларнинг илмий тадқиқотларни олиб бо-ришлари учун барча шарт-шароитлар ва моддий имкониятлар яра-тилган.

Бундан ташқари институт қошида аспирантура, илмий кутубхо-на, архив ва тажриба хўжалиги мавжуд. Селекция жараёнини жа-даллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида инсти-тутда фойдали майдони 2.15 га бўлган “Фитотрон” иссиқхона мажмуи фаолият кўрсатмоқда.

Институтда илмий кенгаш ҳамда “Селекция ва уруғчилик” их-тисослиги бўйича ихтисослашган кенгаш мавжуд бўлиб, унда сўнгги уч йилда жами 3 та докторлик ҳамда 15 та номзодлик илмий диссертациялари ҳимоя қилинди. Улардан 1 нафар фан доктори ва 11 нафар фан номзодлари институт ходимларидир.

Институтнинг ташкил топиши, ривожланиши ва илмий салоҳиятининг ортишида Р. Шредер, Ф.М. Мауер, А.Д. Дадабоев, Ш.И. Ибрагимов, С.М. Мираҳмедов, А.А. Автономов, А.И. Белов, П.А. Баранов, И.А. Райкова, Н.Н. Константинов, А.М. Мальцев, С.С. Канаш, А.И. Автономов, Я.Д. Нагибин, Б.П. Страумал, В.И. Ко-куев, Т.Г. Гриценко, Л.Г. Арутюнова, Г.Я. Губанов, Ю.П. Хуторной, С.Р. Раҳмонқулов, А.Э. Эгамбердиев, Ю.И. Икрамов, З.М. Пу-довкина, В.А. Автономов, М. Пўлатов, С.С. Алиходжаева, Р.И. Ко-вальчук, У.М. Муратов, К.А. Тешабоев, П.Т. Содиков, М.К. Гу-лямов, К.Ф. Гесос, О. Ҳасанов, Т.П. Коровина, Х. Сайдалиев, Х. Мунасов, В.М. Бочарова, А.И. Алиев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар ва кўшмоқдалар. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасидаги ютуқлари учун институт олимларидан бир гуруҳи турли вақтларда давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Масалан, С.С. Канаш 1941 йилда, А.И. Автономов 1943 йилда, С.М. Мираҳ-медов ва Ю.П. Хуторной 1973 йилда Давлат мукофоти лауреати бўлишган. Ш.И. Ибрагимов Беруний номидаги Давлат мукофоти (1987), “Ҳурмат белгиси” ордени (1977, 1966), В.А. Автономов Бе-

руний номидаги Давлат мукофоти, Ю.И. Икрамов Меҳнат шухрати медали (1965), А.Э. Эгамбердиев Н.И. Вавилов медали (1987), Р.Г. Ким Халқлар дўстлиги ордени (2006), П.В. Попов ва В.А. Автономовлар эса Шухрат медали соҳибларидир. Шунингдек, бир қатор олимлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланганлар.

Институтда 60 га яқин илмий ходимлар бўлиб, улардан бир киши академик, бир киши ФА мухбир аъзоси, 5 нафари фан доктори, 3 нафари профессор, 40 нафари фан номзодлари ва 20 га яқини катта илмий ходимлардир.

Ҳозирги даврда ғўза ва беда селекциясининг илмий, назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишда институтнинг етакчи олим ва мутахассислари олиб бораётган узоқ йиллик илмий изланишларда Ш.И. Ибрагимов, А.Э. Эгамбердиев, С.Р. Раҳмонқулов, П.В. Попов, Т.Р. Рашидов, Х. Сайдалиев, П.Ш. Ибрагимов, Вик. Автономов, Р.Г. Ким, А.Б. Амантурдиев, С.С. Алиходжаева, М.М. Миржўраев, М.И. Иксанов, А. Муратов, М. Сукуров, Р. Сидиқходжаев, Ш. Намозов, А. Бобоназаров, С. Усмонов, Р. Аҳмедов, Д. Даминова, Я.А. Бабаев, М. Мираҳмедов, Б. Аллакулиев, Ҳ. Содиқов, Н. Хожамбергеновлар, ёш олимлардан А. Сидиқов, М.Б. Халикова, С. Эгамбердиева, Г. Холмуродова, Н. Исмоилов, Б. Аллашов, О. Матёкубовлар фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Институт Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги кўргазмалари, шунингдек, халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол қатнашиб келмоқда. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича ютуқларини халқаро кўргазмаларда яхши намоиш этгани учун институт Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг фахрий ёрлиги билан тақдирланган. 1979 йилда Пловдив (Болгария) шаҳрида ва 1981 йилда Лейпциг (Германия) шаҳрида ўтказилган халқаро ярмаркаларда ингичка толали С-6037 нави олтин медалга сазовор бўлган. Шунингдек, институт бир қатор янги навлар учун Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Туричида ва турлараро дурагайлаш, мутагенез ҳамда аналитик селекция усуллари асосида институт олимлари томонидан 70 та ғўза нави, 5 та беда нави яратилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги

республикамизнинг турли тупрок-иқлим шароитларида районлаштирилган.

Институтда республикамизда ягона бўлган беда селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Лабораториянинг асосий илмий йўналиши таркибида оксил миқдори юқори, серҳосил беда навларини яратиш, районлаштириш ва янги яратилган навларнинг дастлабки уруғчилигини ташкил этишга қаратилган. Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида экилиб келинаётган Тошкент-3192, Тошкент-1, Тошкент-1928 ва Тошкент-2009 навлари мазкур лабораторияда яратилган.

Институт ходимлари МДХ ва бошқа бир қатор хорижий давлатларнинг илмий тадқиқот муассасалари ҳамда олий ўқув юртлари билан узвий алоқада бўлиб, ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бормоқда. Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биология институти, Тошкент давлат аграр университети, Республика бирламчи уруғчилик ва уруғшунослик станцияси, Ўзбекистон Миллий университети, Пахтасаноат, Сифат ва бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Институт олимлари Ҳиндистон, Афғонистон, Болгария, Вьетнам, Миср, Сурия, Алжир, Тунис, Куба, АҚШ, Мозамбик, Франция, Мексика, Компучия, Хитой, Исроил, Греция, Туркия, Ангола, Судан ва бошқа мамлакатларда бўлиб, чет эллик олимлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйганлар.

Институтнинг илмий тадқиқотлари натижалари 70 га яқин илмий асарлар тўпламларида, 140 дан ортиқ монография ва рисола-ларда, 50 та услубий қўлланмаларда, шунингдек, маҳаллий ва хориж журналларида чоп этилган юзлаб илмий мақолаларда ўз аксини топган.

Мазкур тўпамда ҳам институтда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосидаги илмий мақолалар ўз аксини топган бўлиб, олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар, илмий ходимлар ва докторантлар учун фойдаланишга тавсия этилади.

*ЎзФСУИТИ бош директори, қ.х.ф.н. А.Б. Амантурдиев,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Х. Сайдалиев*

120-ЛЕТИЕ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ Г.С. ЗАЙЦЕВА

ЖИЗНЬ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

В 2007 г. исполнилось 120 лет со дня рождения Гавриила Семеновича Зайцева крупного ученого – генетика и селекционера, агронома и хлопководца, исследователя-биолога, внесшего огромный вклад в развитие отечественного хлопководства.

Г.С. Зайцев родился 18 марта 1887 г. в г. Москве в небогатой семье служащего текстильной фирмы. После окончания Московской земледельческой школы Г.С. Зайцев поступил в Петровскую сельскохозяйственную академию, которую закончил в 1914 г.

В высшей школе все интересы Г.С. Зайцева сосредотачиваются на естественных науках и особенно на вопросах наследственности, в то время особенно привлекавших внимание ученых. Г.С. Зайцев становится селекционером. Еще будучи студентом, Г.С. Зайцев, мечтая «повидать Туркестан», отбывает практику на Голодно-степском опытном поле под руководством выдающегося селекционера М.М. Бушуева, принимая участие в самых разнообразных работах опытного поля.

По окончании Петровской сельскохозяйственной академии летом 1914 г. Г.С. Зайцев, по предложению М.М. Бушуева, становится заведующим селекционного отдела Голодно-степской сельскохозяйственной опытной станции. «Работа селекционного отдела – пишет в своей автобиографии Гавриил Семенович – охватывала несколько растений: хлопчатник, люцерну, пшеницу, кукурузу, кунжут, просо и др. Главным растением являлся, конечно, хлопчатник. Отсутствие соответствующей литературы заставило меня проработать вопросы биологии хлопчатника с самого основания и во многом открыть совершенно новые пути».

За время работы на Голодно-степской станции молодой ученый опубликовал 9 научных работ. Им были созданы селекционные сорта хлопчатника № 182, № 169. В это время ему поручают стать заведующим Ферганской селекционной станцией (близ Намангана), где намечается большое расширение работ. Но весной 1919 г. Наманганская станция была разгромлена в связи с военными событиями. Погибли результаты ряда лет работы, ценные кол-

лекции. Благодаря усилиям Г.С. Зайцева и коллектива сотрудников, удалось спасти семенной материал, научный архив и часть оборудования. После этого станция переехала в учебное хозяйство совхоза «Капланбек» Среднеазиатского Государственного Университета под Ташкентом. Благодаря помощи Наркомзема, сразу удалось наладить работу, произвести посевы. Весной 1922 г. станция переезжает на участок близ реки Бозсу (где продолжается работа и по сей день), переименовывается в Туркестанскую селекционную станцию и переходит в ведение Главного хлопкового комитета. В 1929 г. она вновь переименовывается в Центральную селекционную станцию СоюзНИХИ. Основной ее задачей становится выведение сортов хлопчатника, наиболее пригодных для различных районов хлопководства Средней Азии. Станция обслуживала не только Среднюю Азию, но и Кавказ, Иран, частично Афганистан и насчитывала свыше 100 опорных пунктов. Селекционная работа станции была направлена на подъем урожайности, выхода и технических качеств волокна: его длины, крепости, извитости, тонины. Одновременно велась работа по изучению биологических особенностей хлопчатника, а также по изучению наследственной и ненаследственной изменчивости. Проводились исследования по влиянию метеорологических условий, плодородия почвы, водного режима на хлопковое растение. Селекционная станция имела в своем распоряжении опытные поля, поля размножения, лабораторию, библиотеку, вегетационную теплицу, контрольно-семенной отдел и сортоиспытательную сеть, которая обслуживала различные районы и подбирала для них наиболее подходящий ассортимент.

Под непосредственным руководством Н.И. Вавилова, шло снабжение Туркестанской станции коллекционными образцами из-за рубежа и литературой по хлопчатнику. Сохранившиеся письма Н.И. Вавилова к Г.С. Зайцеву свидетельствуют об искренней дружбе и участии Н.И. Вавилова: «Дорогой Гавриил Семенович, послали Вам на днях интереснейшую коллекцию семян хлопчатника из Индии... Я определенно буду 1 мая в Туркестане. Надеюсь пробраться в Афганистан. Привезу Вам все, что Вас интересует... Ваши сведения о параллелизме рядов у американцев и индейцев очень любопытны. Бэтсоновский журнал для Вас выписал за 1923 и 1924 гг. адреса всех индийцев, которые прислали письма по хлопчатнику, Вам перешлют, может быть даже успеют это сделать завтра... Весь

семенной материал по хлопчатнику находится в Вашем распоряжении, так как Вы ведете эту работу...», «Будем очень рады, когда Вы закончите Ваш очерк по морфологии и систематике хлопчатника. Ваши соображения по части классификации очень любопытны... Думаю, что неизбежно одно: собрать материал, затем посеять и рассмотреть его морфологически и цитологически...» [1].

По словам Н.И. Вавилова, до Г.С. Зайцева еще ни один исследователь не подходил так всесторонне и так глубоко к изучению хлопкового растения. Научная работа Г.С. Зайцева началась с селекции и применения метода скрещивания в создании новых сортов. Еще в Голодностепской станции проводились опыты по гибридизации упландов и египетских хлопчатников. В дальнейшем (1921 г.) ему впервые удастся получить гибриды между американскими упландами и азиатской гузой. Особая тщательность и аккуратность документации результатов исследований являлись характерными для Г.С. Зайцева. Изучение морфологии ветвления и плодоношения привели Г.С. Зайцева к выяснению типов хлопчатника, к классификации форм по их ветвлению, а также к установлению закономерностей в процессе плодоношения, цветения.

На основе исследований явления фотопериодизма, Г.С. Зайцев устанавливает факт возможности экспериментально превратить многолетний хлопчатник в однолетний, путем выращивания фотопериодичных форм в условиях короткого светового дня. В исследованиях о роли воды в жизни хлопчатника он развивает мысль о времени поливов, указывая особенно на большое значение поливов после цветения.

В статье «К классификации рода *Gossypium*» (1927 г.) Г.С. Зайцев впервые представляет обзор всего мирового разнообразия сортов хлопкового растения [2]. Детальное изучение изменчивости хлопчатника приводит Г.С. Зайцева к установлению 4-х групп старосветских и новосветских хлопчатников, каждая из которых представлена линнеевскими видами, варьирующими по определенной системе. Впервые обнаруживается факт приуроченности формообразовательного процесса культурного хлопчатника к четырем континентам Северной и Южной Америке, Африке и Азии. Открытый Н.И. Вавиловым Закон гомологических рядов в наследственной изменчивости признаков был подтвержден Г.С. Зайцевым на примере хлопчатника. Под руководством Г.С. Зайцева в Институте приклад-

ной ботаники (с 1930 г. – Всесоюзный институт растениеводства) в Ленинграде создается мировой гербарий хлопчатника.

Исключительно велики практические результаты селекционной работы Зайцева. Необходимо отметить скороспелые длиноволокнистые сорта хлопчатника, выведенные им и имевшие практическую ценность: Ак-Джура – №182, Дехкан – №189, Батыр – №508-509, №705, Шредер №1306, 2017, 2034, которые широко вошли в жизнь и занимали большие площади в Средней Азии и Закавказье.

На основе географического принципа Г.С. Зайцев задумывает идею планомерного географического сортоиспытания, которая быстро бы дала результаты. По его инициативе и при ближайшем участии его помощника Ф.М. Мауера организуется контрольно-семенное дело. Учитывается сортовой состав возделываемых хлопчатников всей Средней Азии и намечается замена заводских смесей и местной азиатской гузы селекционными сортами вида *G. hirsutum* L. Большое значение Г.С. Зайцев уделял проблеме расширения хлопковых районов, продвижению культуры хлопчатника к северу. Под его руководством в изолированных оазисах Хорезма и Кашгара обнаруживаются раннеспелые формы хлопчатника.

С углублением селекционной работы Г.С. Зайцевым организуется технологическая лаборатория при Селекционной станции, которая дает оценку сортов по качеству волокна. Научные труды Г.С. Зайцева становятся известны за рубежом. Английские хлопковые организации обращаются с предложением печатать его работы в английских и индийских журналах. Директор одной из крупнейших станций в Тринидаде, д-р Харланд просит разрешения приехать на станцию, чтобы ознакомиться с методами Г.С. Зайцева. Другие крупные специалисты в области хлопководства также интересуются работами станции.

К сожалению, Г.С. Зайцеву не удалось завершить обширный трактат по хлопководству земного шара и монографию по хлопчатнику. К окончанию работы и к оформлению ее был привлечен ученик и помощник Гавриила Семеновича, его заместитель Ф.М. Мауер.

Г.С. Зайцевым [3] впервые были разработаны научные принципы и методика селекции, семеноводства и контрольно-семенного дела по хлопчатнику. Эти принципы явились основой для даль-

нейшей деятельности Селекционной станции. В последующем этот институт становится Союзным Селекционным центром по хлопчатнику. Ныне это – Узбекский научно-исследовательский институт селекции и семеноводства хлопчатника. На него возложено методическое руководство и координация научных исследований по генетике, селекции и семеноводству хлопчатника всей сети селекцентра. На базе филиалов и опорных пунктов станции и подготовленных ею кадров в ряде союзных республик созданы отраслевые и республиканские институты земледелия и опытные станции с отделами селекции и семеноводства хлопчатника, люцерны и других культур. Селекционная работа на станции проводилась на основе использования мирового разнообразия хлопчатника, ее обширной коллекции, открывшего совершенно новые горизонты в познании хлопчатника. Работа по созданию генетических ресурсов продолжается и в настоящее время. В Узбекском научно-исследовательском институте селекции и семеноводства хлопчатника собрано более 12 тысяч образцов хлопчатника из 103 стран мира.

Зайцевым была создана большая школа селекционеров-исследователей. Он преподавал в Среднеазиатском Университете на кафедре хлопководства, созданной им самим. В становление и развитие института большой вклад внесли ученые – соратники, ученики и последователи Зайцева: Р.Р. Шредер, Ф.М. Мауер, А.И. Белов, П.А. Баранов, И.А. Райкова, Н.Н. Константинов, А.М. Мальцев, В.И. Цивинский, С.С. Канаш, А.И. Автономов, Я.Д. Нагибин, Б.П. Страумал, В.И. Кокуев, Т.Г. Гриценко, С.М. Мирахмедов, М. Гаибназаров, А.Д. Дадабаев, Л.Г. Арутюнова, Г.Я. Губанов и др.

Дело, начатое Гавриилом Семеновичем, продолжается в селекционно-генетических и семеноводческих трудах УзНИИССХ, Андижанском, Бухарском, Самаркандском, Хорезмском филиалах УзНИИ Хлопок, Капакалпакском НИИ Земледелия, Институте генетики и экспериментальной биологии АН РУз, Национальном Университете им. Улугбека. Благодаря успешной деятельности учеников и продолжателей дела Г.С. Зайцева хлопководство республики полностью базируется на отечественных сортах. Ряд сортов Узбекской селекции высеивается в соседних республиках – Казахстане, Туркмении, Таджикистане, Азербайджане.

Н.И. Вавилов писал «Туркестанская Селекционная станция справедливо названа именем Г.С. Зайцева. Он создал ее, он вдох-

нул в нее жизнь» [4]. Благодаря исследованиям Г.С. Зайцева станция приобрела исключительный авторитет и стала школой для каждого селекционера. Идеи, выдвинутые Г.С. Зайцевым, на долгие годы определили исследовательскую работу по хлопководству в Узбекистане.

*Доктор биологических наук, профессор
Эгамбердиев А.Э.*

Список использованной литературы

1. Вавилов Н. И. Гавриил Семесович Зайцев. Памяти друга. Л., 1929. – 16 с.
2. Зайцев Г. С. Работы Туркестанской селекционной станции и некоторые итоги по селекции хлопчатника и по изучению изменчивости хлопка сырца // Доклад на Хлопковом совещании. М., 1927. – 15 с.
3. Зайцев Г. С. Избранные сочинения. М.: Издательство сельскохозяйственной литературы, 1963. – 346 с.
4. Вавилов Н. И. Эпистолярное наследие. М., 1987. – 255 с.

Г.С. ЗАЙЦЕВ И СЕЛЕКЦИЯ ТОНКОВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА В СРЕДНЕЙ АЗИИ

Известно, что исторически культура тонковолокнистого хлопчатника *Goss. barbadense L.* в Средней Азии не возделывалась.

Ее освоение началось в 30-е годы XX в. Этому предшествовали ряд событий, пробные посевы и высказывания ученых. Организатор научных исследований по селекции сортов хлопчатника в Туркестане – Г.С. Зайцев безусловно хорошо знал об истории первых попыток посевов египетских сортов в Средней Азии. По А.А. Автономову [1], в 1871 г. под Ташкентом была впервые высеяна партия семян египетского хлопчатника. Из-за позднеспелости волокно и семена оказались недозрелыми, и опыт был прекращен. В 1912-1914 гг. в Ферганской долине в хозяйстве «Малек» был высеян египетский сорт «Афифи» на площади до 300 га. Урожай составил 4,6 ц/га хлопка-сырца (там же). Как пишет А.А. Автономов [1], культура «египтян» в Туркестане не привилась. С ссылкой на Н. Зверева (1934) он пишет: «причиной тому было не знание специфических требований «египтян», низкий уровень агротехники, которая привела к тому, что урожайность сортов «Пима», «Маарад», «Ашмуни» и др. в большинстве случаев коле-

балась в пределах 1,3 до 1,4 ц/га». По словам Н.А. Малиновского (1933), агроном Вилькинс во второй половине XIX века писал: «Рассчитывать на возделывание «египтян» в Туркестане не следует на основании приведенных данных по урожайности (1,31-1,4 ц/га) (по А.А. Автономову [1]). Подобного мнения первоначально придерживался и Г.С. Зайцев (1925). «Благодаря незначительности (и неверности) урожая Си-Айлендов в Туркестане надеяться на привитие здесь культуры тех или иных сортов его едва ли приходится» [(по А.А. Автономову [1]). В другом месте Г.С. Зайцев писал «Другая американская группа (типов так называемых «си-айлендов») или «египетского хлопчатника», отличающиеся особенно высококачественным длинным волокном при своей обычной мелкокоробочности и большой позднеспелости и, вытекающей отсюда очень низкой урожайности, является совершенно неподходящей для условий Туркестана» [2]. Там же он пишет: «группа хлопчатников типа американского «Си-Айленда» или египетского хлопчатника (формы вида *Goss. Barbadosense* и *peruvianum*), имея сравнительно малую коробочку и обладая большой позднеспелостью, дает еще меньший урожай против упландов, чем гузы, именно в сырце и в волокне на 60%, т.е. вдвое меньше против упландов (этим объясняется та неудача, какую понесла в 70-х годах прошлого столетия пропаганда замены туземного хлопчатника «си-айлендом»).

Эти и предыдущие высказывания легли в основу т.н. «научной» теории о невозможности культуры египтян в Средней Азии. А.И. Автономов пишет: «Основным выразителем этой теории явился Г.С. Зайцев. Строя взаимосвязь между развитием хлопчатника и температурой он пришел к выводу, что египетские сорта хлопчатника не могут быть внедрены в культуру, так как в Средней Азии недостаточно тепла для их возделывания. Эта теория имела место почти до 1930 г. и чрезвычайно сильно затормозила развитие культуры египетских сортов хлопчатника» [3]. (Здесь, к слову, следует заметить, что Г.С. Зайцев был прав в том смысле, что прямая интродукция сортов из Египта не давала желаемых результатов. Только последующая селекционная работа и отбор растений и семей из оригинальных египетских сортов, проведенный А.И. Автономовым, позволили создать новые селекционные линии, а затем и сорта, которые вполне адаптировались в Средней Азии).

Между тем, потребность в хлопководстве, в том числе тонковолокнистого, росла. Назревала необходимость организации селекционных работ с тонковолокнистым хлопчатником. Хлопковый Комитет принимает решение об организации филиала Туркестанской селекционной станции в г. Байрам-Али (Туркменистан). Г.С. Зайцев направляет для учреждения филиала и организации научных исследований молодого, но, как оказалось, талантливое научное сотрудничество – агронома Анатолия Ивановича Автономова, который совместно с агрономом М.Ф. Кажакимым в 1925 г. открывает филиал. Плановая селекционная работа с египетскими сортами была начата в 1926 г. Первоначально изучалась большая группа египетских сортов. А.И. Автономов пишет: «В первые же 2-3 года работы было установлено, что индивидуальным отбором лучших растений можно повысить скороспелость и урожайность египетского хлопчатника. Этим методом филиалу удалось к 1930 г. вывести ряд перспективных линий: №78, выделенную из сорта «Янович»..., №175, выделенную из сорта «Ашмуни» [4]. В другой работе А.И. Автономов пишет: «В результате двухлетних отборов филиалу удалось выделить из оригинальных сортов много новых линий. Напр. №4202, выделенная из сорта «Пима», ... №4666, выделенная из коротковолокнистого сорта «Ашмуни» [3].

Как руководитель Туркестанской селекционной станции Г.С. Зайцев хорошо знал о первых успехах филиала в г. Байрам-Али, внимательно следил за ее работой. Постепенно его убеждения о невозможности возделывания египетских (тонковолокнистых) сортов в Средней Азии существенно менялись. Более того, в докладе на пленуме Главного хлопкового комитета 30.1.1928 г. он говорит: «В связи с работой с египетскими сортами возникает вопрос, что можно дальше сделать в отношении увеличения урожая египетских сортов? Может быть при помощи отборов более лучших форм мы получили бы более благоприятные результаты. В этом направлении работа в Байрам-Али уже начата и есть определенные указания на возможность создания лучших форм [2]. И далее: «Другой, более правильный путь, намечал бы гибридизацию в пределах родственных форм одной и той же группы хлопчатников, т.е/ в пределах южно-американской группы хлопчатника, к которой принадлежит и египетский хлопчатник. В нашей коллекции имеются великолепные, близкие к египетским формы перувиан-

ских сортов, отличающихся большой крупностью коробочек, с которыми невольно напрашивается гибридизация египетских сортов, так как одним из факторов высокой урожайности является крупная коробочка» [2].

Продолжая эту мысль, Г.С. Зайцев пишет: «Среди настоящих перувианских хлопчатников, принадлежащих к южноамериканской группе имеются многолетники с крупными коробочками, дающими до 7 г сырца. Скрещивание этих хлопчатников с египетскими, относящимися к той же южноамериканской группе, но отличающимися сравнительно мелкими коробочками (3-3,5 г) открывает, конечно, лучшие перспективы. Родственная близость этих хлопчатников вполне обеспечивает возможности увеличения крупности коробочек египетских хлопчатников, а вместе с тем и увеличение их урожая, это последнее приведет к укреплению возможности египетских сортов хлопчатника в Средней Азии. Подобный путь никем еще не проводился, Туркестанская селекционная станция уже сделала первые шаги в этом направлении» [2].

Позднее, эту идею блестяще воплотил в жизнь А.И. Автономов, включивший в селекционный процесс перувианские формы хлопчатника. «Основными материалами для скрещивания на первых этапах работы были, – пишет он – оригинальные образцы многолетнего перувианского хлопчатника: 01260, 0876, Т-48, Т-49, Т-50 и селекционные сорта египетского хлопчатника Маарад, производные сорта «Пима» 2117 и 4202, производные сорта «Ашмуни» 4860 и 5289, а в дальнейшем новые селекционные сорта: 35-1, 35-2, 2 и 3» [4]. Действительно, в каталог сортов хлопчатника [5] занесены селекционные сорта, созданные на этой основе: 2836, 2850, 6086, 10964, С-6002, а также С-6022.

Включение в селекционный процесс перувианских многолетних хлопчатников привело не только к укрупнению коробочек, но и к значительной устойчивости гибридного материала к фузариозному вилту, существенно поражающему оригинальные египетские сорта.

В связи с реорганизацией исследовательских учреждений и созданием Союзного института хлопководства (СоюзНИХИ), Байрам-Алийский филиал Туркестанской селекционной станции был закрыт (1930), его селекционные материалы были переданы Туркменской селекционной станции (г. Иолотань). В связи с этой реор-

ганизацией, селекционная работа с тонковолокнистым хлопчатником была сосредоточена на Центральной селекционной станции (быв. Туркестанской), где был открыт сектор по селекции тонковолокнистого хлопчатника во главе с А.И. Автономовым, а также на Туркменской, Таджикской и Ферганской опытных станциях СоюзНИХИ. Благодаря исключительно успешной работе селекционеров этих опытных учреждений А.И. Автономова, В.П. Красичкова, А.И. Эммануилова и К.И. Цинда и многочисленным, ими выведенным сортам, к концу II пятилетки планировалось довести посевы тонковолокнистого хлопчатника в Средней Азии до 250 тыс. га, в том числе – по Таджикистану 136 тыс. га, Туркмении 90 тыс. 500 га, Узбекистану 25 тыс. га при урожае хлопка-сырца около 10,4 га [3].

К слову сказать, посевная площадь под тонковолокнистыми сортами в 1984 г. в Средней Азии составила 461 тыс. га, валовый сбор сырца – 1024 тыс. т, урожайность – 22,2 ц/га [6]. Таков был итог того начала, которое положил посланец Г.С. Зайцева, организатор Байрам-Алийского филиала Туркестанской селекционной станции, автор первых отечественных сортов тонковолокнистого хлопчатника Анатолий Иванович Автономов. Из всего сказанного выше, можно сделать вывод – Г.С. Зайцев, как руководитель опытной станции и как крупнейший ученый – хлопковик был сопричастен к развитию исследований по тонковолокнистому хлопчатнику в Средней Азии, в том числе по развитию селекционных работ по нему.

М.И. Иксанов
кандидат с/х, наук УзНИИССХ

Список использованной литературы

1. Автономов А.А. Селекция тонковолокнистых сортов. Ташкент, 1948. С. 113, 128.
2. Зайцев Г.С. Избранные труды Ташкент: Фан, 1980. С. 195-198, 280, 281, 288.
3. Автономов А.И. За высокий урожай и качество египетского хлопка. М.; Ташкент, 1933. С. 2, 72, 79.
4. Автономов А.И. Селекция египетского типа хлопчатника // Селекция хлопчатника. Ташкент, 1948. С. 113, 128.
5. Иксанов М.И. Каталог сортов хлопчатника. Ташкент, 1993.
6. Энциклопедия хлопководства. Ташкент, 1985.

КАМТАРИН ИНСОН ВА ПАХТАКОР ОЛИМ (Ақром Дадабоевич Дадабоев таваллудининг 100 йиллигига бағишланади)

Ақром Дадабоевич Дадабоев 1908 йил 1 сентябрда Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида ипак йиғирувчи уста оиласида таваллуд топган. У бошланғич таълимни ёшларнинг кечки мактабида олгач, бир неча йил давомида совун тайёрлаш бўйича шогирд, кейин эса Даргомир станциясидаги пахта заводида ошпаз бўлиб ишлади.

1926 йилдан 1930 йилгача Ақром Дадабоевич Самарқанддаги эркалар билим юрти (Инпрос – институт просвещение) да таҳсил олди ва 4 йил давомида комсомол ячейкасининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Комсомол ташкилотининг Самарқанд бўлими кўмитасининг топшириғига биноан Булунғур туман маҳаллий Советига сайловларда ва Метан тумани батраклар (йўқсиллар) конференциясида фаол қатнашди.

1930 йилнинг март ойидан сентябр ойигача Самарқанд шаҳар комсомол бўлинмасининг тавсиясига биноан А.Д. Дадабоев Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё пахтачилик ирригацион политехника институти (САХИПИ) нинг тайёрлов курсида ўқиди ва шу йил институтнинг селекция ва уруғчилик факультетига ўқишга қабул қилинди (кейинчалик бу институт Ўрта Осиё пахтачилик институти деб номланди).

1934 йилда у институтни тамомлаб агроном-селекционер уруғшунос мутахассислиги бўйича Тожикистон Республикаси Деҳқончилик халқ кўмитасига (Наркомзем) йўлланма билан ишга юборилди. Бу ерда 1934 март ойидан то ноябригача уруғшунос мутахассис сифатида фаолият кўрсатди.

1935 йилда А.Д. Дадабоев Ўрта Осиё пахтачилик илмий тадқиқот институти аспирантурасига ўқишга кирди ва 1939 йилда Воронеж шаҳрида “Биологические особенности различных коллекционных материалов хлопчатника” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

У номзодлик диссертациясини ёклагач, Ўрта Осиё пахтачилик илмий тадқиқот институти Марказий селекция станцияси селекция бўлимида катта илмий ходим сифатида ишга олиб қолинди. Бу ерда у ўзанинг иккита кам ўрганилган – *G. arboreum* L. ва *G. herba-seum* L. турларини ўрганиш ва уларнинг тур хилларини йиғиш ус-

тида тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг ушбу йўналишдаги 30 йиллик машаққатли изланишлари ўз натижасини берди ва А.Д. Дадабоев томонидан ўз физик-механик хусусиятлари билан табиий қўй жунидан қолишмайдиган янги С-7085, С-7055, С-7059, С-7080 ва бошқа ғўза навлари яратилди.

А.Д. Дадабоев нафақат янги ғўза навларини яратиш билан шуғулланди, балки бу навларни Ўрта Осиёнинг (Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Тожикистоннинг пахтачилик билан шуғулланадиган туманлари) ҳамда Россиянинг жанубий туманлари (Қрим, Херсон, Молдавия) даги турли тупроқ-иқлим шароитларида синаш бўйича изланишларни олиб борди.

Кенг микёсли синов ишлари натижалари *G. arboreum L.* ва *G. herbaceum L.* турлари навларини шартли-суғориладиган туманларда экиш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Шундай қилиб, Бойсун, Косон, Паркентда бир-икки марта суғориш билан 17-18 ц/га, суғорилмаганда эса 10 ц/га пахта хомашёси олинди.

Шунингдек, янги навларнинг толаси истеъмолчиларга етказиб берилди. Бунда А.Д. Дадабоевга Москва илмий тадқиқот институтлари ва Тошкент тўқимачилик институти олимлари ёрдам беришди.

Ҳамкорликда олиб борилган ишлар бу навларнинг жунлик хусусиятига эга бўлган толаси алоҳида, ўзига хос физик-механик хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди ва бу навлар толасидан куйидаги маҳсулотлар тайёрланди:

1) гигроскопик пахта (Москва ва Тошкент клиникаларида синовдан ўтган ва юқори даражада баҳоланган);

2) вельветон, байка, бумазей, ҳаммом сочиклари ва рўмолчалар. Бу буюмлар ҳам мавжуд стандартлардан устунлиги билан юқори баҳоланган;

3) ватин, ватилин, кенг фойдаланиш учун пахта. Қайишқоқлиги, иссиқликни сақлаши ва пишиқлиги билан бу ашёлар табиий жундан тайёрланганларидан қолишмас эди.

Ақром Дадабоевич янги навларнинг иқтисодий аҳамиятига кўпроқ эътибор қаратар эди. Унинг аниқлашича, жунлик хусусиятига эга бўлган тола ювилганда ва кўп йиллар давомида стериллаш натижасида ҳам ўз хусусиятларини сақлаб қолади.

Жунлик хусусиятига эга бўлган толанинг таннархи ўрта толали навларникидан арзон. Чунки янги навларнинг ўсув даври давомида бор-йўғи 1-2 марта суғорилади, қатор ораларининг ишловлари ва

Ўғитларни камайтириш мумкин, кимёвий ишловлар умуман шарт эмас – бу навлар ҳашаротлар билан зарарланмайди. Барча ҳосилни бир мартада кўсак териш машинасида териб олиш мумкин, чунки бу навларнинг кўсаклари ярим ёпик ҳолатда бўлиб, қўлда териш қийин.

Жунлик хусусиятига эга бўлган навларни яратиш борасида йиғилган материаллар А.Д. Дадабоевга илмий изланишда қўл келди ва у 1954 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзанинг биологик хусусиятларини ўрганган А.Д. Дадабоев маданий навларда ўсимлик ер устки қисмининг фақат 1/3 қисмигина хомашё ҳиссасига тўғри келишини аниқлади ва ўз олдига ғўза тупининг маҳсулдорлигини ошириш вазифасини қўйди.

1945 йилда А.Д. Дадабоев янгича туп тузилишига эга бўлган ғўза навларини яратиш устида селекция ишларини бошлаб юборди ва бу мақсадда турли мамлакатлардан олинган коллекция намуналарини ҳам ўрғанади. Бу тадқиқотларнинг натижаси сифатида 1953 йилда тупи йиғиқ бўлган биринчи нав яратилди. Кейинчалик С-8230, С-8234, С-8257, Поп-84 каби ўзининг ҳосилдорлиги, тола сифати ва тезпишарлиги бўйича ўша даврда кенг районлашган 108-Ф навидан қолишмайдиган навлар яратилди.

Йиғиқ типда шохланган янги навларнинг ривожланиш фазалари (шоналаш, гуллаш, пишиш) 108-Ф типдаги навларга нисбатан бирмунча қисқа муддатларда амалга ошади. Натижада ҳосилнинг тўпланиши ва пишиб етилиши бошқа навларга нисбатан бир неча кун олдин (С-8228 ва С-8263 навларида 8-10 кун) юз беради. С-8263, С-8260 навлари эса тола чиқимининг юқорилиги (39-41%) билан ажралиб турар эди.

А.Д. Дадабоев, шунингдек, тезпишар ингичка толали навлар яратиш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борди. У табиий дурагай популяциясидан якка танлов асосида тезпишарлиги бўйича 108-Ф навига яқин бўлган С-8017 навини яратди. Кейинчалик ушбу нав асосида С-8022 ва бошқа янги навлар яратилди.

А.Д. Дадабоевни ғўза селекцияси ва уруғчилигининг уруғни тозалаш, ҳосилдорликни уруғ фракциясига боғлиқлиги, экиш муддатлари, экиш зичлиги ва танлов олиб бориш муддатларининг ҳосилдорлик ва тезпишарликка, уруғни ҳар хил озиқа эритмаларида намлантиришнинг ҳосилдорликка, ўсимлик тупидаги умумий барглар сатҳининг ҳосил тўплаш авжига, ўсимлик зичлигининг ғўзанинг вилт билан зарарланишига таъсири каби услубий муам-

молар ҳам қизиқтирар эди. У ғўзани экиш муддатлари ва ўсимликлар зичлигининг ҳосилдорликка таъсирини ўрганиб ама-лиётда қўллаш учун махсус жадвал тузди.

А.Д. Дадабоев юқори ҳосил олишда пахтачилик ишлаб чиқари-шига яқиндан ёрдам кўрсатар эди. 1936 йилдан 1980 йилгача илмий журналлар, тўпламлар, вилоят ва туман газеталарида унинг ғўза биологиясига бағишланган кўплаб мақолалари чоп этилди. Энди-ликда унинг номи барча пахтачилик минтақаларида маълум эди.

1942 йилда А.Д. Дадабоев Ўзбекистонда гречиха (қорабуғдой) ўсимлигининг биологиясини ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борди. Адабиётларда келтирилишича, гречиханинг экилиш минтақаси Волга атрофлари билан чегараланар эди. Олимнинг кўп йиллик тадқиқотлари бу экин тури Ўзбекистоннинг иссиқ иклими шароитида такрорий экин сифатида муваффақиятли тарзда экили-ши ва юқори ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди. Августнинг би-ринчи ўн кунлигида экилган гречиха 55-60 кунлик ўсув даври да-вомида 20 ц гача етук дон бериши аниқланди.

1956-1958 йилларда А.Д. Дадабоев Марказий селекция стан-циясига директор лавозимига тайинланди.

1957 йилда у Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик академиясига вице-президент этиб тайинланди ва шу лавозимда фаолият кўрсатди.

1966 йилда А.Д. Дадабоев Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазир-рининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Бу лавозимда ишлаш давомида у илмий кадрларга алоҳида эътибор қаратди. Унинг раҳбарлигида 3 нафар фан номзоди етишиб чиқди.

А.Д. Дадабоев илмий фаолият билан бирга жуда катта жамоат ишларини олиб борди. У собиқ ЎзССР Қишлоқ хўжалик вазирли-гининг Коллегия, Иттифоқ Қишлоқ хўжалик вазирлигининг техник экинлар бошқармаси техник кенгаши, вилт бўйича Кенгаш, Иттифоқ Пахтачилик ИТИ илмий кенгашлари аъзоси, Ўзбекистон жамоа ва давлат хўжаликлари тарихи ижтимоий институтининг директор ўринбосари, Ўзбек энциклопедиясининг таҳририят аъзо-си ва қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, Пахта йиғим-теримининг саноат усули бўйича комиссия раиси, “Совет Ўзбекистони” газета-си таҳририят аъзоси сифати ҳам фаолият кўрсатди.

1950-1960 йилларда Ақром Дадабоевич Дадабоев делегация сафида Бельгия, Туркия, Австрия ва Ҳиндистонда бўлиб қайтди.

Мамлакат пахтачилигини ривожлантиришдаги ҳиссаси, илмий ва ижтимоий фаолиятидаги муваффақиятлари учун у бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикасида юқори пахта ҳосили етиштиришдаги амалий ёрдами учун А.Д. Дадабоевга “Республикада хизмат кўрсатган агроном”, илмий-ишлаб чиқариш фаолиятида эришган ютуқлари ва пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонлари берилди.

Олимнинг ёрқин ҳаёти, Ўзбекистон пахтачилик фанини жаҳонга танитишдаги улкан хизматлари ёшларга намуна сифатида катта аҳамият касб этади.

*Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
Х. Сайдалиев*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Акрам Дадабаевич Дадабаев. Материалы к библиографии ученых Узбекистана / Составители: Муратов У.М., Наримов С.Н. Ташкент: Фан, 1989. – 19 с.
2. Энциклопедия хлопководства. Ташкент, 1985. С. 12.

Л.Г. АРУТЮНОВА И ЕЕ НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ *(к 100-летию со дня рождения)*

4 января 2008 г. исполнилось 100 лет со дня рождения известного ученого-биолога, генетика, заслуженного деятеля науки Республики Узбекистан *Арутюновой Люсик Григорьевны*. Она родилась в Нагорном Карабахе, селе «Хачмач» в семье крестьянина-бедняка.

В 1925 г. приехала в Ташкент. После окончания средней школы с 1925 по 1929 гг. работала в Ташкентском окружном отделе труда делопроизводителем.

В 1929 г. поступила на агрономический факультет САХИПИ, который окончила в 1933 г. После окончания института Наркомземом Узбекистана была направлена в аспирантуру СоюзНИХИ. До 1934 г. работа проводилась на Центральной селекционной станции. С ноября 1934 по март 1936 г. находилась в командировке в Институте растениеводства им. Н.И. Вавилова, где завершила и ус-

пешно защитила кандидатскую диссертацию на тему «Изучение морфологии хромосом в роде *Gossypium*, в связи с проблемой происхождения тетраплоидных видов». С января 1936 по 1940 г. работала старшим научным сотрудником лаборатории цитозембриологии хлопчатника на Центральной селекционной станции. Селекционная станция в то время была одной из первых ячеек в хлопкосеющих республиках б. СССР, где были поставлены и в последующем широко развернуты серьезные цитозембриологические, цитогенетические и генетические исследования по хлопчатнику.

Цитолого-анатомическая лаборатория в системе станции была организована в январе 1930 г., где был собран большой коллектив цитологов, анатомов, морфологов, эмбриологов во главе с профессором П.А. Барановым. Ближайшей задачей перед вновь созданной лабораторией было составление монографии по фазам развития хлопчатника с наглядным показом всего цикла онтогенеза хлопкового растения, его анатомических структур, динамики развития генеративной сферы и оплодотворения, онтогенеза клетки и развития волокна. В соответствии с поставленной задачей были развернуты исследования по кариологическому изучению хромосомного аппарата у разновидностей видов *G. hirsutum* L., *G. barbadense* L., *G. herbaceum* L., диких видов *G. sturtii* Mull., *G. thurberi* Tod. и других. Работа проводилась П.А. Барановым и К.А. Михайловой — изучались количество, морфология и размер хромосом. Результаты этих исследований были использованы при филогенетическом и таксономическом изучении рода *Gossypium*, так как данные цитологии и цитогенетики подтверждают таксономическое значение этих признаков. Кроме того, изучение размеров хромосом Новосветских и Старосветских хлопчатников, а также американских дикарей представляло интерес с точки зрения выяснения путей происхождения Новосветских 52 хромосомных хлопчатников.

Исследования по микроспорогенезу — изучение мужской генеративной сферы проводились А.И. Журбиным, по макроспорогенезу — развитию женской генеративной сферы и оплодотворению — И.Д. Романовым. Изучение анатомических структур стебля, корня, листа, цветка и плода, а так же вопросов патологической анатомии в связи с заболеванием хлопчатника корневой гнилью и раком корневой шейки проводилось Е.А. Моисеевой, развитие волокна хлопчатника изучалось И.А. Райковой и М.С. Канаш. Одновремен-

но проводилось цитогенетическое изучение межвидовых гибридов хлопчатника. Эта работа, начатая А.И. Журбиным, Н.Я. Скибневской, Я.Я. Эллэнгорном и др., была продолжена Л.Г. Арутюновой.

В 1940 г. Л.Г. Арутюнова была назначена заведующей лабораторией цитозембриологии хлопчатника. В 1941-1942 гг. – заведующей лабораторией генетики, а с 1942 по 1978 г. заведующая лабораторией цитогенетики.

В те годы цитогенетика видов и межвидовых гибридов были изучены очень слабо. В лаборатории развернулись исследования по изучению числа и морфологии хромосом диких тетраплоидных и диплоидных видов, разрабатывались методы по преодолению их стерильности, изучались вопросы оплодотворения хлопчатника, пути полиплоидизации гибридов. Многие годы научной деятельности Люсик Григорьевны были посвящены изучению вопросов биологии оплодотворения хлопчатника, она шла по неизведанным тропам науки, решая фундаментальные проблемы самонесовместимости и перекрестной совместимости при различных близких и отдаленных скрещиваниях. Изучала роль чужеродной пыльцы в улучшении метаболических процессов оплодотворения. Ею были разработаны методы получения гомозиготных линий путем апомиксиса и интрогрессивных гибридов при межвидовых скрещиваниях. Созданные ею уникальные по хозяйственно-ценным признакам межвидовые гибриды представляют исключительную ценность, как доноры улучшения сортов хлопчатника по устойчивости к болезням и вредителям, а также качеству волокна.

Все эти проблемы изучались в диссертационных работах сотрудников, аспирантов под непосредственным руководством Л.Г. Арутюновой. По тематике лаборатории было защищено свыше 20 кандидатских диссертаций, которые внесли большой вклад в теорию и практику генетико-селекционного процесса хлопчатника.

Нет такой области генетики хлопчатника, где бы Л.Г. Арутюнова не оставила свой след.

За эти годы в лаборатории созданы многие диплоидные, тетраплоидные и гексаплоидных гибриды хлопчатника. Путем беккроссирования полученных гибридов с культурными сортами создано большое количество исходного материала и мутантных линий, сортообразцов, которые используются в практической селекции. Созданный на базе межвидовой гибридизации сорт С-4534 до сих

пор используется в селекционной практике как донор высокого содержания масла и хорошего качества волокна.

Л.Г. Арутюновой впервые был создан совершенно уникальный тетраплоид от скрещивания диких видов американского хлопчатника *G. thurberi* Tod. × *G. raimondii* Ulbr., который ведет себя, как физиологический диплоид, который совершенно свободно скрещивается со всеми культурными и дикими видами тетраплоидных хлопчатников. Данный гибрид позволяет утверждать, что тетраплоидные хлопчатники произошли в Американском центре, от скрещивания видов типа *G. thurberi* Tod. × *G. raimondii* Ulbr.

Большое теоретическое и практическое значение гибрида в том, что при скрещивании с культурными формами генетический материал диких видов переходит в геном культурных растений хлопчатника.

На базе созданных межвидовых гибридов получена большая группа материалов, обладающих высокой генетической пластичностью, которые используются в практической селекции, как исходный материал.

Перу Л.Г. Арутюновой принадлежат свыше 70 научных работ по генетике хлопчатника и цитогенетике его межвидовых гибридов, издана монография «Биология развития хлопчатника», как наглядное пособие и наглядная книга для биологов, генетиков, селекционеров и других специалистов хлопководов, которая является единственным методическим пособием такого рода.

Люсик Григорьевна являлась известным ученым-биологом, которого хорошо знали как у нас в стране, так и за рубежом. Под ее руководством проходили стажировку и выполняли свои научные работы ученые из Туркмении, Азербайджана, Таджикистана, Китая, Вьетнама, Болгарии.

Л.Г. Арутюнова проводила большую работу по подготовке кадров высокой квалификации. Свой богатый опыт она щедро передала аспирантам, молодым научным сотрудникам. Под ее руководством были подготовлены более 20 кандидатов наук, которые успешно работают в различных научно- производственных учреждениях и вузах страны.

Л.Г. Арутюнова как член координационного совета по генетике, селекции и семеноводству хлопчатника принимала участие в разра-

ботке и координации тематических планов и рабочих программ по проблемам генетики и селекции. Она была членом специализированного Совета при ВНИИССХ им. Г.С. Зайцева. Наряду с этим она активно принимала участие в общественно-массовой работе коллектива. Проводила большую воспитательную работу среди молодежи, женщин, много лет была секретарем партийной организации, избиралась депутатом Саларского поселкового совета.

Научно-организационная деятельность Л.Г. Арутюновой высоко оценена правительством. За плодотворную научную работу и подготовку высококвалифицированных научных кадров в 1982 г. ей было присвоено почетное звание «Заслуженный деятель науки Узбекистана». За достигнутые успехи в развитии генетической науки Л.Г. Арутюнова неоднократно награждалась различными правительственными наградами.

Ныне ученики и сотрудники лаборатории цитогенетики хлопчатника НИИССХ им. Г.С. Зайцева, бессменным руководителем, а потом старшим научным сотрудником, которой Л.Г. Арутюнова была на протяжении более чем 45 лет, успешно продолжают работы по межвидовой гибридизации, цитогенетике, воплощая в жизнь научные идеи, замыслы, советы крупного ученого и наставника молодежи – Люсик Григорьевны Арутюновой.

Люсик Григорьевна – эталон честнейшего ученого, принципиального, добрейшего и отзывчивого Человека.

*Член-корреспондент УзАСХН,
доктор биологических наук, профессор С. Рахманкулов*

Г.Я. ГУБАНОВ И ЕГО НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ (к 100-летию со дня рождения)

Известный ученый – физиолог, доктор биологических наук *Губанов Григорий Яковлевич* родился 12 октября 1908 г., в селе Пышлицы, Московской области, в крестьянской семье.

После окончания средней школы с 1927 по 1930 г. работал библиотекарем при Пышлинской сельской библиотеке. В 1931 г. поступил в Московский Университет, который окончил в 1936 г.,

получив диплом научного работника 2-го разряда в области физиологии растений и преподавателя ВУЗа и ВТУЗа.

Будучи еще студентом, Г.Я. Губанов приезжал со своим учителем Д.В. Сабининым в качестве практиканта в Узбекистан, проводил дипломную работу на Центральной селекционной станции по хлопчатнику. Защитив дипломную работу на тему: «Влияние повышенной концентрации минеральных солей на развитие хлопчатника» в 1937 г., после окончания МГУ вернулся на постоянную работу в Узбекистан. С марта 1937 г. по декабрь 1981 г. Г.Я. Губанов проработал в Институте селекции и семеноводства хлопчатника, сначала в качестве младшего научного работника, затем, защитив в июне 1942 г. кандидатскую диссертацию на тему: «Физиологические признаки иммунитета у хлопчатника к вилту», в качестве заведующего лабораторией «Физиологии растений», а с 1978 по 1981 г. работал консультантом этой лаборатории. Таким образом, вся научная деятельность Г.Я. Губанова протекала в стенах этого института.

В 1969 г. Г.Я. Губанов защитил докторскую диссертацию на тему: «Вилт хлопчатника».

Все теоретические исследования, начатые еще в аспирантуре, на протяжении всей творческой жизни Григория Яковлевича были посвящены одной из самых актуальных проблем хлопководства — изучению природы вилта хлопчатника и рекомендациям по борьбе с этим заболеванием. Им был получен обширный экспериментальный материал, касающийся выяснения природы вилтоустойчивости хлопчатника, физиологии больных растений, а также причин их увядания и гибели.

Наряду с выяснением природы вилтоустойчивости много места в исследованиях отводилось и изучению физиологии больного вилтом хлопчатника, в основном определению взаимоотношений между растением — хозяином и грибом-паразитом. Благодаря его исследованиям четко стали вырисовываться пути проникновения гриба из почвы в ткани корня и продвижение его в проводящих сосудах, по которым он интенсивно расселяется в растении. Им было установлено, что проникновение гриба из почвы внутрь растения возможно не только у восприимчивых, но и у устойчивых сортов хлопчатника без проявления внешних признаков болезни. Большое внимание уделялось выяснению непосредственных причин, вызывающих увядание и гибель больных вилтом растений. Им было установлено, что

устойчивые к вилту формы обладают низкой активностью гидролитических ферментов. Изменение вирулентности и морфологических признаков моноспоровой культуры гриба-паразита обусловлено генетическими особенностями сорта. На этой основе была предложена более точная оценка вилтоустойчивости новых сортов хлопчатника путем искусственного заражения их изолятами, полученными в результате пассирования моноспоровой культуры гриба через контрастные по вилтоустойчивости сорта.

Наряду с этим были также получены результаты, относящиеся к выяснению физиологии грибов-паразитов, вызывающих вилт у многих растений.

Исследования природы хлопчатника по устойчивости к заболеваниям вилтом и гоммозом позволили селекционерам вырастить ряд новых хозяйственно-ценных вилтоустойчивых сортов.

Особого внимания заслуживают также исследования по изучению химического состава семян хлопчатника, его изменчивости при прорастании, хранении. Основное внимание в работах было уделено процессам обмена веществ в семенах в период их хранения в зависимости от внутренних и внешних факторов, влияющих на метаболизм семян, влиянию внешней среды на жизнеспособность, посевные качества семян и их масличность. Работы, посвященные вопросам прорастания семян хлопчатника, в частности, влиянию на их прорастание влажности, температуры и аэрации имеют под собой фундаментальную основу по изучению физиолого-биохимических основ прорастания. В них рассматривается роль различных гидролитических и окислительных ферментов в процессах обмена веществ, превращениях белков, жиров, углеводов и других запасных продуктов, отложенных в семядолях зародыша.

Исследования и научные труды по изучению масличности, физиологии и биохимии семян хлопчатника являются серьезным вкладом в науку и способствуют решению ряда практических задач в области хлопководства.

Монографические работы – «Химический состав семян хлопчатника и его изменчивость», «Физиолого-биохимические процессы у семян хлопчатника в период хранения», «Прорастание семян хлопчатника», опубликованные в IV томе «Хлопчатник», «Фузариозный вилт хлопчатника» совместно с Б. Собировым до сих пор являются настольной книгой работающих физиологов и биохимиков.

Лаборатория «Физиологии растений», которой многие годы руководил Г.Я. Губанов, вела многочисленные совместные работы с другими лабораториями Института. Так, с лабораторией «Цитогенетики» проводились исследования по физиолого-биохимическому изучению процесса оплодотворения. Было показано, что при нанесении на рыльце хлопчатника максимального количества пыльцевых зерен в процессе их взаимодействия с тканями пестика резко изменяется тип обмена веществ в сторону повышения гидролитических ферментов, обуславливающих высокий уровень углеводного обмена в процессе прорастания пыльцы, роста пыльцевых трубок, оплодотворением и развитием зародышей. Было установлено, что в семяпочках и тканях рыльца хлопчатника количество различных сахаров и масла при перекрестном оплодотворении в 1,5 раза больше, чем при самоопылении, благодаря чему создается благоприятный энергетический уровень, увеличивается степень завязываемости при перекрестном оплодотворении.

Перу Г.Я. Губанова принадлежит более 100 научных статей, им написаны 3 монографии. Григорий Яковлевич всегда боролся и отстаивал прогрессивные направления, был принципиальным и честным ученым.

Наряду с большой научной работой Григорий Яковлевич активно участвовал в общественной жизни коллектива. Он неоднократно избирался секретарем партийной организации и председателем профсоюзного комитета.

Научно-организационная деятельность Г.Я. Губанова была высоко оценена правительством. В 1979 г. ему было присвоено звание «Заслуженный хлопкороб Узбекистана». За большой вклад в развитие физиологической науки Г.Я. Губанов неоднократно награждался различными правительственными наградами.

Григорий Яковлевич Губанов принадлежал к старшему поколению физиологов в области хлопководства, которому довелось участвовать в осуществлении огромной по масштабам работы по развитию этой отрасли науки и являл собой пример ученого исключительно высокой сознательности, принципиальности и необыкновенного трудолюбия.

*Зав. лаб. биохимии и физиологии хлопчатника УзНИИССХ,
доктор биологических наук, профессор С. Рахманкулов*

I. ҒЎЗАДА ЯНГИ ДОНОРЛАР ВА НАВЛАР ЯРАТИШДА ҒЎЗА КОЛЛЕКЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

УЎТ: 633.511:631.52

Х. САЙДАЛИЕВ, М. ХАЛИКОВА

ЎЗҒСУИТИ ҚОШИДАГИ ҒЎЗА КОЛЛЕКЦИЯСИНИНГ СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК ИЗЛАНИШЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ

Пахтачилик мамлакатимиздаги муҳим ишлаб чиқариш тармоғи бўлиб, унинг ривожланишида яратилаётган янги ғўза навлари катта ўрин тутади. Ушбу тармоқнинг ривожланишида навларнинг нафақат хўжалик хусусиятлари (тезпишарлиги, тола чиқими, тола узунлиги, саноат талабига жавоб бериши), балки ҳар хил касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги, экстремал шароитларга мослашиши ёки бардошли бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Навларда бундай хусусиятларни жамлаш учун ғўзанинг турли мамлакатларда олинган, ўзларида кўплаб фойдали белгиларни сақлаб келаётган ёввойи, ярим ёввойи шаклларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ғўзанинг қимматли белгиларга эга бўлган намуналарини узоқ йиллар давомида ўрганилиб, сақланиб келинаётган коллекциядан топиш мумкин.

Ғўза *Malvaceae* оиласининг *Gossypium L.* туркумига кирувчи кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ўзининг турлар хилма-хиллиги ва уларнинг морфологик жиҳатдан ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу авлод ҳалигача ушбу йўналишда изланишлар олиб бораётган олимлар орасида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Шунингдек, ҳозирги давргача ҳали фанга маълум бўлмаган янги турлар ҳам кашф этилиб, турлар рўйхати тобора ортиб бормоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларигача фанга жами 36 тур маълум бўлган бўлса, ҳозирга келиб ушбу кўрсаткич 49 тага етди.

Сўнги турлар асосан Австралия қитъасига уюштирилган халқаро экспедициялар ёрдамида топилган бўлиб, ҳозирда ҳар томонлама ўрганилмоқда. Умуман олганда ўсимликлар дунёси бой бўлишига қарамасдан, ўсимлик турлари ҳар хил таъсирлар натижа-

сида йўқолиб кетиши, сонининг камайиши ёки ноёб тур сифатидагина сақланиб қолиши мумкин. Уларни тур сифатида доимийлигини сақлаш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилади: “Қизил китоб” га киритилади, қўриқхона ва буюртмахоналарда муҳофаза қилинади, коллекцияларда жамланади ва вақти-вақти билан янгилаб турилади.

Республикамызда муҳим техник экин бўлган ғўзанинг ҳам шундай ноёб коллекцияси мавжуд бўлиб, бундай коллекция ғўза турлари ва тур хилларини сақлаб қолиш билан бирга улардан амалий фанлар тармоғида фойдаланишни таъминлайди. Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти қошидаги ушбу ғўза коллекциясида дунёнинг 110 дан ортиқ мамлакатидан йиғилган ёввойи, ярим ёввойи шакллар ва навлардан ташкил топган 13000 га яқин намуна мавжуд бўлиб, ушбу намуналар асосан АҚШ, Мексика, Ҳиндистон, Хитой, Австралия, Туркманистон, Тожикистон, Миср, Бразилия, Исроил, Перу, Покистон, Эрондан келтирилган.

Коллекцияда мавжуд намуналар чигити ҳар 8-10 йилда бир марта янгилаб турилади. Бу намуналарнинг аксарияти баъзи хусусиятларига кўра амалий селекция ва генетик изланишлар учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг айримлари ўз вақтида кенг районлашган навлар бўлиб, айримлари ишлаб чиқаришдан саноат талабларининг ошиб бориши ҳамда касалликларга чидамсизлиги натижасида ва бошқа сабабларга кўра олиб ташланган. Айрим табиатда ўсиб турган ёввойи ва ярим ёввойи намуналар эса инсоннинг аралашуви натижасида, бўш ерларни ўзлаштириш жараёнида бутунлай йўқолиб кетган ёки йўқолиш арафасида турибди.

Ушбу коллекцияни ташкил этишда жуда кўп олимларнинг 1920 йилдан бошлаб дунёнинг турли минтақаларига уюштирилган экспедициялари муҳим рол ўйнаган. Бу экспедициялар асосан, Жанубий ва Шимолий Америкага, Осиёга, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳамда Африканинг бир қатор мамлакатларига уюштирилган.

Ғўзанинг мазкур коллекциясини ташкил топишида олимлардан Н.И. Вавилов, П.М. Жуковский, С.В. Юзепчук, С.М. Букасов, А.А. Абдуллаев, Н.К. Лемешев, Ю.Ф. Узоқов, А.А. Автономов, Ф. Толипов, Х. Сайдалиевларнинг хизматлари бекиёсдир.

ЎзҒСУИТИ қошидаги коллекция намуналарини ўрганиб чиқиш натижасида ҳар йили улардан бир қанчаси турли белгилари бўйича қимматли манба сифатида селекционер ва генетикларга тавсия этилади. Хусусан, вертициллёз вилтга бардошли ва тола сифати юқори бўлган 25 дан ортиқ Хирзутум турига мансуб намуналар ва бир ёввойи тур, тезпишарлик бўйича Хирзутум турининг 20 дан ортиқ, Барбадензе турининг 20 дан ортиқ, Арбореум турининг 15 дан ортиқ, Хербасуем турининг 25 дан ортиқ намуналари, кўсак йириклиги, тола чиқими ва узунлиги бўйича 40 дан ортиқ намуналар тавсия қилинган. Натижада ушбу манбалардан фойдаланиб селекционерлар томонидан бир қатор навлар яратилган.

Республикамиз пахтачилик фанида кескин бурилиш ясаган Тошкент навлари ҳам коллекцияда мавжуд бўлган ёввойи шаклдан фойдаланиб яратилган. Академик С. Мираҳмедов томонидан ихтиро этилган ушбу навлар Г. хирзутум турининг ёввойи шакли бўлган мексиканум намунасида фойдаланиб яратилган. Мексиканум шаклида вертициллёз вилтга чидамлилиқ хусусияти мавжуд бўлиб, уни чапиштириш натижасида навларга ўтказиш мумкинлигининг исботланиши пахтачилик ривожланишида муҳим юксалиш эди.

Сўнги йилларда коллекцияда сақланаётган ва тавсия этилган ёввойи, ярим ёввойи шакллар ҳамда хориж намуналари иштирокида С-6524, С-6530, Наманган-77, Оққўрғон, Оққўрғон-2, Оққўрғон-3, С-4727, Омад, С-9070, С-4910, С-9072, Тошкент-6, Фарғона-3, Фарғона-6, Сурхон-9, Наманган-34, С-6541, Наманган-102 каби навлар яратилди. Масалан, республикамизда кенг экилаётган Омад навининг яратилишида коллекцияда сақланаётган 02 тизмасидан, Наманган-77 навини яратишда 06524 коллекцион намунасида, Наманган-34 навининг яратилишида 02654 коллекцион намунасида, С-6524 навининг яратилишида 05152 (Г. хирзутумнинг ярим ёввойи шакли бўлган пунктатум) намунасида, Сурхон навларининг яратилишида коллекцияда сақланаётган МЛ-101 ва 02654 намуналаридан, Наманган-102 навида 02654 намунасида, С-2510 навида 08822 намунасида фойдаланилган ва ҳ.к. Ҳозирги вақтда ушбу навлар республикамизда катта майдонларда экилмоқда.

Шунингдек, коллекцион намуналар иштирокида олинган бир қатор истиқболли навлар мавжуд. Истиклол-13, С-8288, С-8284,

C-2610, C-6771, C-6775, C-9082, C-2510, Сурхон-14, Сурхон-16 шулар жумласидандир.

Коллекцияда 100 га яқин рангли толага эга бўлган намуналар мавжуд бўлиб, ушбу намуналарнинг қимматли-хўжалик белгилари ўрганилмоқда.

Маданийлаштирилган турларнинг барча ёввойи ва ярим ёввойи шакллари одатда ташиқи муҳитга тез мослашувчан, қурғоқчиликка чидамли, қисқа кун талаб қилувчи кўп йиллик бутасимон ўсимликлардир.

Умуман олганда коллекцияда кўп йиллик ғўза намуналари анчагина. Лекин жаҳон миқёсида 98-99 фоиз бир йиллик ғўза намуналари экилади. Фақатгина Бразилия ва Перудагина иқлим шароитдан келиб чиққан ҳолда кўп йиллик ғўза экилади.

Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос навлар яратишда ўзида шўрланишга, сув танқислигига, гармселга, касаллик ва зараркунандалар таъсирига чидамлилиқ, ҳосилдорлик, тола сифати каби белгиларни сақлаган намуналардан кенг фойдаланиш бундай муаммоларнинг ечимида катта аҳамиятга эга. Жумладан, Ғўза коллекциясида тирик ҳолда сақланиб келинаётган *G. tomentosum* Nutt. ex Seem. ёввойи тури сўрувчи зараркунандаларга ва қурғоқчиликка чидамли, тола сифати юқори, *G. sturtianum* I.N. Willis тури гоммозга, сўрувчи зараркунандаларга бардошли, *G. raimondii* Ulbr. тури ғўза тунлами (*Heliothis armigera*) ва санчиб-сўрувчи зараркунандаларга чидамли, *G. arboreum* L. ва *G. herbaceum* L. турлари бактериозга ва санчиб-сўрувчи зараркунандаларга чидамли, толаси юқори гигроскопик – жунлик хусусиятига эга, *G. anomalum* Wawra бактериозга, вилтга, ўргимчаккана ва ширага чидамли, *G. stockii* Mast. бактериозга, ширага, қисман ўргимчакканага чидамли, *G. australe* тури кўплаб зараркунандаларга чидамли, толаси пишиқ, *G. bickii* тури клейстогам гулга эга, ҳашаротларга чидамли, *G. aridum* тури қурғоқчиликка чидамли ва х.к.

Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти қошидаги Ғўза жаҳон коллекцияси йилдан-йилга қимматли ашёлар билан бойитилмоқда ва ўзининг катта аҳамияти билан дунё олимларининг эътиборини тортиб келмоқда. Госсипиум туркумига мансуб турларни ўрганиш борасида ютуқлар ва на-

тижалар кўп. Бироқ бу борада ҳали ўрганилмаган ва ўз ечимини топмаган масалалар анчагина.

Шунингдек, кейинги вақтларда аниқланган турларни мукаммал ўрганиш, уларни амалий селекция ва генетикадаги имкониятларини аниқлаш ҳам ҳар томонлама тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Страумал Б. П. Сорта хлопчатника с основами селекции. Ташкент: Фан, 1974. С. 82-87.
2. Сайдалиев Х., Халикова М., Халикова Н. Ғўза дунёвий коллекцияси ва ундан фойдаланиш // Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хиллигининг экологик муаммолари. НДПИ респ. илм. амал. конф. ма-тер (Навоий, 3-апрел 2006 йил). Навоий, 2006. 124-125-бетлар.

УЎТ 633.51: 631.52

О.А. АХМЕДОВ

МАДАНИЙЛАШТИРИЛГАН ДИПЛОИД ҒЎЗА КОЛЛЕКЦИОН НАМУНАЛАРИНИНГ СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА БАРДОШЛИЛИГИ

Республикамызда қишлоқ хўжалик ўсимликларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ғўза ўсимлиги кўплаб зараркунандалар билан зарарланади. Ушбу зараркунандаларга қарши узоқ йиллар давом этган кимёвий йўл (инсектицидлар, пестицидлар ва ҳ.к.) билан кураш натижалари бу усулнинг ижобий эмаслигини кўрсатди. Пестицид моддаларнинг ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши жараёнида уларни кўплаб атмосферага чиқарилиши инсоният, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг ҳаёт фаолияти учун хавфлидир. Шунингдек, баъзан зараркунандаларга қарши илмий асосланмаган ҳолда қўлланилувчи пестицидлар айрим турдаги фойдали ҳашаротларнинг қирилиб кетиши ва ушбу ҳашаротнинг озиғи бўлган зараркунандаларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Натижада кўплаб шу каби ҳодисаларнинг

узлуксиз давом этиши биоценоздаги табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келади.

Жумладан олимлардан Х. Сайдалиев ва бошқаларнинг (2002) таъкидлашича, ёввойи ғўза тури *G. tomentosum* ва маданийлаштирилган полиплоид *G. hirsutum* L. турига мансуб навларни чатиштириб сўрувчи зараркунандаларга чидамли дурагайлар олиш мумкин ва ушбу дурагайлардан зараркунандаларга бардошли навлар яратишда фойдаланиш юқори самара беради.

М.Б. Халикованинг (2004) таъкидлашича, ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларга чидамлилигини аниқлашнинг асосий омиллари, булар ҳашаротлар сони, ўсимликнинг биокимёвий таркиби, барг пластинкасининг умумий ва қаватлар бўйича қалинлиги, ўсимлик аъзоларининг тукланиш хили ва даражаси, иккиламчи алмашинув маҳсулотларининг миқдори ва бошқалардир.

О. Матёқубов, Т. Тожибоевларнинг (2006) маълумотларига кўра, ғўзанинг асосий сўрувчи зараркунандалари шира, трипс, ўргимчаккана ҳисобланиб, бу зараркунандалар асосан ўсимликнинг вегетация даврида зарар келтиради ҳамда ўсимликни нобуд бўлишига олиб келади. Ана шу зараркунандаларга қарши курашишда кимёвий ва биологик кураш чоралари билан бир қаторда зараркунанда ҳамда касалликларга бардошли навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрларни назарда тутиб ўз изланишларимизда тадқиқот манбаи сифатида *G. arboreum* L. туридан 10 та: ЎзФСУИТИ каталог рақамлари 01762 (Ўзбекистон), 01774, 01781, 01788 (Туркменистон), 01790, 01845, 02032, 02033, 01828 (Хитой), 01830 (Ҳиндистон) бўлган намуналар, *G. herbaceum* L. туридан ҳам 10 та: 01605, 01666, 01670, 03527, 04183 (Ҳиндистон), 02043, 02056, 02059 (Хитой), 03495 (Дания), 03500 (Австрия) каталог рақамли намуналардан фойдаланилди.

G. arboreum L. ва *G. herbaceum* L. турларига мансуб коллекцион намуналарни 2006 йилда Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг Марказий тажриба хўжалигида қабул қилинган услубда 60×25×2 тартибда, 2 қайтарикда 15 уялик қилиб ўқилди. Ўсимликларни ўсув даврида униб чиқиш, шоналаш, гуллаш ва кўсакларни очилиш даврлари кузатилиб, қайд қилиб борилди ва айрим қимматли хўжалик белгилари

аниқланди. Шу билан бирга шоналаш даврида сўрувчи зарарку-
нандалар сони аниқланди.

Изланишларимиз давомида ғўзанинг эски дунё намояндаларидан
маданийлаштирилган диплоид *G. arboreum* L. ва *G. herbaceum* L.
турларининг сўрувчи зараркунандаларга чидамлилигини ўрганиб
чикдик ва қуйидагича натижага эга бўлдик (жадвал): диплоид
G. arboreum L. турига мансуб намуналарда ширалар сони 1,1 дона-
дан 5,6 донагача ораликда бўлди. Жумладан, 01781, 01830 ва 01845
каталог рақамли намуналарда кузатилиб, ширалар сони мос равишда
3,4; 5,5; 5,6 тани ташкил қилди.

01788, 02032 ҳамда 02033 каталог рақамли Туркменистон ва
Хитой намуналари баргида ширалар сони кузатилмади. Қолган на-
муналарда ширалар сони 1,1-2,7 дона оралиғида бўлди. Ушбу
ўрганилган намуналар баргидаги трипслар сони 2,7 дан 27,9 дона-
гача ораликда бўлиб, 01774 (Туркменистон) ва 01762 (Ўзбекистон)
каталог рақамли намуналарда трипслар сони 20,4; 27,9 донани
ташкил қилди. Фақат иккита 01790 ва 02032 (Хитой) каталог
рақамли намуналар баргида трипс кузатилмади. Ўрганилган дип-
лоид *G. arboreum* L. турига мансуб намуналар баргида ўргимчак-
кана умуман учрамади. Бу эса намуналарнинг ўргимчакканага бар-
дошли эканлигидан далолат беради. Изланишларимизда бошлан-
ғич ашё сифатида олинган диплоид *G. herbaceum* L. турига мансуб
бўлган намуналар сўрувчи зараркунандалар сони бўйича
қуйидагича кўрсаткичга эга бўлди: 02043 ва 02056 (Хитой) каталог
рақамли намуналар баргида ширалар сони 2,5; 3,0 донани ташкил
қилди, қолган намуналарда ширалар кузатилмади. Ушбу
ўрганилаётган намуналар баргида трипслар сони эса 2,1 дан 20,2
дона оралиғида бўлди. Энг кўп 01666, 03527 ва 01670 (Ҳиндистон)
каталог рақамли намуналарда, яъни мос равишда 8,0; 20,2; 19,3
донани ташкил қилди. 01605 (Ҳиндистон), 03495 (Дания) каталог
рақамли намуналарда эса трипслар сони 2,1 ва 2,7 донани ташкил
қилиб, фақат 02059 (Хитой) ва 03500 (Австрия) каталог рақамли
намуналарда трипслар сони кузатилмади. *G. herbaceum* L. турига
мансуб бўлган намуналарда ўргимчаккана фақат битта 01670 (Ҳин-
дистон) каталог рақамли намунага мансуб ўсимлик баргида 1,8 до-
нани ташкил этди. Қолган коллекцион намуналарда ўргимчаккана
учрамади.

Намуналарда зараркундалар сони

№	ЎзФСУИТИ каталог рақами	Келиб чиқиши	Ўсимлик сони	Битта ўсимликдаги зарарку- ндалар сони, дона		
				шира	трипс	ўргимчак- кана
<i>G. arboreum L.</i>						
1	01762	Ўзбекистон	10	1,9	27,9	0
2	01774	Туркменистон	10	1,3	20,4	0
3	01781	Туркменистон	10	5,5	11,0	0
4	01788	Туркменистон	10	0	5,3	0
5	01790	Хитой	10	1,1	0	0
6	01828	Хитой	10	2,7	23,3	0
7	01830	Ҳиндистон	10	3,4	13,8	0
8	01845	Хитой	10	5,6	3,8	0
9	02032	Хитой	10	0	0	0
10	02033	Хитой	10	0	2,7	0
<i>G. herbaceum L.</i>						
1	01605	Ҳиндистон	10	0	2,1	0
2	01666	Ҳиндистон	10	0	8,0	0
3	01670	Ҳиндистон	10	0	19,3	1,8
4	02043	Хитой	10	2,5	3,1	0
5	02056	Хитой	10	3,0	0	0
6	02059	Хитой	10	0	0	0
7	03495	Дания	10	0	2,7	0
8	03500	Австрия	10	0	0	0
9	03527	Ҳиндистон	10	0	20,2	0
10	04183	Ҳиндистон	10	0	5,5	0

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда қуйидагиларни ху-
лоса қилиш мумкин: Эски дунё намояндаларидан маданийлашти-
рилган диплоид *G. arboreum L.* турига мансуб коллекцион намуна-
лардан: Шира, трипс ва ўргимчакканага бардошлилик бўйича
02032, 01790 (Хитой), 01788 (Туркменистон) каталог рақамли ва
G. herbaceum L. турига мансуб 02059 (Хитой), 03500 (Австрия),
01605 (Ҳиндистон) каталог рақамли намуналардан амалий селек-
цияда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ-
дир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сайдалиев Х., Холмуродов А.И., Халикова М.Б. Устойчивость межвидовых гибридов хлопчатника с участием *G. tomentosum* к сосущим вредителям // Теор. и прак. осн. и прсп. разв. селк. и семенов. хл-ка.: Тез. док. межд. науч.-пр. конф. Ташкент, 2002. С. 72-74.
2. Халикова М.Б. *G. tomentosum* иштирокида беккросс дурагайларнинг сўрувчи зараркундаларга бардошлилиги. Қ.х.ф.н. дисс. автореф. Тошкент, 2004. 20-бет.
3. Матёқубов О., Тожибоев Т. Ғўза коллекциясида мавжуд бўлган хориж намуналарининг зараркундаларга бардошлилиги. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития» номли халқаро илмий-амалий конференция тўплами (Тошкент, 2006 йил 18 август). Тошкент, 2006. 101-102-бетлар.

О.А. Ахмедов

ВЫНОСЛИВОСТЬ КУЛЬТИВИРУЕМЫХ ДИПЛОИДНЫХ КОЛЛЕКЦИОННЫХ ОБРАЗЦОВ ХЛОПЧАТНИКА К СОСУЩИМ ВРЕДИТЕЛЯМ

В статье приводятся результаты проведенных исследований по устойчивости образцов видов *G. arboreum* L. и *G. herbaceum* L. к сосущим вредителям.

Выносливость изученных образцов к вредителям была разной в зависимости от морфобиологических признаков и происхождения. В частности, образцы, полученные из Китая и Индии, были лучшими по этому показателю.

В результате были выявлены источники, выносливые к этим вредителям, и рекомендованы для практической селекции.

УЎТ. 633.511: 631.523

Н.Х. ИСМАИЛОВ, О.А. АҲМЕДОВ

ТУРИЧИ ДУРАГАЙЛАРДА БОШ ПОЯ БАЛАНДЛИГИ БЕЛГИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНГА БЕККРОСС ЧАТИШТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ

Ғўзанинг муайян майдон бирлигида тўплайдиган хўжалик ҳосили унинг бош поя баландлиги билан боғлиқ. Бош поя баландлиги ва ўсимликдан олинadиган хомашё орасида ҳар доим ҳам ижобий муносабат бўлавермайди.

Ўсимликнинг бош поя баландлиги микдорий белги бўлиб, генларнинг полимер эффекти натижасида юзага чиқади ва бу белгининг мақбул фенотипига эга бўлиши селекция жараёнининг муҳим йўналишларидан биридир. Ғўзада ҳақиқий паст бўйлилик ёки па-

каналикни аниқлаш учун бошланғич ашёни иссиқхонада маълум бир ёруғлик, ҳарорат ва бошқа омиллар (ўғитлаш, суғориш ва шу кабилар) шароитида ўрганиш мумкин (Икрамов ва бошқ., 1991).

Маълумки, иссиқхона шароитида 290-315 нм тўлқин узунлигидаги ультрабинафша ва инфракизил нурларнинг узун тўлқинли қисмлари деярли бутунлай ойнада тутилиб қолади. 290-315 нм узунликдаги ультрабинафша нурлар ўсимликнинг ўта ўсиб кетишига тўсқинлик қилади. Инфрақизил нурлар эса ҳаво ҳарорати паст (20°C дан паст) бўлганда ўсимликнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, юқори t° да (30°C дан юқори) салбий таъсир қилади. Иссиқхонада ушбу нурларнинг таъсири бўлмагани учун ўсимликлар жадал ўсади. Ўсимликнинг жадал ўсишига тупроқнинг юқори даражадаги намлиги, органик ҳамда минерал ўғитлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади (Халикова, 2004 йил бўйича).

Барча ўсимликларга хос бўлган реакция меъёрини ҳисобга олсак, бундай шароитдаги селекцион ашёлар орасида паст бўйли, пакана ҳамда бўйдор ўсимликларга ажралиш юз беради. Бу эса ўз навбатида селекция иши учун муҳимдир.

Иزلанишларимизда ўрганилаётган дурагайларнинг бош поя баландлиги комбинациялар ва авлодлар бўйича турлича кўрсаткични ташкил қилди. Дурагайларнинг биринчи туркуми (F_1) иссиқхона шароитида парваришланиб, бош поя баландлиги 62,2 см дан 124,0 см гача, ўзгарувчанлик коэффиценти эса 15,4 дан 37,0 фоизгача ораликда бўлганлиги кузатилди. Ушбу авлодда юқори кўрсаткич $F_1(\text{Омад} \times 06964)$ комбинациясида кузатилиб, бош поя баландлиги 124,0 см ни, ўзгарувчанлик коэффиценти 36,7 фоизни ҳамда ота-онадан фарқланиш 43,4; 12,8 смни ташкил қилди (жадвал). Ушбу комбинациянинг реципрок ҳолатида ўзгарувчанлик коэффиценти 26,9 фоизга тенг бўлиб, оналик сифатида маданий нав қатнашган ҳолатда бош поя баландлиги ва ўзгарувчанлик коэффицентининг юқори бўлганлигини кузатиш мумкин. Бундан кўринадики, оналик сифатида паст бўйлилик хусусиятига эга бўлган Омад навининг иштирокини инobatга олсак, дурагайнинг бош поя баландлиги белгиси полимер генлар таъсирида юзага чиқиши натижасида турли генотипга эга бўлган ўсимликларнинг шаклланганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ушбу авлодданок белги бўйича мақбул генлар тўпламига эга бўлган ўсимликларни ажратиб олиш мумкинлигини билдиради. Юқоридаги ҳолатга зид равишда оналик сифатида ма-

даний нав қатнашган $F_1(C-9082 \times 05144)$ комбинация ўсимликларида кўрсаткич 62,2 см га тенг бўлиб, ота-онадан фарқланиши $-45,2$; $-38,4$ см ни, ўзгарувчанлик коэффициенти 36,1 фоизни ташкил қилди ва ота-она шаклларига нисбатан паст бўйлиликни намоён этди. Унинг реципрок шаклидаги $F_1(05144 \times C-9082)$ комбинацияда бош поя баландлиги 119,7 см бўлиб, ота-онадан фарқланиши 19,1; 12,3 см ни ташкил этди. Ушбу дурагайнинг ота-онадан фарқланиш кўрсаткичлари белгининг шаклланиши оналик сифатида иштирок этаётган 05144 каталог рақамли Панама пунктатуми таъсирида кечаётганлигини кузатиш мумкин.

Дурагайларнинг иккинчи (F_2) туркумига келиб бош поя баландлиги белгисининг дурагайлашда иштирок этган намуналар биологиясидан келиб чиққан ҳолда шаклланганлигини кўриш мумкин. Бу авлодда кўрсаткич 67,2 см дан 114,8 см гача, ўзгарувчанлик коэффициенти 9,3 дан 17,7 фоизгача ораликда бўлганлиги кузатилди. Энг юқори натижа $F_2(09136 \times \text{Турон})$ комбинациясида кузатилиб 114,8 см га, ўзгарувчанлик коэффициенти 12,6 фоизга тенг бўлди. Ўртача ота-онадан фарқланиши 21,1; $-9,0$ см га тенг бўлиб, реципрок ҳолатига нисбатан ушбу дурагайнинг бўйдорлигини кузатиш мумкин. Белги бўйича паст натижа $F_2(JI-001 \times 08933)$ ҳамда $F_2(08933 \times JI-001)$ комбинацияларида кузатилиб, кўрсаткич 67,2 см га, ўзгарувчанлик коэффициенти 17,7 фоизга тенг бўлди. Ушбу ҳолатда ўзгарувчанлик коэффицентининг юқорилиги турли кўринишдаги генотипларнинг ажралиб чиққанлигидан далолат беради.

Учинчи авлод (F_3) дурагайларида бош поя баландлиги бўйича олинган натижалар комбинациялар бўйича деярли бир-бирига яқин кўрсаткичларни ташкил қилди. Ушбу авлодда оналик сифатида ярим ёввойи *punctatum* намуналари иштирок этган $F_3(08848 \times C-4727)$, $F_3(09136 \times \text{Турон})$ ҳамда $F_3(05144 \times C-9082)$ комбинацияларда бош поя баландлиги ва ўзгарувчанлик коэффициенти кўрсаткичлари реципрок ҳолатига нисбатан юқори бўлиб, вариацион қатор турли генотипга эга бўлган ўсимликлардан ташкил топди. $F_3(C-4727 \times 08848)$, $F_3(JI-001 \times 08933)$ ҳамда $F_3(\text{Омад} \times 06964)$ комбинацияларида маданий навлар ва тизма оналик сифатида қатнашганида белги бўйича шаклланиш маданий намуналар таъсирида борганлигини кузатиш мумкин. Беккросс дурагайларда бу қонуният $F_3V_1(08848 \times C-4727) \times C-4727$, $F_3V_1(09136 \times \text{Турон}) \times \text{Турон}$ ҳамда $F_3V_1(05144 \times C-9082) \times C-9082$ комбинацияларида сақланиб қолгани ҳолда белгининг

уйғунлашуви такрорий чатиштиришда иштирок этган маданий нав таъсирида юзага чиққанлигини кузатиш мумкин. Жумладан, ушбу авлодда белги бўйича шаклланиш 60,6 см дан 83,5 см гача, ўзгарувчанлик коэффициенти 15,6 дан 27,8 фоизгача ораликда бўлди. Энг юқори натижа F₃B₁(09136 × Турон) × Турон комбинация ўсимликларида кузатилди ва 83,5 см ни ташкил қилди. Ўртача ота-онадан фарқланиши -10,2; -40,3 см га тенг бўлиб, тўйинтирувчи чатиштириш таъсирида ўсимлик бўйининг пасайиб борганлигини кузатиш мумкин.

Дурагайларда бош поя баландлигининг ирсийланиши, см

№	Дурагай комбинациялар	F ₁		Фарқланиш		F ₂		F ₃		F ₃ B ₁	
		X±Sx	V	P ₁	P ₂	X±Sx	V	X±Sx	V	X±Sx	V
1	C-4727×08848	76,6±3,8	29,1	1,4	-16,2	77,0±2,7	9,3	78,7±1,7	21,3	66,3±1,4	19,8
2	08848×C-4727	67,9±3,2	21,1	-24,9	-7,3	72,0±2,5	9,3	88,9±2,1	23,4	69,9±1,1	15,6
3	Л-001×08933	71,9±3,8	37,0	20,5	-73,2	67,2±4,5	17,7	91,5±1,7	18,3	63,3±1,2	18,3
4	08933×Л-001	73,7±3,6	24,9	-71,4	22,3	69,8±3,7	14,0	80,7±1,7	21,6	60,6±1,7	27,8
5	Турон×09136	91,9±4,3	24,1	-31,9	-1,8	93,5±4,1	11,6	82,9±1,3	16,1	82,9±1,4	17,1
6	09136×Турон	107,9±3,8	15,4	14,2	-15,9	114,8±4,6	12,6	95,7±1,6	16,2	83,5±1,2	16,3
7	Омад×06964	124,0±3,9	36,7	43,4	12,8	95,1±4,0	16,7	84,6±1,8	21,0	63,2±1,2	18,7
8	06964×Омад	102,2±4,0	26,9	-9,0	21,6	95,6±5,2	17,2	76,8±1,5	19,7	63,9±1,2	18,9
9	C-9082×05144	62,2±2,9	36,1	-45,2	-38,4	77,9±3,9	13,1	78,7±1,7	20,6	70,8±1,5	20,4
10	05144×C-9082	119,7±3,7	25,1	19,1	12,3	97,9±3,8	10,2	86,7±1,9	22,0	74,8±1,2	16,3

Тадқиқотлар давомида олинган натижалар шунини кўрсатадики, рудераль шакл ҳисобланмиш *ssp.punctatum* иштирокида олинган ушбу дурагайларнинг бош поя баландлиги чатиштиришларда иштирок этган нав ва намуналарнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Тўйинтирувчи чатиштириш оналик сифатида қайси намуна қатнашишидан қатъи назар ушбу белгининг маданий нав таъсирида шаклланиб боришини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Икрамов Ю. И. и др. Схема селекционной работы с использованием камер искусственного климата (фитотрона) и теплиц для ускорения селекционного процесса хлопчатника (Методическая рекомендация). Ташкент, 1991. – 31 с.
2. Халикова М. Б. *G. tomentosum* иштирокидаги беккросс дурагайларнинг сўрувчи зараркундларга бардошлилиги. Қ.х.ф.н. ... дисс. автореф. Тошкент, 2004. 20-бет.

Н.Х. Исмаилов

ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСОТЫ ГЛАВНОГО СТЕБЛЯ У МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ И ВЛИЯНИЕ БЕККРОСС ГИБРИДИЗАЦИИ НА ЭТОТ ПРИЗНАК

В научной статье приведены результаты формирования признака высоты главного стебля у гибридов, полученных при участии полудиких форм коллекционных образцов *ssp.punctatum*. Выявлено, что формирование данного признака зависит от биологических свойств сортов и образцов, участвующих при гибридизации.

УЎТ: 633.511:631.52

Х. САЙДАЛИЕВ, М. ХАЛИКОВА, Р. РАҲМОНОВА

РАНГЛИ ТОЛА БЕРУВЧИ ҒЎЗА НАМУНАЛАРИДА АЙРИМ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Республикамизда ғўзанинг оқ тола берувчи навлари кенг миқёсда экилади. Бундай навлар ўзининг кўпчилик хусусиятлари билан пахта етиштириш саноати талабларига жавоб беради ва бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Шу билан бирга ғўзанинг турли мамлакатлардан йиғилган рангли тола (жигарранг, яшил, кўнғир) берувчи шакллари ва нав намуналари ҳам мавжуд бўлиб, бундай намуналар бир қанчани ташкил қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, рангли толага эга бўлган кўпчилик намуналар ўзининг бирмунча кечпишарлиги ва тола сифатининг пастлиги туфайли кенг ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадларида ўрганилмаган. Шу билан бир қаторда ушбу хусусиятга эга бўлган намуналар асосида яратиладиган навлар бир қатор устунликларга эга. Бундай навларнинг толаси табиий рангга эга бўлганлиги учун уларни шундай рангли матолар тайёрлаш мақсадида бўяш шарт эмас. Табиий рангдор толадан тайёрланган мато инсон саломатлиги учун ҳам зарарсиз бўлиб, ҳар хил аллергик ҳолатларни келтириб чиқармайди.

Биз ушбу ишда шундай рангли толага эга бўлган намуналардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш мақсадида уларни тола сифати юқори бўлган маҳаллий навлар билан чапиштириб, белгининг ирсийланиш табиатини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Қуйида

ушбу чатиштиришларда иштирок этган ота-она шаклларнинг бир қатор белгиларининг кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Изланишлар Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Навоий филиалида олиб борилди.

Бошланғич шакллар *G. hirsutum L.* турига мансуб рангдор толали 02408 (кўнғир), 04511 (яшил), 010444 (яшил), 011283 (яшил), 08814 (новотранг) коллекция намуналари ва *G. hirsutum L.* турига мансуб маҳаллий Бухоро-6, Бухоро-102, С-6530 навлари ва Л-001, Л-100 тизмаларидан иборат.

Навоий вилоятининг табиий иқлим шароити Марказий Осиёнинг географик ўрни билан боғлиқ бўлиб, Ўрта Ер денгизи таъсирида субтропик ва Қизилқум чўли минтақасининг кескин ўзгарувчан икки иқлими: тик тоғлар, тоғлар олди ва чўл иқлими билан тавсифланади.

Чўл иқлими (минтақа иқлимининг) кескин ўзгарувчанлиги билан фарқланади ва вилоятнинг асосий ерларида ҳукм суради. Бу иқлим таъсирида чўл тупроқлари ва маданий суғориладиган ерларнинг табиий ва сунъий усулда суғорилишидан тўпланадиган намлик ортиқча буғланиб туради. Бу ҳолат эса қишлоқ хўжалигида парваришланаётган экинларга агротехник ишлов бериш муддатлари билан белгилашда сезиларли таъсир кўрсатади.

Туркменистондан келтирилган каталог рақами 04511 бўлган намунанинг бош поя баландлиги 86,0 см, кўсақлар сони 21,2 дона, ҳосил шохларининг сони 13,5 тага тенг бўлиб, тезпишарлиги 122 кунни ташкил қилди. Ушбу намуна толасининг ранги яшил эканлиги кузатилди. Толанинг ранги қуёш нурининг тушишига кўра ўсимлик тупининг турли жойларида оч яшилдан тўқ яшилгача эканлиги аниқланди.

Келиб чиқиши номаълум бўлган 010444 каталог рақамли намунада эса бош поя баландлиги 92,0 см, кўсақлар сони 23,4 дона ва ҳосил шохларининг сони 14,6 тага тенг бўлиб, тезпишарлиги 125 кунни ташкил қилди ҳамда толасининг ранги яшил эканлиги кузатилди. Бу намунада ҳам тола ранги бўйича юқоридаги ҳолат кузатилди.

Arkansas green номли каталог рақами 011283 бўлган яшил толали АҚШ намунаси бошқа намуналар ичида энг юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Унинг кўсақлар сони 24,0 дона, ҳосил шохлари 16,5 та бўлиб, толасининг ранги тиник ва барқарор оч яшиллиги

билан ажралиб турди. Фақат бу намуна бошқаларига нисбатан кечпишар бўлиб, унинг биринчи кўсаги 128 кунда очилди.

Кубанинг Poral 1-2 номли намунасида толанинг ўзига хос кўнғир рангда эканлиги кузатилди. Бу намунанинг тола ранги ҳам барқарорлиги билан ажралиб турди.

Маҳаллий селекцияга мансуб каталог рақами 08814 бўлган намунада бош поя баландлиги 80,6 см, кўсаклар сони ўртача 15,0 дона ва ҳосил шохлари 12,8 та эканлиги аниқланди. Бу намунанинг биринчи кўсаги 118 кунда очилди ва толасининг ранги новвотранг бўлиб, кўсақларининг бироз майдалиги кузатилди.

Айрим яшил толали намуналарда тола ранги ўсимликнинг турли жойида ҳар хиллигини рангни белгиловчи пигментнинг куёш нури таъсирига таъсирчанлиги туфайли деб айтиш мумкин. Бу эса шундай рангли толадан фойдаланишнинг самараси пастлигини кўрсатади.

Рангли толага эга бўлган намуналар билан Бухоро-6, Бухоро-102, С-6530 навлари ва Л-001, Л-100 тизмалари ўртасида дурагайлаш ишлари ўтказилди. Чатиштириш оналик гулларни олдиндан кастрация қилиш усулида олиб борилди. Ҳозирги кунда олинган F_0 дурагайларида морфохўжалик белгилар ва тола рангининг ирсийланиши таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, ушбу олинган натижалар асосида тола ранги белгисининг тола сифати ва бошқа кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлик даражаси (корреляция) аниқланади.

Оқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, гўзанинг рангли толага эга бўлган намуналари ўрганилган айрим белгилари бўйича ижобий кўрсаткичларга эга. Айрим яшил толали намуналарда тола рангининг ўсимликнинг турли жойида ҳар хиллигини рангни белгиловчи пигментнинг куёш нури таъсирига таъсирчанлиги туфайли деб айтиш мумкин. Бу эса шундай рангли толадан фойдаланишнинг самараси пастлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Страумал Б. П. Сорта хлопчатника с основами селекции. Ташкент: Фан, 1974. С. 82-87.
2. Симонгулян Н. Г. и др. Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника. Ташкент, 1974. – 215 с.
3. Сайдалнев Х., Халикова М., Халикова Н. Гўза дунёвий коллекцияси ва ундан фойдаланиш // Ўзбекистон Республикаси биологик

хилма-хиллигининг экологик муаммолари. НДПИ респ. илм. амал. конф. ма-
тер. (Навоий, 3-апрел 2006 йил). Навоий, 2006. 124-125-бетлар.

Х. Сайдалиев, М. Халикова, Р. Рахмонова

ПРОЯВЛЕНИЕ НЕКОТОРЫХ ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРИЗНАКОВ У ОБРАЗЦОВ ХЛОПЧАТНИКА С ОКРАШЕННЫМИ ВОЛОКНАМИ

В статье дано описание по некоторым хозяйственным признакам образцов хлопчатника, имеющих цветные волокна, которые получены из мировой коллекции УзНИИССХ. Установлено, что изученные образцы имеют положительные показатели по ряду хозяйственных признаков.

УЎТ: 633.51:631.52.

М.Б. ХАЛИКОВА

ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА АЙРИМ ХЎЖАЛИК ВА ЧИДАМЛИЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Маълумки, пахта етиштиришдан олинадиган самарадорликни оширишнинг энг асосий омилларидан бири – пахта майдонларига хўжалик жиҳатдан қимматли хусусиятларга эга бўлган навларни экишдир. Бундай хусусиятлар, жумладан, ҳосилдорлик, тезпишарлик, бир дона кўсак вазни, тола чиқими, тола сифати, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик экиладиган навнинг асосий сифат кўрсаткичларидир.

Бундай белгиларнинг ижобий боғлиқлигига эришиш селекцияда муҳим натижа ҳисобланади. Бундай натижа олиш учун эса белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш зарур бўлади. Маълумки аллел бўлмаган генларнинг плейотроп самараси ёки генларнинг бириккан ҳолда ирсийланиши натижасида маълум бир белгилар ўртасида ўзаро салбий ёки ижобий боғлиқлик мавжуд бўлади.

Ғўза селекциясида салбий корреляцияларни бартараф қилишнинг аҳамияти катта ва бу йўл билан бир генотипда бир неча ижобий белгиларни мужассамлантириш мумкин.

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тола чиқими билан тола узунлиги, битта кўсақдаги пахтанинг вазни билан бир тупдаги кўсақлар сони, ҳосилдорлик билан тезпишарлик ўртасида кучли салбий боғлиқлик борлиги аниқланган. Бироқ, қатор изланишлар орқали салбий боғланишларни ҳам йўқотиш мумкинлиги тасдиқ-

ланган. Масалан, ишлаб чиқаришдаги Омад нави тезпишар бўлиши билан бирга ҳосилдор ҳам – унинг кўсақлари йирик.


3. Раҳмоновнинг (2008) тажрибаларида ўрганилган кўпчилик дурагай комбинацияларда ўсимликларнинг ҳосил элементлари ва тезпишарлиги орасида кучсиз ижобий ёки салбий боғлиқлик қайд этилган.

Маълумки, ғўзанинг ҳар хил экстремал шароитларга бардошли бўлиши, касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилиги кўп ҳолларда унинг келиб чиқиши, эволюциядаги ўрни билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик юқоридаги белгиларга эга бўлган намуналарнинг қимматли-хўжалик белгилари кўрсаткичи паст бўлади. Шунинг учун ҳам ўрганилаётган ашёда барча ижобий белгиларнинг мақбул мажмуига эга бўлиш учун уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва бу боғлиқликларнинг мақсадга мувофиқлигига эришиш муаммо ҳисобланади.

Биз ўз изланишларимиз давомида ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларга чидамлилиги хусусиятига эга бўлган ёввойи тури *G. tomentosum* Nutt. Ex Seem. ва маданийлаштирилган *G. hirsutum* L. тури намуналари иштирокидаги дурагайларда ўргимчакканага бардошлиликни таъминловчи айрим белгиларнинг ўзаро ҳамда хўжалик белгилари билан боғлиқлик даражасини аниқлаш мақсадида бир қатор таҳлиллар ўтказдик. Бу таҳлиллар асосида қуйидаги натижалар олинди: ҳосилдорлик кўрсаткичи деярли барча дурагайларда ўргимчаккана сони кам бўлганда нисбатан юқори бўлиб, зараркунанда кўп бўлган дурагайларда ҳосилдорлик бирмунча паст бўлди. Жумладан, $F_1[F_4V_1(02672 \times G. tomentosum) \times 02672]$ × Наманган-77 дурагайида зараркунанда сони 4.0 та бўлиб, бир ўсимликдан олинган ҳосил 87.9 г ни ташкил қилган бўлса $F_6V_3(Acala sj-5 \times G. tomentosum) \times Acala sj-5$ дурагайида бу кўрсаткичлар мос равишда 28.5 та ва 38.4 г ни ташкил қилди (расм). Шунга ўхшаш боғлиқлик тезпишарлик ва зараркунанда сони ўртасида ҳам кузатилди.

Ўрганилган дурагайларда бардошлиликни таъминловчи белгиларнинг мажмуига эришиш имкониятини аниқлаш мақсадида ушбу белгилар ўртасидаги боғлиқлик даражаси ҳам аниқланди. Бунда баргнинг 1 мм^2 сатҳидаги туклар сони ва баргнинг умумий қалинлиги орасидаги корреляция даражаси $r = 0,609$ лиги аниқланди. Бу ҳол, яъни тукланиш ва барг қалинлиги орасидаги тўғри кор-

реляциянинг мавжудлиги бу иккала белгини бир генотипда жамлаш мумкинлигидан далолат беради.



Ўсимлик ҳосилдорлиги (г) ва зарарқунанда сони (дона)нинг боғлиқлиги

Шунингдек, 3-4 баргдаги зарарқунанданинг ўртача сони ва баргнинг 1 м^2 сатҳидаги туклар сони орасида сезиларли даражадаги кучли тесқари боғлиқлик борлиги аниқланди ($r = -0,76$). Бу ҳол кўпчилиқ адабиётларда (Дариев, Абдуллаев, 1985 ва бошқалар) қайд этилганидек, тукланиш ва чидамлилиқ орасида кучли боғланиш борлигини тасдиқлайди.

3-4 баргдаги ўргимчакканининг ўртача сони ва барг пластинкасининг умумий қалинлиги ўртасида ўртача даражадаги тесқари боғлиқлик борлиги аниқланди ($r = -0,23$).

Баъзи адабиётларда келтирилишича, ғўзанинг турли зарарқунандалар билан зарарланишига унинг таркибидаги иккиламчи алмашинув маҳсулотлари ҳам таъсир кўрсатади (Шапино, 1985 ва бошқ.). Тажрибаларимизда зарарқунанда сони ва иккиламчи алмашинув маҳсулотларининг оптиқ зичлиги ўртасида эса жуда ҳам кам миқдорда тесқари боғлиқлик даражаси ($r = -0,014$) борлиги аниқланди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрганилган дурагайларда иккиламчи алмашинув моддаларининг миқдори жуда кам бўлиб, бу ўсимликларни сўрувчи зарарқунандалар билан зарарланиш даражасига таъсир қилмайди. Ушбу дурагайлардаги сўрувчи зарарқунандаларга чидамлилиқ бошқа омиллар, хусусан, тукланиш зичлиги ва хилига боғлиқ равишда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган қисқача маълумотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғўзанинг ўрганилган турлараро дурагайларида бир қатор хўжалик белгилари ва зараркунандаларга бардошлилик ўртасида, шунингдек, бардошлиликни таъминловчи белгилар ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу борада селекция ишларини олиб бориш юқори самара беради.

Юқорида айтиб ўтилган турлараро дурагайлarning юқори бўғинларида танловлар натижасида қимматли хўжалик белгилар мажмуига эга бўлган бир қатор оилалар ажратиб олинди. Жумладан, $F_6B_3(Acala\ sj\ 5 \times G.\ tomentosum) \times Acala\ sj\ 5, F_2B_1(F_4B_1) [(MCU5 \times G.\ tomentosum) \times MCU5] \times Oмад$ ва $F_2B_1(F_4B_1) [(G.\ tomentosum \times MCU5) \times MCU5] \times Oмад$ дурагайлари ичидан ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.) ва ғўза ширасига (*Aphis gossypii* Glov.) бардошли бўлган оилалар ажратиб олинган. Уларда биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғинларда жойлашган, бош поя баландлиги 80-110 см, тезпишарлиги 108-120 кун, бир дона кўсак вазни 5,0-5,5 г, тола чиқими 34,0-36,0 фоиз, тола узунлиги 33,0-34,0 мм, тола микронейри 3,9-4,4 ни ташкил қилади. Бу оилалар микронейр ва солиштирма узилиш кучи бўйича I нав кўрсаткичига эга бўлиб, улар ичидан тола сифати юқори бўлган қимматли рекомбинантларни ажратиб олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дариев А.С., Абдуллаев А.А. Хлопчатник (анатомия, морфология, происхождение). Ташкент: Фан, 1985. –302 с.
2. Сайдалиев Х. Использование генетического потенциала видов *G. hirsutum* L. и *G. tomentosum* в улучшении хозяйственно – ценных признаков хлопчатника: Автореф. дис. ... докт. ф-л наук. Ташкент, 2003. – 43 с.
3. Шапиро И. Д. Иммуниет полевых культур к насекомым и клещам. Л., 1985. С. 12-45.

М.Б. Халикова

ВЗАИМОСВЯЗЬ ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРИЗНАКОВ И УСТОЙЧИВОСТИ У ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА

В статье приведены результаты изучения коррелятивных связей между хозяйственными и определяющими устойчивость к паутинному клещу признаками у межвидовых гибридов с участием дикого полиплоидного вида *G. tomentosum* Nutt. ex Seem. и культурного вида *G. hirsutum* L.

II. FЎЗА ГЕНЕТИКАСИ МУАММОЛАРИ

А. МУРАТОВ

НЕКОТОРЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ И ПРОБЛЕМЫ ГЕНЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ СЕЛЕКЦИИ ХЛОПЧАТНИКА

1. Ахмедов М.Б. Кариология рода *Gossypium* L. (систематический, филогенетический и эволюционный аспекты: Автореф. дис. ... докт. биол. наук. Ташкент, 1993. – 50 с.
2. Адуллаев А.А., Ахмедов М.Б., Ризаева С.М. Генпотенциал рода *Gossypium* L. // Узб. биол. журн. №4. 1993. С. 52-60.
3. Мосолов А.Н. Новый подход к решению проблемы пространственного расположения хромосом в интерфазном ядре // Цитология. 1972. Т. 14. С. 541-552.
4. Bennett M.D. Nucleotypic basis of the spatial ordering of chromosomes in eukaryotes and the implication of the order for genome evolution and phenotypic variation // Genome Evolution. Acad. Press. London. 1982. P. 234-256.
5. Ахмедов М.Б., Ахмедов Х.М. Поиск новых подходов для создания синтетических видов хлопчатника основанных на кариологических данных // Материалы международной научно-практической конференции «Со-

стояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития». Ташкент, 2006. С. 57-58.

М.Б. Ахмедов, Х.М. Ахмедов, М.К. Муталова

БАЪЗИ ҒЎЗА КАРИОТИПЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИДА ҚЎЛЛАШ

Мақолада *Gossypium L.* авлодига мансуб 26 та тур ва 13 та туркумга кирувчи ғўза кариотипларининг комплектавий хусусиятлари ва уларни ғўза селекциясида қўллаш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

УЎТ: 633.511.575.127.2

С.Ғ. БОБОЕВ, Ш.Э. НАМОЗОВ, А. МУРАТОВ

МУРАККАБ ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШДА ТОЛА ЧИҚИМИ ВА УЗУНЛИГИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

Ғўза ўсимлигининг асосий маҳсулоти унинг толаси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам юқори тола чиқими ва сифатига эга бўлган навлар яратиш ва бу йўналишда узлуксиз изланишлар олиб бориш доимо давр талаби бўлиб келган. Тола чиқими юқори бўлган навларни яратиш, пахта экиладиган майдонларни кенгайтирмасдан, пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини таъминлайдиган бўлса, пахта толасининг жаҳон бозорига чиқишида ва ўз ўрнига эга бўлишида тола сифатининг ўрни беқиёсдир. Тола сифатини белгиловчи асосий элементлар қаторига шубҳасиз тола узунлиги белгиси киради.

Бу белгиларни яхшилаш борасида турли даврларда кўпгина олимлар изланишлар олиб боришган. Масалан: ЎзҒСУИТИ «Ғўза генетикаси ва цитологияси» лабораториясида узоқ йиллардан бери турлараро дурагайлаш юзасидан амалга оширилган изланишлар натижасида 3-4 геномга мансуб ғўза турларини чатиштириш йўли билан бир қатор маданий ҳамда ёввойи турларнинг нодир хўжалик белгиларини ўзида мужассамлаштирган, тола чиқими ва узунлиги белгилари юқори бўлган дурагайлар яратилган [1-3]. Биз бу борадаги изланишларни давом эттириб, 5 геномли ва беккросс чатиштиришдан олинган ғўзанинг янги геномлараро дурагайларида айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши ва

Ўзгарувчанлигини таққослаб ўрганиш асосида селекция жараёни учун бошланғич ашё яратиш борасида изланишлар олиб бордик [4-5].

Тажрибамизда бошланғич ашё сифатида 3 геномли [(*G. thurberi*, *G. raimondii*, *G.*) × *G. arboreum*], 4 геномли [(*G. thurberi*, *G. raimondii*, *G.*) × *G. arboreum*] × *G. hirsutum* L. ва 5 геномли [(*G. thurberi*, *G. raimondii*, *G.*) × *G. arboreum*] × *G. hirsutum* L. × *G. barbadense* L., ҳамда бир ва икки карра беккросс чапиштиришдан олинган дурагайлардан фойдаланилди.

Изланишларда асосий эътибор мураккаб 4 ва 5 геномли ҳамда беккросс дурагайлашнинг тола чиқими ва узунлигининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигига таъсирини ўрганишга қаратилди. Бошланғич ашёлар ва F_1 дурагайларини тола чиқимини таққослаб ўрганиш асосида белгининг ўртача кўрсаткичи деярли бир хил, яъни оналик 4 геномли дурагайларда тегишли равишда 35,4 ва 36,0 фоизни, оталик шакли сифатида иштирок этган Омад ва Термиз-31 навларида эса 36,0 ва 36,5 фоизни ташкил этгани аниқланди. Оналик шакли сифатида қатнашган 4 геномли дурагайларда белги бўйича нисбатан юқори ўзгарувчанлик (29,1 ва 31,0 фоиз) намоён бўлиб, вариацион қаторнинг 41,1-43,0 фоиз тола чиқимига эга бўлган синфига мансуб ўсимликлар пайдо бўлиши кузатилди. F_1BC_1 беккросс авлодида белгининг ўртача кўрсаткичи оналарари даражасида, F_1BC_2 да эса нисбатан юқори эканлиги (36,9-37,2 фоиз) ҳамда ушбу авлоддан бошлаб ижобий трансгрессия намоён бўлиши ва тола чиқими 43,1-45,0 фоиз бўлган ўсимликларнинг ажралиб чиқиши аниқланди.

G. barbadense L. турига мансуб Термиз-31 нави иштирокида олинган F_1 мураккаб 5 геномли дурагайларда ҳам тола чиқимининг ўртача кўрсаткичи оралик ҳолда эканлиги, F_1BC_1 беккросс дурагайларда эса бироз яхшилангани аниқланди. Ушбу дурагайларда ижобий трансгрессия кузатилиб, тола чиқими 39,0 фоиздан юқори бўлган рекомбинантлар ажралиб чиқди.

Аксарият тадқиқотчилар турлараро, айниқса, мураккаб ва беккросс дурагайлашда тола узунлиги бўйича кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик намоён бўлишини ва белгини яхшилаш мумкинлигини исботлашган. Бизнинг белги бўйича олган натижаларимизда ҳам изланишларда иштирок этган икки каррали беккросс дурагай-

ларда белгининг ўртача кўрсаткичи ва ўзгарувчанлиги бошланғич шаклларга ва бир каррали беккросслашдан олинган 4 геномли дурагайларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Чатиштиришда иштирок этган бошланғич ашёларнинг тола узунлиги ҳам бир-биридан фарқ қилиши, яъни 33,0 мм дан (4 геномли (F_1 [К-28 × С-4727]) дурагайида) 36,6 мм гача (маданий Термиз-31 навида) эканлиги маълум бўлди. *G. barbadense* L. турига мансуб Термиз-31 нави билан чатиштиришдан олинган 5 геномли дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичи 4 геномли дурагайларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги (2-3 мм га) ва аксарият ўсимликлар вариацион қаторнинг 35,0-36,0 мм ҳамда ундан юқори кўрсаткичга мансуб синфларида жойлашгани аниқланди.

Тола чиқими бўйича F_2 авлод дурагайларида олинган натижалар 4 геномли дурагайларнинг ва бир карраллик беккросс чатиштирилган дурагайларнинг деярли F_1 даражасида қолганлигини кўрсатди. Бироқ икки каррали беккросс натижасида белгининг сезиларли яхшиланиши, яъни 43,1-45,0 фоиз тола чиқимига эга синфларга мансуб ўсимликларнинг пайдо бўлиши кузатилди. Натижада, ушбу дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичи 37,4-38,0 фоизга тенг бўлди. *G. barbadense* L. иштирокидаги 5 геномли ва F_1BC_1 беккросс дурагайларининг F_2 авлодида ҳам белги бўйича ижобий ўзгариш қайд этилди.

Мураккаб 4 геномли ҳамда бир ва икки карра беккросс чатиштиришдан олинган дурагайларнинг F_2 авлодларини тола узунлиги F_1 авлодга нисбатан сезиларли даражада яхшилангани аниқланди. Ушбу беккросс дурагайларда аксарият ўсимликлар вариацион қаторининг 34,1-35,0 мм ва ундан юқори тола узунлигига эга синфларда жойлашганлиги, яъни ижобий трансгрессив ўсимликларнинг пайдо бўлиши натижасида белгининг ўртача кўрсаткичи комбинацияларга боғлиқ равишда 34,4-35,3 мм гача ораликда бўлди. Мураккаб 5 геномли дурагайларнинг F_2 авлодида эса тола узунлигининг ўртача кўрсаткичи деярли F_1 авлод даражасида, яъни 35,5-36,0 мм оралигида эканлиги кузатилди. Бироқ, ушбу дурагай комбинациялари ўсимликларининг тола узунлиги 36,1-37,0 мм. ва ундан юқори синфларга мансуб бўлганлигини қайд этиш лозим.

Тола чиқимининг F_3 авлодидаги таҳлили асосида аввалги авлодларда амалга оширилган танлашлар ижобий натижа берганини ва белгини яхшиланганини кўриш мумкин. Ушбу фикрнинг

тасдиғи сифатида 4 геномли F_3 дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичи 36,8-37,1 фоиз, F_3BC_1 авлодда 37,9-38,3 фоиз, F_3BC_1 беккроссларда 38,0-38,2 фоиз эканлигини, 5 геномли дурагайларда эса 36,4 дан 37,1 фоизгача бўлганлигини келтириш мумкин.

Олиб борилган изланишлар асосида F_3 авлодда 4 ва 5 геномли дурагайларнинг тола узунлиги аввалги бўғинларга нисбатан яхшиланганлиги аниқланди. Натижада, 4 геномли дурагайларнинг ўртача кўрсаткичи 34,7 мм, 1 ва 2 каррали беккросс дурагайларда 35,0 мм, 5 геномли дурагайларда эса 36,0 мм ва ундан юқори бўлганлиги кузатилди. Аввалги авлодлардан фарқли равишда 5 геномли дурагайларнинг F_3 авлодида тола узунлиги 40,0 мм ва ундан юқори бўлган ижобий рекомбинантларнинг пайдо бўлганлиги аниқланди. Бирок, белгининг ўзгарувчанлик даражаси бирмунча пасайганини, яъни дурагайларнинг аввалги авлодларга нисбатан барқарорлашгани кузатилди.

Тола чиқими бўйича мураккаб ва беккросс дурагайларнинг дастлабки авлодларида олинган натижалар F_4 авлодда ҳам тасдиқланганини, яъни белгининг юқори даражада бўлишини аниқладик. Айниқса, Омад нави иштирок этган F_4BC_1 ва F_4BC_2 беккросс дурагайларда тола чиқими бошқа комбинацияларга нисбатан энг юқори бўлганлиги, Термиз-31 ва С-6524 навлари иштирокидаги 5 геномли дурагайлар ва уларнинг беккроссларида ҳам тола чиқими ўрта толали ғўза навлари даражасида бўлганини таъкидлаш лозим.

Тола узунлиги бўйича F_4 авлод дурагайлари ва бошланғич ота-она шаклларини таққослаб ўрганиш натижалари белгининг янада яхшиланганлигини кўрсатди. Айниқса, 4-5 геномли дурагайларнинг ўртача кўрсаткичи бўйича $F_4\{BC_2 [(F_1K-28 \times C-6524) \times \text{Термиз-31}] \times \text{Термиз-31}\}$ комбинацияни (37,0 мм) мисол келтириш мумкин.

Ғўзада мураккаб ва беккросс дурагайлаш услублари орқали олинган натижалар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин; яъни тола чиқими, айниқса, тола узунлиги бўйича кенг даражадаги ижобий ўзгарувчанликка эришиш ҳамда уларнинг ўртача кўрсаткичини яхшилаш учун нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган шакллари мураккаб ва беккросс дурагайлашга жалб этиш юқори самара беради. Айниқса, мураккаб 4-5 геномли ва беккросс

чатиштиришдан олинган дурагайларнинг F_3 авлодидан бошлаб тола узунлиги нисбатан юқори бўлган рекомбинантлар ажралиб чиқа бошлайди. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, геномлараро ва беккросс дурагайларнинг F_4 - F_5 авлодларидан ажратиб олинган юқори тола чикими ва узунлигига эга оилалардан янги ғўза навлари селекциясида ушбу белгиларни яхшилаш учун қимматли бошлангич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арутюнова Л.Г., Пўлатов М. Турлараро дурагайлаш ғўза генофондини тўлдириш ва селекция учун бошлангич ашё яратиш манбаи // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 1989. 43-50-бетлар.
2. Пулатов М., Арутюнова Л.Г., Эгамбердиев А. Новый генофонд хлопчатника, полученный на базе межвидовой гибридизации // Вопросы генетики, селекции и семеноводства хлопчатника. Ташкент, 1992. С. 33-42.
3. Эгамбердиев А. Изучение синтетического тетраплоида *G. thurberi* Tod. x *G. Raimondii* Ulb. в целях получения нового исходного материала для селекции: Автореф. дис. ... канд. с/х наук. Ташкент, 1990. С. 19-22.
4. Namazov Sh., Muratov A., Boboyev S., Aliev A. Developing of new donors of the cotton on the base of interspecific hybridization. Field Crops Studies. Чирпан, Dobroudja Agricultural Institute. Vol. II. No.1. P. 79-8
5. Бобоев С.Ф., Намозов Ш.Э., Муратов А. Ғўзанинг янги кўп геномли турлараро дурагайларида толанинг сифат кўрсаткичларини ирсийланиши. Матер. межд. науч. конф. "Состояние селек. и сем. хл-ка и персп. ее развития". (Ташкент, 18 август 2006 г.). Ташкент, 2006. 67-68-бетлар.

С.Г. Бобоев, Ш.Э. Намозов, А. Муратов

НАСЛЕДОВАНИЕ ВЫХОДА И ДЛИНЫ ВОЛОКНА ХЛОПЧАТНИКА ПРИ СЛОЖНОЙ МЕЖВИДОВОЙ ГИБРИДИЗАЦИИ

В статье приводятся и анализируются данные по изучению сложных 4 и 5 геномных, также беккросс гибридов наследования и изменчивости выхода и длины волокна.

Доказано, что от межгеномных и беккросс гибридов F_3 выделены рекомбинанты по длине волокна, также от гибридов F_4 - F_5 выделены отдельные семьи по высокому выходу и длине волокна, которые рекомендуются для дальнейшей селекции нового ценного материала по улучшению вышеуказанных признаков.

Д.М. ДАМИНОВА, С. РАХМАНКУЛОВ, М.С. РАХМАНКУЛОВ

ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫЕ ПРИЗНАКИ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ВОЛОКНА У ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА, ПОЛУЧЕННЫХ НА ОСНОВЕ МЕЖВИДОВОЙ ГИБРИДИЗАЦИИ

Проблема исходного материала на современном этапе приобретает все большую значимость в связи с тем, что в ходе интенсивной селекции в значительной мере использован генетический потенциал культивируемых видов. Это вызывает необходимость изыскивать новые генетические формы с полезными для селекции признаками. Одним из наиболее эффективных источников нового формо- и видообразования считается отдаленная межвидовая гибридизация.

Проблеме отдаленной межвидовой гибридизации посвящено огромное количество исследований, т.к. межвидовая гибридизация является одним из высокоэффективных методов создания нового, уникального исходного материала для селекции и пополнения генофонда. Еще Н.И.Вавилов придавал большое значение межвидовой и межродовой гибридизации в селекции и эволюции культурных растений. Он считал, что сочетание самых разнообразных и уникальных признаков в создаваемом сорте может быть достигнуто только на базе отдаленной гибридизации [1].

Первые исследователи, получившие межвидовые гибриды хлопчатника, не придавали им большого значения из-за бесплодности. Однако работы по межвидовой гибридизации позволили получить гибриды *G. hirsutum* × *G. herbaceum*, *G. barbadense* × *G. arboreum* и на их базе создать скороспелые гоммозо- и фузариоустойчивые сорта. На основе материалов, полученных от скрещивания между однолетними и многолетними формами *G. barbadense*, были созданы крупнокоробочные, устойчивые к фузариозному вилту сорта тонковолокнистого хлопчатника [2].

Из многочисленной литературы видно, что между диплоидными и тетраплоидными видами хлопчатника получены гибридные растения [3-11 и др.]. Однако эти гибриды, в основном, получены

случайно, а не системно. Несмотря на это, показана возможность использования диких сородичей в улучшении хозяйственно-ценных признаков у культивируемых сортов хлопчатника.

Значит, с участием дикорастущих видов хлопчатника в гибридизационной работе можно создать совершенно уникальные гибридные растения и исходный материал для селекционной работы. Однако существуют препятствия, связанные с получением семян и растений – амфидиплоидов из-за разнохромосомности и отдаленности видов, т.е. из-за межвидовой несовместимости.

Сотрудниками нашей лаборатории были разработаны физиолого-биотехнологические методы преодоления нескрещиваемости применительно к конкретным комбинациям гибридизации [12]:

– культивирование 2-3-суточных семян с последующим изолированием и культивированием незрелых зародышей *in vitro* до формирования растений. Положительные результаты получены в комбинациях: *G. arboreum* × *G. hirsutum*, *G. herbaceum* × *G. hirsutum*, *G. arboreum* × *G. barbadense*, *G. herbaceum* × *G. barbadense*;

– обработка семян на 2-3 день после опыления фитогормонами *in vivo*, вычленение и культивирование *in vitro* незрелых триплоидных зародышей. Показано на комбинациях *G. hirsutum* × *G. bickii*, *G. hirsutum* × *G. klotzschianum*, *G. hirsutum* × *G. anomalum*;

– обработка семян фитогормонами *in vivo* и получение полноценных триплоидных семян при гибридизациях *G. hirsutum* × *G. raimondii*, *G. hirsutum* × *G. thurberi*, *G. hirsutum* × *G. sturtii*, *G. hirsutum* × *G. davidsonii*.

На основе использования данных методов были получены пробирочные растеньица, которые долгое время не удавалось пересадить в грунт из-за слаборазвитых корешков. В результате многолетних исследований пришли к мнению, что растеньица, полученные на искусственной среде, не имеют достаточного количества запасных веществ, необходимых для вторичного ризогенеза при пересадке в грунт.

В связи с этим был разработан метод укоренения растений, перенесенных из пробирок в грунт, который состоял из нескольких этапов:

1. Аклиматизация пробирочных растений. Для этого пробки пробирок с растениями открываются и в таком состоянии содержатся в факторостатном помещении в течение 6-8 дней.

2. Приготовление дополнительного питания для пробирочных растений. Средой, состоящей из KNO_3 в концентрации 100 мг/л; $NH_3 NO_4$ – 100 мг/л; $CaCl_2 \times 2H_2O$ – 40 мг/л; $Mg SO_4 \times 7H_2O$ – 40 мг/л; инозита – 20 мг/л; H_3BO_3 – 3 мг/л; $MnSO_4 \times 4H_2O$ – 4,1 мг/л; $ZnSO_4 \times 4H_2O$ – 2,0 мг/л; HI – 0,2 мг/л; $Na_2MoO_4 \times 2H_2O$ – 0,04 мг/л; $CuSO_4 \times 5 H_2O$ – 0,01 мг/л; никотиновой кислоты – 0,2 мг/л; тиамин – HCl – 0,03 мг/л; пиридоксин – HCl – 0,2 мг/л; сахарозы – 30 г/л, заполняем сосуд капельницы с продернутой в нее нитью для соединения ее с растением.

3. Введение среды в растение для обеспечения его дополнительным питанием. Для этого адаптированные растения в асептических условиях вынимаются из пробирок. С помощью иглы через стебель над корневой шейкой протыкивается нить, один конец которой находится в питательной среде. Место прикосновения носика капельницы с растением закрепляется парафином.

4. Высев пробирочных растений в грунт. Для этого растения, прикрепленные к капельницам, высаживаются в бумажные стаканчики с песком, а капельница устанавливается рядом на том же уровне, что и растение. Сверху растения накрывают стаканом для поддержания влажности. В таком положении растения культивируются в факторостатном помещении при температуре $+26^\circ C$, освещенности 2-3 тыс./люкс, влажности 70%.

Высаженные таким способом растения начинают интенсивно расти и через 1,5-2 месяца, уже окрепшие, способны обходиться без дополнительного питания.

Так были получены триплоидные растения, которые по морфологии имели промежуточное наследование форм куста, листа, цветка и т.д. Для удвоения хромосом данных гибридов использовали растворы колхицина в концентрации 0,05-0,1%. В них замачивались корешки проростков до посадки в грунт в течение 1-2 ч. Полученные растения были мощными и имели нормальное развитие. Об их полиплоидизации судили по сохранению плодоземелетов.

На основе вышесказанных методов был получен большой гибридный материал (22 комбинации) с использованием диких диплоидных видов хлопчатника. В дальнейшем были проведены возвратные скрещивания (до BC_3) и получены беккроссы амфидиплоидов (45 комбинаций). Из этого огромного материала были получены очень интересные формы с уникальными полезными признаками, с которыми проводились исследования по изучению их хозяйственно-ценных признаков и качества волокна.

На протяжении нескольких поколений наблюдалось сильное расщепление по всем признакам, а, начиная с 10-11-го поколений, отмечалась некоторая их стабилизация.

Дальнейшее изучение данных беккросспоколений амфидиплоидов позволило выявить наиболее привлекательные формы, которые в настоящее время доведены до линейного состояния.

В таблице приведены средние показатели 3-х летних исследований некоторых хозяйственно-ценных признаков и технологических показателей качества волокна, откуда видно, что полученные линии отличаются скороспелостью. Все 12 линий оказались более скороспелыми, чем стандартные сорта на 7,6-12,4 дней. Самый короткий вегетационный период (103,3 дней) отмечен у линии Б-30 (с участием *G. sturtii*). У шести линий (Б-26, Б-84, Б-85, Б-120, Б-162, Б-200) раскрытие коробочек было отмечено раньше 105 дней.

Неплохие результаты получены и по массе одной коробочки. У половины изучаемых линий (Б-30, Б-103, Б-339, Б-162, Б-189, Б-26) наблюдается превосходство над обоими стандартами, пять линий превосходят один стандарт (Наманган-77) и уступают второму (С-6524).

Масса 1000 штук семян, как видно из таблицы, у семи линий (Б-84, Б-104, Б-339, Б-120, Б-162, Б-189, Б-26) выше 120 г. У остальных линий показатели по данному признаку расположены в пределах от 112 до 119 г. Особенно хорошие результаты получены по выходу и качеству волокна. Все изучаемые линии оказались высоковыходными, кроме Б-84 (33,6%). Диапазон варьирования по длине волокна у изучаемых линий составил от 1,18 до 1,23 дюйма, по микронейру – от 3,8 до 4,6, по удельной разрывной нагрузке – от 28,4 до 32,9 гс/текс. Полученные данные соответствуют III-IV типу волокна и вполне отвечают мировым стандартам.

Характеристика линий хлопчатника, полученных на основе межвидовой гибридизации

Сорта, линии	Высота растений, см	Скороспелость, дни	Масса 1-й коровой бочки, г	Масса 1000 шт. семян, г	Выход волокна, %	Длина волокна, дюйм	Микро-нейр	Удел. разрыв, нагрузка, гс/текс
C-6524 - st.	80,0	110,7	5,3	125	35,1	1,12	4,6	30,1
Наманган-77 - st.	84,6	110,5	5,0	115	36,2	1,08	4,7	27,6
B-30 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. sturtii)	79,3	103,3	5,6	112	37,3	1,19	4,5	32,9
B-83 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. sturtii)	74,8	105,9	5,3	119	35,8	1,23	4,2	29,1
B-84 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. sturtii)	75,9	104,9	5,2	123	33,6	1,22	4,2	30,4
B-85 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	85,8	104,7	5,2	119	39,6	1,23	4,3	30,4
B-103 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	68,8	105,8	5,8	114	37,4	1,20	4,0	32,4
B-104 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	74,0	107,2	5,2	123	38,0	1,21	4,1	30,9
B-339 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	73,9	105,4	5,5	121	38,2	1,16	4,4	31,6
B-120 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	65,8	104,9	5,1	120	37,2	1,19	4,3	28,4
B-162 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	71,5	104,6	5,4	126	37,2	1,21	4,6	30,7
B-200 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	71,9	104,6	4,9	117	39,5	1,18	4,4	30,0
B-189 (F ₁₈ BC ₃ x... x G. aridum)	77,6	108,1	5,5	121	36,8	1,18	3,8	30,9
B-26 (F ₁₃ BC ₃ x... x G. triphyllum)	86,2	104,8	5,7	121	37,1	1,20	4,5	30,0

Примечание: B-83, B-84, B-30 - линии, выделенные из комбинации F₁₈ BC₃ Tаш.-6 x F₁ BC₂ C-6524 x F₁ BC₁ 108-Ф x F₁₂ (*hirsutum* x *sturtii*); B-85, B-103, B-104, B-30, B-120, B-339, B-162, B-200, B-189 - линии, выделенные из комбинации F₁₉ BC₃ C-6524 x F₁; BC₂ C-6524 x F₁ BC₁ 108-Ф x F₁₄ (*Deltapine*-80 x *G. aridum*); B-26 - линия, выделенная из комбинации F₁₄ BC₃ C-6530 x F₁ BC₂ C-6524 x F₁ BC₁ C-4880 x *G. triphyllum*.

Необходимо отметить, что результаты, полученные в течение трех лет, по всем изучаемым признакам повторили друг друга. Это говорит о том, что у беккросспоколений амфидиплоидов хлопчатника к F_{14} - F_{18} поколениям происходит стабилизация признаков. Также это еще раз подтверждает мнение некоторых исследователей [2, 13], что, несмотря на появление растений с различным сочетанием хозяйственно-ценных и морфологических признаков, в потомстве ранних поколений у свободно размножаемых амфидиплоидов стабилизация признаков происходит в более старших поколениях.

В заключение можно сказать, что линии, созданные в нашей лаборатории на основе межвидовой гибридизации (с помощью эмбриокультуры *in vitro*) с последующим беккроссированием, можно использовать в качестве исходного материала по скороспелости, микронейру, выходу и длине волокна для практической селекции.

Список использованной литературы

1. Вавилов Н. И. Значение межвидовой и межродовой гибридизации в селекции и эволюции. Изв. РАН. 1938. №3. С. 543-563.
2. Арутюнова Л. Г. Метод межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника // Итоги исследований по вопросам генетики, селекции и семеноводства хлопчатника за 50 лет. Ташкент: Фан, 1970. С. 205-216.
3. Азизходжаев А., Кандимов Т. Донорская способность вида *G. sturtii* к стресс-факторам внешней среды // Совещ. «Генетика развития растений и животных», тез. докл. Ташкент, 1990. Т. 2. С. 9-10.
4. Бабамуратов Х., Гесос К. Ф., Арутюнова Л. Г. Приемы повышения вилтоустойчивости и качества волокна хлопчатника // Хлопководство 1977. №2. С. 35-36.
5. Канаш С. С. Межвидовая гибридизация в пределах разнохромосомных видов хлопчатника. М.-Т.: Саогиз, 1932. — 56 с.
6. Канаш С. С. Межвидовая гибридизация в пределах разнохромосомных видов хлопчатника // Краткое содержание и направление исследовательских работ ЦСС СоюзНИХИ. Ташкент, 1936. С. 41-42.
7. Darc S. O. Breeding increased lint strength in sakel type cotton.- Empire cotton Crow. Rev., 1962, 39, 3, 161-169.
8. Krishnaswami R., Kothandaraman R. Favourable influence of *G. raimondii* genes on fibre properties of cultivated cotton. Genet. agr., 1975, 29, 277-181.
9. Patel G. B., Thakar B. J. Cotton improvement through interspecific hybridization.-Indian Cotton Grow. Rev., 1950, 4, 185-198.
10. Ramachandran C. K., Krishnamurthy J., Patel S. D. Recent advances in interspecific hybridization work involving wild species of cotton in Madras.- Indian Cotton Crow. Rev., 1964, 18, 4, 248-257.

11. Wali M., Anvar M.M., Latif S.A. Hexaploid cotton. An important cytogenetic material with improved plant and fibre characters. J.Agr. Res., 1974, N3, 245-248.
12. Азизходжаев А., Даминова Д.М. Культура генеративных органов при отдаленной межвидовой гибридизации хлопчатника // Биология культивируемых клеток и биотехнология растений. М.: Наука, 1991. С. 117-119.
13. Намазов Ш. Э. Межвидовая гибридизация – эффективный способ улучшения продуктивности хлопчатника // Мат. междуна. науч.-прак. конф. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития», Ташкент, 2006. С. 110-111.

Д.М. Даминова, С. Рахмонкулов, М.С. Рахмонкулов

**ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН ҒЎЗА
ТИЗМАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ
ВА ТОЛА СИФАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Мақолада ғўзанинг узок турлараро дурагайлашда кузатиладиган номутано-сблик ҳолатини баргараф этиш учун баъзи бир усуллар келтирилган. Улар асосида дурагай-амфидиплоидлар ва уларнинг беккросс авлодлари яратилган.

Қайта танловлар асосида амалий селекция учун бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тезпишар, тола чикими, тола сифати ва бошка белгилари бўйича устун бўлган тизмалар барпо этилган.

УДК:633.511.58.631.323

Х.А. ДЖУМАБЕКОВ, С. ОДИЛОВ

**РЕГУЛИРУЮЩИЕ И ИНТЕГРИРУЮЩИЕ МЕХАНИЗМЫ
ПОПУЛЯЦИОННОГО ГОМЕОСТАЗА
У СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА**

Внедрение в селекцию хлопчатника прогрессивного принципа генетического обоснования селекционных программ требует разработки новых, эффективных программ и новых, эффективных методов идентификации морфолого-хозяйственных генотипов ценных признаков.

Успех генетически обоснованной селекции существенно зависит от четкости выявления генотипов по фенотипу селективируемых признаков.

Изучение генотипической структуры сортовых популяций начинается с установления анализа приспособительного значения у

внутрипопуляционных форм с помощью экспериментально-экологических методик.

В целом сортовая популяция растений характеризуется наследственно закрепленной изменчивостью по комплексу признаков. По своей сути сорта хлопчатника являются факультативно перекрестно опыляющимися, частично гетерогенными популяциями, которые, сохраняя характерную сортовую морфологию, имеют скрытую наследственную и модификационную паратипическую изменчивость, которая проявляется в отдельные нетипичные годы.

Согласно литературным данным [1-5], модификационная изменчивость обеспечивает пластичность сорта путем преобразования популяционного гомеостаза в четкие приспособления к меняющимся агроэкологическим условиям культивирования; и тем самым обеспечивает широкий потенциальный ареал распространения.

Несмотря на актуальность вопроса по модификациям достоверные данные по популяциям сортов хлопчатника, популяционной изменчивости особей внутри сорта глубоко не изучены. Тем более детально не объяснены популяционные процессы, происходящие в структуре новых и районированных сортов хлопчатника, хотя в последние годы, новые эффективные методы, ускоряющие селекционный процесс, начинают проникать в селекцию и семеноводство хлопчатника.

В связи с выше сказанным встает задача: выявить методом популяционной генетики модификационную изменчивость симподиев и основных хозяйственно-ценных признаков у типичных сортов и модификантов при многократном индивидуальном отборе; т.к. решение этого вопроса имеет не только практический интерес, но и большое теоретическое значение, поскольку по представлениям различных ученых: «паратипическую изменчивость, которую часто называют фенотипической пластичностью, дает возможность особи лучше приспособливаться в процессе развития» [5].

По мнению известного генетика Н.П. Дубинина [6], «Модификация – это результат взаимодействия среды и процессов развития, т.е. реализации генетической информации в индивидуальном развитии».

«Изменчивость сорта – это совершенно реальный, видимый процесс....Воспроизведение сорта в ряду сменяющихся поколений всегда сопровождается модификационной изменчивостью» [7].

Та компонента признака, которая вызвана внешней средой, может маскировать генетические свойства особей, т.е. затрудняет эффективный отбор.

И.И. Шмальгаузен [8] на основе многочисленных научных работ утверждает: «Стабилизация модификации возможна при наличии максимально гетерогенного материала».

Генетическая природа приспособленности, жизнеспособности и продуктивности сортов хлопчатника зависит от фенотипически идентичных, но генетически разнокачественных растений, поскольку «разнообразие аллелей и генотипов составляет генофонд популяции и генетические различия особей, составляющих популяцию, обеспечивают генетический гомеостаз» [9].

В.Н. Драгавцев [10] отмечает, что «гены, контролирующие определенный признак, уступают основную роль в другой группе генов, контролирующих адаптивные реакции к неблагоприятным факторам среды».

Активность и приспособляемость сортов тесно связаны с генетической неоднородностью популяции, т.к. генетические различия особей, составляющих популяцию, обеспечивают генетический гомеостаз.

По мнению А.А. Жученко [2], «Адаптация организмов к условиям внешней среды достигается за счет модификационной и генетической изменчивости».

«Причины мобильности генетических компонентов в градиенте среды зависят от сдвигов активности генов» [9].

Многочисленные эксперименты, проведенные на различных объектах, показали, что фенотипически не различающиеся особи того или иного вида, разновидности или сорта, выращенные в одних и тех же условиях в составе популяции могут иметь разные генотипы [11-18].

«Генетика ничего не говорит или говорит неясно о взаимосвязи между модификациями и мутациями, и не дает четкого ответа на вопрос о том, в чем заключается различие между этими двумя типами изменчивости» [19].

Т.С. Фадеева [17] на основе многолетних экспериментов писала: «Вызванная условиями выращивания изменчивость по отдельным признакам исключительно велика».

Известный генетик и селекционер по хлопчатнику С.С. Садыков [20] писал: «Популяция селекционных сортов хлопчатника представляет собой дифференцированную мельчайшую таксономическую единицу», т.е. любой сорт хлопчатника состоит из многочисленных линий.

Наша точка зрения относительно модификационной изменчивости совпадает с мнением ученых [15, 18] о том, что важнейшим разделом теоретической селекции является изучение генетической структуры сортовых популяций: по фенотипической и генотипической изменчивости. К сожалению, эти исследования на хлопчатнике находятся на самых начальных стадиях.

В живом организме найти нулевое разнообразие необъективно, т.к. в зависимости от генотипа и внешних условий среды всегда наблюдается в той или иной мере изменчивость признаков.

При изучении популяционной структуры сортов хлопчатника должны быть вскрыты те генетические механизмы, которые сохраняют, совершенствуют и поддерживают его продуктивность.

Объектами исследования служили типичные растения и модификанты новых и районированных сортов хлопчатника, полученные различными методами: «Мехр», «Мехнат», «Хазина», «Вахт», «Ан-Баяут-2», «Ташкент-6», «Шароф-75» и «Узбекистан-3».

Основные учеты и наблюдения проводились по общепринятой методике для полевых опытов. Агротехника – общепринятая для экспериментальной базы института. Анализы проводились по пробным коробочкам, собранным с каждого сорта и типа растений по 100 шт. (в четырехкратной повторности – по 25 шт. с каждого повторения).

При многократном индивидуальном отборе изучался диапазон изменчивости и сохранения модификаций по некоторым основным хозяйственно-ценным признакам.

В состав изучаемых сортов популяции, прежде всего, входят формы, уже проверенные отбором, т.е. дающие определенную адаптивную норму реакции. Полученные данные свидетельствуют о том, что паратипическая (сезонная) изменчивость популяции в

определенной степени является реакцией сортов на условия внешней (агроэкологической) среды.

Сорта хлопчатника являются факультативно перекрестно опыляющимися между растениями-гетерогенных (полиморфизм, гетероморфизм) популяций, которые в потомстве – проявляют скрытую, выявляющуюся в определенные годы наследственную и модификационную изменчивость.

Наблюдения и учеты показали, что в фазу цветения растения каждого сорта заметно отличались по характеру ветвления, а в конце вегетации они контрастно разделялись на типичные и модификанты. По другим характерным морфобиологическим признакам исследуемые сорта отклонений не проявили.

Как видно из табл. 1, в потомстве типичных растений у сорта «Мехр» было выделено 4,8-6,8% (2005-2006 гг.) отличающихся особей по характеру ветвления. Модификанты воспроизводили себе подобных в 4,3-4,4%; а у сортов: Мехнат – 5,4-11,1 и 4,0-5,0%; Хазина 2,2-6,7 и 6,0-8,1% соответственно.

Аналогичная картина наблюдается и по другим сортам.

Как известно, любой признак может иметь модификационную изменчивость. Например, тип ветвления растения. Хлопчатник гомозиготный по генам с 1,0 или 1,5 типом ветвления, может производить 2,0 или 2,5 тип в зависимости от плейотрапного взаимодействия остальных генов между собой. У всех сортов проявились временные особи, которые используют благоприятные и неблагоприятные ситуации, имеющиеся в условиях выращивания. По-видимому, у модификантов под влиянием генов-модификаторов активнее развивается меристема, которая увеличивает размеры органов в организме. У сортов Мехр, Мехнат, АН-Баяут-2 и АН-Узбекистан-3 наиболее проявилось действие генов-модификаторов. По-видимому, такое разнообразие широкой нормы реакции этих сортов свидетельствует о повышенной подвижности генетических механизмов (генетико-автоматических процессов), которым способствовали долгие сроки культивирования на больших площадях, (районированные сорта: АН-Баяут-2 в 2006-2007 гг. занимал 160-180 тыс. га, а Мехнат больше 60 тыс. га).

Внутрисортные формы постоянно скрещиваются между собой, и этим взаимно усиливают друг друга, обогащая генофонд популяции, с которой составляют единый лабильный, полиморф-

ный, совместно размножающийся комплекс. Что соответствует положению [9] «генетические различия особей, составляющих популяцию, обеспечивают генетический гомеостаз».

Таблица.1

Соотношение типичных и модификантов в потомствах индивидуальных отборов

Сорт	Фенотип в год отбора	В потомствах, %				Средн.		Сортовая чистота, %
		типич.	модиф.	типич.	модиф.	типич.	модиф.	
Мехр	Типичный	93,2	6,8	95,2	4,8	94,2	5,8	100
	Модиф.	95,6	4,4	95,7	4,3	95,7	4,3	100
Мехнат	Типичный	88,9	11,1	94,6	5,4	91,8	8,2	100
	Модиф.	96,0	4,0	95,0	5,0	95,5	4,5	100
Хазина	Типичный	93,3	6,7	97,8	2,2	90,6	4,4	99,2
	Модиф.	91,9	8,1	94,0	6,0	93,0	7,0	98,8
Вахт	Типичный	90,0	10,0	97,9	2,1	94,0	6,0	100
	Модиф.	95,2	4,8	95,0	5,0	95,1	4,9	99,4
АН-Баяут-2*	Типичный	-	-	93,9	6,1	93,9	6,1	100
Ташкент-6*	Типичный	-	-	98,5	1,5	98,5	1,5	100
Шараф-75*	Типичный	-	-	86,4	13,6	86,4	13,6	100
АН-Узбекистан-3*	Типичный	-	-	97,4	2,6	97,4	2,6	98,1

Примечание: * – изучение сортов проводилось с 2006 г.

Формирование хозяйственно-ценных признаков обусловлено генетически и контролируется большим числом основных генов и генов-модификаторов. У потомства типичных растений (табл. 2) сорта Мехр вес сырца одной коробочки (в среднем за 2 года) составлял $5,2 \pm 0,5$, у модификантов – $6,2 \pm 0,3$. У сортов: Мехнат – $6,4 \pm 0,4$ и $6,2 \pm 0,5$, соответственно. Аналогичная картина наблюдается и по другим сортам, т.е. у большинства сортов (5 случаев) масса сырца одной коробочки больше по сравнению с типичными особями. Это связано с разнокачественностью сезонных особей по нескольким генам-модификаторам и улучшением условий вокруг растений (улучшается микроклимат у рыхлых особей).

Коэффициент модификационной изменчивости признака в потомствах обоих типов варьировал 6,0-21,5%.

Таблица 2

**Основные хозяйственные показатели сортов хлопчатника
(в ср. 2005-2006 гг.)**

Сорт	Вес сырца 1 коробочки, г		Выход волокна, %		Длина волокна, мм	
	M±m	CV	M±m	CV	M±m	CV
Мехр	5,2±0,5	17,6	40,4±0,6	2,7	29,9±0,3	1,8
	6,2±0,3	11,5	40,9±1,9	5,6	30,9±0,6	3,0
Мехнат	6,4±0,4	10,0	36,2±1,0	6,2	32,4±0,5	3,1
	6,2±0,5	14,5	36,1±0,7	3,2	31,0±0,4	2,6
Хазина	6,2±0,6	15,5	36,6±0,8	4,7	30,6±0,5	3,8
	6,0±0,7	21,5	40,2±0,5	2,5	31,5±0,6	3,1
Бахт	5,1±0,3	10,6	38,9±0,8	4,9	30,3±0,4	2,0
	5,9±0,3	10,8	39,0±0,5	2,5	29,8±0,3	1,7
АН-Баяут-2*	5,6±0,5	19,6	39,7±0,9	4,7	28,3±0,8	5,0
	6,3±0,6	12,4	39,8±1,0	5,7	29,6±2,3	10,6
Ташкент-6*	5,0±0,1	6,0	42,5±0,8	4,0	29,2±1,0	5,8
	5,2±0,3	13,5	40,6±0,9	3,4	29,4±1,7	9,7
Шароф-75*	5,4±0,2	11,1	36,8±0,2	0,8	30,4±0,2	1,3
	6,4±0,2	8,2	39,3±0,3	1,2	30,5±0,3	1,2
Узбекистан-3*	5,3±0,3	11,3	42,0±1,3	5,0	28,3±0,8	5,3
	5,1±0,5	17,7	40,5±1,2	6,0	29,6±0,7	4,7

Примечание: В числителе – типичные, в знаменателе – модификант.
* Данные за 2006 г.

Получение высококачественного волокна, с учетом требований многоотраслевой промышленности, предполагает более сложный генетический контроль и сопряженность с другими признаками. Как видно из табл. 2, выход волокна в большинстве случаев у модификантов больше (на 0,1-3,6%) по сравнению типичными. Этот признак меньше подвержен паратипической изменчивости – коэффициент у всех сортов составлял 0,8-6,2%). Отсюда выход волокна – более стабильный признак, контролируемый большим числом полимерных генов. По-видимому районированные сорта Мехр, Мехнат, АН-Баяут-2 и Узбекистан-3 обладают более разнокачественной структурой по выходу волокна (39,7-42,5%), следовательно, у этих сортов выше индивидуальная реакция по выходу волокна в разнообразных агротехнических и экологических условиях внешней среды. Таким образом, в сортовых генерациях хлопчат-

ника может храниться в гетерогенном (полиморфном) состоянии огромный запас генетической изменчивости по комплексу признаков.

Исследование длины волокна сортов указывает на то, что этот показатель является достаточно устойчивым и контролируется генами, эффекты которых мало изменяются под влиянием факторов среды.

В 2005-2006 гг. у потомства обоих типов растений по длине волокна более низкие, так как проявляется показатель коррелятивной связи с другими признаками. В большинстве случаев модификанты по длине волокна превосходили типичные растения (на 0,1-1,3 мм). Вероятно, это связано с богатством генетических различий, которые появляются в разнообразных отклонениях, проявляющихся в процессе развития у модификантов; так по высказыванию [6] «популяции носят в себе громадные резервы скрытой изменчивости».

По длине волокна у сортов наблюдается более низкая модификационная изменчивость – коэффициент варьирования потомства у обоих типов составлял 1,2-10,6%.

Таким образом, структура изученных сортов включает генотипически стабильные и фенотипически лабильные генотипы, которые воспроизводят модификанты, расширяющие нормы реакции к конкретным условиям выращивания.

Краткие выводы:

1. Воспроизведение в онтогенезе сезонных особей (модификантов) у любого сорта хлопчатника – биологическая закономерность.

2. Изменчивость плодовых ветвей и основных хозяйственных признаков особей у потомства сохраняется в пределах нормы реакции конкретного сорта.

3. Относительное соотношение фенотипов и модификантов в популяции обеспечивает благоприятную разнокачественность, которая объясняется преобразованиями популяционного гомеостаза селекционных сортов хлопчатника.

Список использованной литературы

1. Васильченко И.Т. О сезонно-диморфных видах // Проблема вида в ботанике. 1. М.:Л., 1958.

2. Жученко А. А. Адаптивный потенциал культурных растений. Кишинев, Штиинца, 1988.
3. Инге-Вечтомов Г. С. Генетика с основами селекции. М.: Высшая школа, 1989.
4. Корчагин А. А. Внутривидовой (популяционный) состав растительных сообществ и методы его изучения // Полевая геоботаника. Вып. 3. Л., 1964.
5. Меттлер Л., Грегг Т. Генетика популяции и эволюция. М.: Мир, 1942.
6. Дубинин Н. П. Общая генетика. М.: Наука, 1986.
7. Гуляев Г. В. Генетика и семеноводство // Генетика. М., 1969. Т. V. №3.
8. Шмальгаузен И. И. Факторы эволюции. Теория стабилизирующего отбора. М.: Наука, 1968.
9. Дубинин Н. П. Успехи современной биологии. Вып. 1. 1985. Т. 99.
10. Драгавцев В. А. Генетика количественных признаков растений в решении селекционных задач: Автореф. дис. ... докт. биол. наук. М., 1983.
11. Агаев М. Г. Морфо-биологическая неоднородность внутри сортов хлебных злаков: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. Л., 1958.
12. Алтухов Ю. П. и др. Элементарные популяции анчоуса и их место в генетико-популяционной структуре вида. Генетика. М., 1969. Т. V. №5.
13. Садыков С. С. Повышение скороспелости и урожайности хлопчатника. Ташкент: Фан, 1972.
14. Симонгуян Н. Г. Наследственность количественных признаков // Генетика. 1970. №1.
15. Синская Г. И. Проблема популяции у высших растений. Вып. 2. Л.: Сельхозиздат, 1963.
16. Уразалиев Р. А. Принципы адаптивной селекции // Биологические основы селекции и растений. Алма-Ата, 2005.
17. Фадеева Т. С. Значение гетерозиготности и онтогенетических адаптации в сохранении типичности сортов-клонов земляники // Исследования по генетике. Л.: Изд-во ЛГУ, 1964. №2.
18. Фадеева Г. С. Вступление // Генетические исследования хлопчатника. Ташкент: Фан, 1971.
19. Делоне Л. Н. О двух типах изменчивости // Тр. Саратов. с/х ин-та. 1943. Т. VII.
20. Садыков С. С. Развитие в Узбекистане селекционно-генетических исследований по хлопчатнику за 50 лет // Узбекский биологический журнал. 1971. №3.

Х.А. Жумабеков, С. Одилов

ЎЎЗА НАВЛАРИДА ПОПУЛЯЦИОН ГОМЕОСТАЗНИ БОШҚАРУВЧИ ВА ИНТЕГРАЦИЯЛОВЧИ МЕХАНИЗМЛАР

Мақолада муаллифлар томонидан ўўза навларининг якка танлаш натижасида ҳосил шохлари, бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва тола узунлигининг мавсумий ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Янги ва районлашган навларнинг ҳосил шохларининг ўзгарувчанлик кўлами бўйича типик ва модификант ўсимликларининг нисбати аниқланган. Синтетик ва аналитик услублар ёрдамида яратилган барча нав авлодларида бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича мавсумий (модификацион) ўзгарувчанлик коэффициенти (типик ва модификацион ўсимликларда) 6.0-21.5, тола чиқими бўйича 0.8-6.2, тола узунлиги бўйича 1.2-10.6 фоизи ташкил этган.

Навлардаги асосий кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлик кўлами мазкур навлардаги популяцион гомеостазни барқарор шаклланишига ва уларнинг ташқи агроклим шароитига тез мослашишида ижобий аҳамият касб этиши таъкидланган.

УЎТ 633.511:631.523

Х. ЖАЛОЛОВ, С. РАҲМОНҚУЛОВ

**ҒЎЗАНИНГ *G. HIRSUTUM L.* ТУРИГА МАНСУБ ЧИГИТ
ТУКИ ТУРЛИ РАНГЛИ НАМУНАЛАРНИНГ АЙРИМ
ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК ВА ТОЛА СИФАТИ
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Ҳозирги замон талабига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш, селекциянинг назарий асосларини ривожлантиришни, унинг услубларини такомиллаштиришни, яъни янги услубларни қўллаш асосида ноёб янги донорлар яратиш, улардан селекция ишида фойдаланиш натижасида асосий хўжалик белгиларини уйғунлаштирган янги ғўза навларини яратиш билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, шунингдек, озик-овқат ва дунё тўқимачилик саноати талабларини ҳам тўлиқ қондириш лозим. Чунки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ғўза асосий экин бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, сабаби унинг ўрнини кимёвий, сунъий толалар эгаллай олмайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, саноат усулида пахтадан 1200 дан зиёд турли-туман маҳсулот тайёрлаш мумкин экан [1].

Комплекс ижобий белгиларга эга бўлган янги ғўза навларини яратишда селекционерлар ғўзанинг морфо-хўжалик ва саноат учун қимматли бўлган белгиларидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини мукамал билгандагина селекция ишида самарали натижаларга эришишлари мумкин.

Генетика фанининг асосчиси Г. Мендель ўз илмий тадқиқотларида нўхат (*Pisum sativum*) устида чапиштириш олиб борганда

унинг донининг ранги билан бирга доннинг силлиқ-буришган-лигини ҳам ҳисобга олган ва генетика фанида ўзининг ўзгармас қонуниятларини яратган [2].

Менделдан кейин жуда кўплаб генетик олимлар Г. де-Фриз (Голландия), К. Корренс (Германияда), Чермак (Австралия) ва бошқ., 1900 йилда бу қонуниятларни ўсимлик, ҳашарот, парранда ва ҳайвон зотларида фенотип ҳамда генотип бўйича синаб кўрдилар ва олинган натижалар деярли ўзгармасдан қолди [3].

Ўза генетикасида ҳам ота-она шакллари белгилари (тола ранги, чигитдаги тукчалар ранги ва бошқа бир қанча белгилар)нинг дурагайларда ирсийланиши жуда кўплаб селекционер-генетик олимлар томонидан ўрганилган ҳамда ижобий натижаларга эришилган.

Жумладан, Н.Г. Симонгулян [4] маълумотига кўра, ўза толаси ҳар хил: оқ, оч сарик, яшил ва кўнғир рангда бўлиши қайд этилган. Рангли тола оқ толадан устун бўлади, бироқ биринчи бўғин дурагайларда ранг очроқ бўлади. Иккинчи бўғинда кўнғир, оч кўнғир ва оқ толали навларни чапиштириб олинган оқ толали дурагай шаклларда узок вақтгача кўнғир рангли айрим ўсимликлар ажралиб чиқади.

Юқоридаги изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, ўза генетикаси ва селекциясида тола ва чигит ранги турли гуруҳлари бўйича кўрсаткичларининг дурагайларда ирсийланиши ва шунинг билан бирга асосий хўжалик белгиларининг бир-бири билан боғлиқлик қонуниятларини ўрганиш асосида ижобий белгилар мажмуига эга бўлган ўсимликларни ажратиб олиш натижасида бошланғич ашё сифатида селекционер-генетик изланишларга тавсия қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Изланишлар ўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб ўза уруғини турли рангли биотипларининг хўжалик белгилари тахлили билан боғлиқ бўлиб, бунда 1) ўсимлик бўйи; 2) 1000 дона чигит вазни; 3) бир дона кўсак вазни; 4) бир ўсимлик маҳсулдорлиги; 5) толанинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Тажрибада иштирок этган биотип ўсимликларнинг бўйи ўрганилганда, энг юқори кўрсаткич кулранг чигитли биотипда кузатилиб, белги кўрсаткичи 120,0 см ни (30. IX.) ташкил этди. Бу кўрсаткичга яқин кўк рангли биотипда белгининг 118,7 см.га тенг бўлганлиги қайд этилди. Оқ сарғиш ва тўқ жигарранг рангли био-

типларда бу кўрсаткич паст бўлиб, мос равишда 110,2 ва 112,0 см бўлганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Чигит туки турли рангли биотипларнинг асосий хўжалик кўрсаткичлари

№	Бошланғич ашёлар	Ўсимлик бўйи, см 30.IX.	1000 дона чигит вазни, г	Бир дона кўсак вазни, г	Бир ўсимлик маҳсулдорлиги, г
1	Кулранг	120,0	111,1	5,7	110,6
2	Оқ сарғиш	110,2	121,9	6,7	126,8
3	Кўк	118,7	99,1	5,7	95,6
4	Тўқ жигарранг	112,0	98,0	5,4	87,9

Ўрганилган биотипларнинг 1000 дона чигит вазни турлича бўлиб, энг юқори кўрсаткич оқ сарғиш рангли чигитда 121,9 г ни ташкил этди. Кулранг, кўк ва тўқ жигаррангли чигитларда бу кўрсаткич пастроқ бўлиб, мос равишда 111,1; 99,1 ва 98,0 г га тенг бўлди.

Маълумки, гўзанинг хўжалик белгилари ичида асосийлари бир дона кўсак вазни ва бир ўсимлик маҳсулдорлиги ҳисобланиб, бу иккала кўрсаткич биргаликда нав ёки намунанинг ҳосилдорлигини белгилайди.

Таъриба давомида рангли биотипларнинг кўсак вазни ва бир ўсимлик маҳсулдорлиги ўрганилганда, 1000 дона чигит вазнидаги каби энг юқори кўрсаткич оқ сарғиш рангли чигитларда намоён бўлди. Бу биотипда бир дона кўсак вазни 6,7 г ни ташкил этгани ҳолда бир ўсимлик маҳсулдорлиги 126,8 г га тенг бўлди. Бу иккала хўжалик белгилари бўйича энг паст кўрсаткич тўқ жигаррангли биотипда кузатилиб, кўсак вазни 5,4 г га тенг бўлганда бир ўсимлик маҳсулдорлиги 87,9 г ни ташкил этди. Бир дона кўсак вазни бўйича олинган натижалар кулранг ва кўк рангли биотипларда бир хил натижани кўрсатгани ҳолда 5,7 г га тенг бўлди. Бир ўсимлик маҳсулдорлиги эса кулранг биотипда 110,6 г, кўк рангли биотипда 95,6 г ни ташкил этди.

Пахта толасининг сифати хўжаликда қимматли белгилардан бири ҳисобланади.

Изланишлар давомида намуналарнинг тола чиқими ва тола узунлиги ўрганилганда тола чиқими намуналарда 35,0 фоиздан 38,0 фоизгача бўлди (2-жадвал). Намуналар ичида энг юқори

кўрсаткичга эга бўлган тўқ жигарранг биотипда белги кўрсаткичи 38,0 фоиз, қолган намуналарда ҳам белгининг барқарор ҳолатда эканлиги қайд қилиниб, улардан белги бўйича олинган натижалар 35,0-37,3 фоизга тенг бўлди.

2-жадвал

Чигит туки турли рангли биотипларнинг тола сифати кўрсаткичлари

№	Бошланғич ашёлар	Тола			
		Чикими, %	Узунлиги, мм	Микронейри	Узунлиги, дюйм бўйича
1	Кулранг	37,3	32,6	4,4	1,14
2	Оқсарғиш	35,0	32,3	4,3	1,17
3	Кўк	35,0	31,8	4,5	1,10
4	Тўқ жигарранг	38,0	31,7	4,8	1,07

Тола узунлиги белгиси бўйича олинган натижалар таҳлил қилинганда, тола чикими юқори бўлган айрим биотипларда тола узунлигининг бироз паст бўлганлиги, яъни ушбу белгилар орасида тескари корреляция мавжудлиги кузатилди. Жумладан, юқори тола чикимига эга бўлган тўқ жигаррангли биотипда тола узунлиги бўйича энг паст натижа, яъни 31,7 мм қайд қилинди. Шунингдек, жадвал маълумотларидан қолган намуналарда (31,8 мм дан 32,6 мм гача) ҳам ушбу ҳолат такрорланганлигини кузатишимиз мумкин.

Тола сифатининг асосий технологик кўрсаткичларига тола пишиқлиги, метрик номери, тола микронейри, нисбий узилиш узунлиги ва толанинг дюймдаги узунлиги киради. Мана шу асосий кўрсаткичларига қараб навларнинг толаси турли саноат типларига ажратилади. Толанинг пишиқлиги ва ингичкалиги ғўзани парвариш қилиш шароитига қараб кучли ўзгаради.

Кейинги пайтларда етиштирилган ва пахта қабул қилиш заводларида сақланаётган пахта хомашёсининг сариқ доғлар билан зарарланиб, рангини ўзгараётганлиги кузатилмоқда. Айниқса, бу ҳолат республиканинг Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида кўплаб учрамоқда.

Хомашёнинг сифат ва технологик кўрсаткичларига у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар мавжуд. Шундай омиллардан бири – микроорганизмлардир.

Илмий адабиётларда келтирилишича [1-3], пахта хомашёсида 100 дан ортиқ микроорганизмлар фаолият кўрсатиб, уларнинг аксарияти микромицетлар (замбуруғлар) ҳиссасига тўғри келади.


Сариқ доғлар билан боғлиқ хомашё микофлорасини ўрганиш мақсадида тажриба учун Навоий вилоятидаги пахта тозалаш заводи ва пахта қабул қилиш масканларида сақланаётган ғўзанинг Бухоро-6, Бухоро-102 ва Ан-Боёвут-2 навига мансуб намуналари лаборатория шароитида микологик таҳлилдан ўтказилди.

Тажриба услубиёти учун фанда маълум бўлган ва кенг миқёсда қўлланилиб келинаётган [1, 4] усуллардан фойдаланилди. Намуналардан микроорганизмларни ажратиш учун намли камера [1] ҳамда тўғридан-тўғри озуқали муҳитга жойлаштириш усулидан фойдаланилди (1-расм).


Намуналардан бир қатор микромицет турлари ажратиб олинди. Жумладан, *Aspergillus*, *Fusarium*, *Penicillium*, *Alternaria*, *Cladosporium* авлоди вакиллари (2-расм) ва 2 хил бактерия тури (*Xanthomonas malvacearum* ва *Bacterium sp.*) намуналарда қайд этилди (жадвал). Ажратиб олинган *Aspergillus flavus* микромицети қайд этилган намуналарда сарғайиш аломатлари яққолроқ кўринди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бухоро-6 нави бошқа навларга нисбатан сарғайиш аломатлари ва микофлорани кўпроқ уч-

раганлиги билан фарқланди. Сақлаш муддатини узайиши билан барча нав намуналарида сарғайиш аломати яққолроқ намоён бўлганлиги аниқланди. Айниқса, бу ҳолат ғарамнинг ичкари қисмидан олинган намуналарда кўп кузатилди.



1-расм. Намуналарни намли камерага қўйиш.
1-3 – озука муҳити, 2 – филтр коғозли



2-расм. Ажратиб олинган микромицетлар.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ҳақиқатда пахта заводидан олинган пахта хомашёси бир қанча салбий таъсирлар остида эканлиги маълум бўлди. Пахта хомашёсидаги микофлора вакиллари маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этиши илмий адабиётларда кўплаб келтирилган. Ми-

кофлора оқибатида тола сифати ёмонлашади, рангдорлиги пасаяди, пишиқлиги талаб даражасида бўлмайди, натижада толани қайта ишлаш қийин кечади ва ҳ.к. Шунингдек, чигитнинг биологик кўрсаткичлари (униш қобилияти, униши ва ниҳолларни ўсиб ри-возланиши) пасаяди.

Ғўза навларидан ажратиб олинган микроорганизмлар

Ғўза навлари	Ажратиб олинган микроорганизмлар
Бухоро-6	<i>Alternaria macrosporum</i> , <i>Aspergillus fumigatus</i> , <i>Asp.niger</i> , <i>Asp.flavus</i> , <i>Cladosporium gossypii</i> , <i>Fusarium sp.</i> , <i>Penicillium glaucum</i> , <i>Xanthomonas malvasearium</i> , <i>Bacterium sp.</i>
Бухоро-102	<i>Alternaria macrosporum</i> , <i>Aspergillus niger</i> , <i>Cladosporium gossypii</i> , <i>Penicillium glaucum</i>
Ан-Боёвут-2	<i>Alternaria macrosporum</i> , <i>Asp. fumigatus</i> , <i>Aspergillus ni-ger</i> , <i>Cladosporium gossypii</i> , <i>Fusarium sp.</i> , <i>Bacterium sp.</i>

Толада сариқ доғлар турли омиллар таъсирида, жумладан, ай-рим микроорганизмлар таъсирида пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, илмий адабиётларда келтирилишича, айрим микро-мицетлар таъсирида толанинг табиий рангдорлиги ўзгаради. Жум-ладан, *Fusarium* ва *Nematospora* микромицетларининг айрим ва-киллари толани сарғайтириш хусусиятига эга. Шунингдек, гоммоз касаллигини кўзгатувчи *Xanthomonas malvasearium* бактерияси ҳам толада сариқ доғларни пайдо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Наумов Н. А. Методы микологических и фитопатологических исследований. Сельхозгиз, Ленинградское отделение, 1937.
2. Назарбекова С. Микобиота волокна некоторых сортов хлопчатника: Автореф. дис. ... канд. с/х наук. Ташкент, 1994.
3. Кузнецова Н. Г. Болезни коробочек и волокна хлопчатника: Автореф. дис. ... канд. с/х наук. Ташкент: САГУ, 1954.
4. Ячевский А. А. Труды по прикладной ботанике, генетике и селекции. Вып. 5. Л., 1930. Т. XXIV.

Б.Ж. Аллакулиев

МИКОФЛОРА, СВЯЗАННАЯ С ЖЕЛТЫМИ ПЯТНАМИ ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА

Выделены и проанализированы микромицеты и бактерии, вызывающие жел-тые пятна хлопкового волокна, собранные из бунтов хлопзаводов, расположенных в различных районах Навоийского вилоята Республики Узбекистан.

М.А. БАХШИ, Б.А. ХАЛМАНОВ, Ш.К. ТОШПУЛАТОВ

ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАЗЛИЧНЫХ ДОЗ ГАММА ОБЛУЧЕНИЙ В УЛУЧШЕНИИ СКОРОСПЕЛОСТИ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА *G. BARBADENSE L.*

Хлопководство в Узбекистане является ведущей отраслью не только сельского хозяйства. На долю хлопководства приходится более 40% всего объема агропромышленных предприятий и всей экономики страны. Сейчас в Узбекистане потребляется примерно одна пятая часть произведенного хлопка-волокна, а остальное идет на экспорт, являясь важной статьёй валютных поступлений. Государственной программой развития экспортного потенциала предусматривается снижение доли хлопка-волокна в экспорте с учетом развития хлопкоперерабатывающих производств внутри страны.

Тонковолокнистый хлопчатник *G. barbadense* отличается высококачественным волокном I-II типа, отвечающим требованиям текстильной промышленности, пользуется большим спросом на мировом рынке – оценивается в 1,5 раза дороже, чем волокно средневолокнистого хлопчатника. В связи с этим возникает актуальность расширения посевных площадей *G. barbadense* и улучшения скороспелости и продуктивности. Ввиду биологических особенностей тонковолокнистый хлопчатник более требователен к высоким температурам и возделывается в южных районах страны на сравнительно небольших площадях.

В селекции хлопчатника применяют методы мутагенеза, которые позволяют вести отбор из измененной популяции мутантных растений, имеющих какие-либо улучшенные признаки. Также доказано, что применение методов мутагенеза в сочетании с гибридизацией и инбридингом, является эффективным в выведении уникального исходного материала для селекции, сочетающего в себе скороспелость и ряд полезных хозяйственно ценных признаков.

Жалилов О.Ж., Одилов С., Джурабеков Х.А. [1] считают доказанным, что гибридизация мутантов приводит к более быстрой стабилизации потомства по большинству морфологических и хо-

зайственно ценных признаков и тем самым сокращает селекционный цикл и ускоряет создание интенсивных сортов хлопчатника.

Бекмухамедов А.А., Ибрагимходжаев С.У., Имонкулов А.Э., Даминов А. [2] в своих исследованиях для расширения спектра мутаций применяли комбинированный метод обработки: радиация + гормон. Семена опытных линий и гибридов F_1 облучали γ -лучами C_{60} в дозах 100, 200 и 300 г. Выяснилось, что гетерозисные растения M_1F_1 превосходят исходных родителей по ряду признаков.

Тяминов А.Р. [3] считает, что методами гибридизации и мутагенеза вегетационный период тонковолокнистого хлопчатника можно сократить до 100-110 дней. Скороспелые низкорослые (60-80 см) мутантные линии МЛ-103Б МЛ-104 созревали раньше на 110-115 дней, а у карликовых (40-60см) линий МЛ-101, МЛ-102 период от всходов до созревания сократился до 90-95 дней.

Каххаров И.Т., Мангизаров А., Кахрамонов А. [4] изучали воздействие γ - и β облучений в M_1 и M_2 на длину вегетационного периода и урожайность хлопчатника. Вследствие этого выяснили, что воздействие γ -лучей на семена хлопчатника M_1 и M_2 популяции линий и сорта приводит к широкой наследственной изменчивости генотипов. При этом эффективность отбора наследственно скороспелых и урожайных биотипов хлопчатника высокая. В облучении β -лучами популяций M_1 и M_2 проявляется стимулирующий эффект по сокращению вегетационного периода и повышению урожайности.

В наших исследованиях мы поставили целью выявить эффективность различных доз γ -облучений в улучшении скороспелости *G. barbadense L.*

Согласно программе исследований, сухие семена трех сортов тонковолокнистого хлопчатника Термез-49, Сурхан-9, Сурхан-14 облучали тремя различными дозами C_{60} : I - 5 килорентген (кр.), II - 10 кр., III - 15 кр. на гаммаустановке Института ядерной физики Академии наук РУз. Контроль остался не облученным.

Контроль M_0 и I, II, III дозы в трехкратной повторности в 2007 г. высеяли на полевом участке УзНИИССХ, длина делянок - 5,5 м. Агротехнические мероприятия для Ташкентской области при схеме полива 1-3-1. В период цветения на фоне облучения M_1 растений проводили скрещивание цветков с кастрацией (топкросс) в

рамках I, II дозы, а также самоопыление всех вариантов опыта методом изоляции бутонов бумажными пакетами. Результаты учетов числа дней от посева до 50% цветения показали, что данные сорта тонковолокнистого хлопчатника M_1 отличались изменением темпов цветения по сравнению с контролем. У всех трех сортов M_1 наблюдалось замедление темпов цветения в III дозе гамма облучений: у сорта Сурхан-14 – на три дня, Сурхан-9 – на 2 дня и сорта Термез-49 – на 2 дня позже контроля. Стимулирующий эффект раннего начала цветения (на три дня) проявился в сорте Сурхан-9 M_1 – в первой и в сорте Сурхан-14 во второй дозе также показали стимулирующий эффект.

Период от посева до созревания в первый год вегетации M_1 по сравнению с контролем Сурхан-9 M_1 в первой дозе оказался короче на два дня. В остальных вариантах раскрытие коробочек замедляется непосредственно с величиной дозы, что можно объяснить угнетающим эффектом повышения доз гамма облучений, которое приводит к резкому изменению прохождения фенофаз (табл. 1).

Совершенно иная картина наблюдается на втором году вегетации у растений M_2 по сравнению с контролем. Большой спектр изменчивости и сокращения вегетационного периода наблюдается у растений M_2 . Во втором году исследований отдельно были высеяны семена по трем радиобиологическим питомникам №1 свободного опыления и аналогичного №2 самоопыления, в третий питомник гибриды M_2F_1 . Большой спектр изменчивости и сокращение вегетационного периода от посева до созревания наблюдался у растений хлопчатника M_2 не только в рамках питомников, но и в каждом варианте (табл. 2).

Рассматривая результаты питомника свободного опыления M_2 наблюдали тенденцию улучшения созревания *G. barbadense* L. по сравнению с контролем во всех трех дозах облучения, где лучшие результаты отмечены в первой дозе для всех трех облученных сортов. Сокращенный вегетационный период от посева до 50% созревания подтверждался у M_2 – Сурхан-9 в первой дозе и составлял 129 дней, где наблюдается показатель на шесть дней раньше контроля. Улучшение скороспелости также отмечено по сравнению с прошлым годом.

Таблица 1

Вегетационный период от посева до созревания контроля M_1 и M_2

№	Контроль, комбинации	Свободное опыление M_1	Свободное опыление M_2	Самоопыление M_2
		Скороспелость, дни		
Контроль				
1	Сурхан -14	137	135	136
2	Сурхан -9	137	135	136
3	Термез-49	139	136	135
I доза				
4	Сурхан-14	139	131	134
5	Сурхан-9	135	129	134
6	Термез-49	140	131	130
II доза				
7	Сурхан-14	146	133	132
8	Сурхан-9	145	131	129
9	Термез-49	147	132	129
III доза				
10	Сурхан-14	147	133	133
11	Сурхан-9	146	133	133
12	Термез-49	148	132	128

Таблица 2

Вегетационный период от посева до созревания контроля и гибридов $M_2 F_1$

№	Контроль, комбинации	Скороспелость, дни
		контроль
1	Сурхан-14	136
2	Сурхан-9	135
3	Термез-49	136
I доза		
4	Термез-49×Сурхан-14	131
5	Термез-49×Сурхан-9	128
6	Сурхан-14×Термез-49	131
7	Сурхан-9×Термез-49	128
II доза		
8	Термез-49×Сурхан-14	131
9	Термез-49×Сурхан-9	129
10	Сурхан-14×Термез-49	130
11	Сурхан-9×Термез-49	129

В радиобиологическом питомнике самоопыления M_2 также виден дополнительный эффект стимуляции созревания в рамках каж-

дой дозы. Лучшие результаты отмечены у сорта Термез-49 – 128 дней в третьей дозе, а также во второй M_2 -Сурхан-9 II дозы и Термез-49 II дозы – 129 дней. Что подтверждает перспективность метода облучения сухих семян хлопчатника и последующего инбридинга. В третьем радиобиологическом питомнике M_2F_1 в рамках как и первой так и второй доз C_0^{60} видно улучшение скороспелости по сравнению с контролем. Особого внимания заслуживает комбинация Сурхан-9×Термез-49 и Сурхан-9×Термез-49 в первой дозе. Очевидно, комбинации с участием Сурхан-9 первой дозы наследуют от родителя сокращение периода созревания.

Основываясь на результатах двухлетних данных, мы пришли к выводу, что на каждый сорт хлопчатника *G.barbadense* L. Эффективность различных доз гамма облучений в улучшении скороспелости влияет индивидуально на каждый сорт в зависимости от его мутабельности и величины доз. Методом индивидуального отбора удалось выявить в M_2 большое количество перспективных мутантных форм, отличившихся скороспелостью.

В целях получения материала *G.barbadense* L. для целенаправленного отбора на улучшение скороспелости предлагаются облучение сухих семян хлопчатника, ежегодный инбридинг и топкросс скрещивание на фоне меньших доз, которые в последствие могут стать стимулирующими по сокращению вегетационного периода.

Список использованной литературы

1. Жалилов О.Ж., Одилов С., Джурабеков Х.А. Мутагенез ускоряет выведение интенсивных сортов хлопчатника //Материалы международной научно-практической конференции. Ташкент: УзНПЦСХ, 2006. С. 77.
2. Бекмухамедов А.А., Ибрагимходжаев С.У., Имонкулов А.Э., Даминов А. Изменчивость признаков хлопчатника после комбинированной обработки семян гамма-лучи+ гормон // Материалы международной научно-практической конференции «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития». Ташкент: УЗНПЦСХ, 2006. С. 63.
3. Тяминов А.Р. Скороспелый тонковолокнистый сорт хлопчатника для интенсивного земледелия // Рўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалари тўплами. 2000.
4. Каххаров И.Т., Мангизаров А., Кахрамонов А. Воздействие γ - и β облучений в M_1 и M_2 на длину вегетационного периода и урожайность хлопчатника // Материалы международной конференции «Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур». Ташкент: Фан, 2005. С. 108.

**ЎЗУНИНГ *G. BARBADENSE L.* ТУРИ ТЕЗПИШАРЛИК БЕЛГИСИНИ
ЯХШИЛАШДА ҲАР ХИЛ ДОЗА ГАММА НУРЛАНТИРИШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

Ҳозирги кунда республикамизда гўзанинг *G. barbadense L.* тури тезпишарлигини яхшилашда ҳар хил доза гамма нурлантиришнинг самараси ўрганилди. Мақолада Термиз-49, Сурхон-14 ва Сурхон-9 навларининг курук чигитларига гамма нурларини ҳар хил дозаларда таъсир эттирилиб, унинг тезпишарлигини ошириш самаралари М1 ва М2 авлодларида ўрганилди.

Тажиба натижалари кўрсатишича, *G. barbadense L.* тезпишарлиги унинг генотипига боглиқ равишда намоён бўлади. Тадқиқотлар асосида 5 килолентген дозаси таъсир эттирилганда Сурхон-9 навидан яратилган мутағ авлодлари ва комбинацияларида М₂F₁ (Термиз 49×Сурхон-9 ва Сурхон 9×Термиз-49) тезпишар оилаларни пайдо бўлиш эҳтимоли юқори эканлиги аниқланди.

УДК:633.511:631.523

А.П. ИБРАГИМОВ, В.А. АВТОНОМОВ, А.С. ИМАМХОДЖАЕВА
НОВЫЙ СОРТ ХЛОПЧАТНИКА *G. HIRSUTUM L.* СБ-6

В решении задач, поставленных Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым и правительством страны по внедрению прогрессивных методов возделывания сельскохозяйственных культур, важная роль принадлежит выведению и внедрению в производство новых сортов хлопчатника, обладающих высокой продуктивностью, скороспелостью, устойчивостью к болезням, хорошим технологическими показателями качества волокна.

С 2006 г. новый сорт хлопчатника СБ-6 передан на грунтоконтроль в Государственную инспектуру испытания сортов сельскохозяйственных культур. А с 2007 г. изучается на сортоучастках страны, где показал положительные результаты. С 2007 г. он размножается в элитно-семеноводческом хозяйстве предварительного размножения «Сурхан». Сорт хлопчатника СБ-6 создан с участием ученых Узбекского НИИ селекции и семеноводства хлопчатника (Автономова В.А., Кушалиева А., Сайдалиева Х., Хожамбергенова Н., Кимсанбаева М.) и научно-производственного центра «Ботаника» (Ибрагимов А.П., Имамходжаевой А.С.)

Сорт СБ-6 создан путем использования одного из методов биотехнологии, т.е. введением спермальной жидкости от гибискус сеириакус в завязь сорта Ташкент-1, путем инокуляции.

Куст – конической формы, высотой 100-120 см, плотно-рыхлый, число моноподий на кусте – 0-2, стебель зеленый, слегка опушенный, к осени загорает. Симподиальные ветви 1-2-го типа, зеленые, первая плодовая ветвь закладывается на 5-6-м узле, лист дланевидный, зеленый, 3-5-лопастной. Цвет лепестков цветка желтый, цвет пыльников – светло-желтый. Коробочка овальная, зеленая, бороздки мелкие, прерывистые, носик средний. Семена средние, масса 1000 шт. семян 110-115 г, овальные, подпушек плотный, сероватый, сплошной, волокно белое. По данным Госсортосети (2007 г.), штапельная длина волокна 33,5 мм, код 37, микронейр 4,3-4,5, выход волокна 38-40%.

На ряде сортоучастков Республики Узбекистан СБ-6 показывает стабильные превышения по урожайности хлопка-сырца над стандартными сортами на уровне 2,4-6,7 ц/га. В посевах 2008 г. в фермерском хозяйстве «Сурхан» средняя урожайность хлопка-сырца составила более 43 ц/га.

Сорт СБ-6 устойчив при своевременном проведении всех необходимых агротехнических мероприятий к горячим ветрам (гармсилям), дующим во время массового цветения и плодообразования. Он также обладает повышенной устойчивостью в весенний период к черной корневой гнили и обладает высокой устойчивостью во время образования плодовых элементов к вертициллезному вилту.

Агротехника возделывания нового сорта СБ-6 состоит в следующем. Сев начинают 5-15 апреля, когда температура почвы в течение 7 дней на глубине 10 см стабильна и не ниже 13°C. Норма высева опушенных семян 60 кг/га, оголенных – 25-30 кг/га. Глубина заделки семян 4-5 см. Схема размещения растений 60×15-1, 90×12-1. Густота стояния растений 80-90 тыс. шт./га. При засолении почв или нехватке воды во время вегетации густоту стояния растений на 1 га увеличивают до 100 тыс. Прореживание необходимо завершить в фазе 2-3 настоящих листочков.

Сорт высокочувствителен к ранней подкормке. Годовая норма удобрений в зависимости от агрохимической картограммы зоны возделывания в чистом веществе: азота 200-250 кг/га, фосфора 140-175, калия 100-125 кг/га. Первую подкормку проводят в фазе образования 3-4 настоящих листочков после завершения прореживания, вторую – в фазе массового образования бутонов, последнюю – в период цветения и массового образования коробочек, не позднее 10 июля.

Полив осуществляют по схемам 1-1-1, 1-2-1 в зависимости от типа почвы и глубины залегания грунтовых вод. Чеканку проводят на почвах, обладающих высоким плодородием при наличии 15-16 плодовых ветвей, на почвах со средним плодородием – при наличии 13-14 плодовых ветвей.

На основании анализа результатов исследований можно сделать следующие выводы:

– своевременное и качественное проведение всех предложенных агромероприятий по возделыванию нового сорта СБ-6 позволяет получать полноценный высококачественный ранний урожай хлопка-сырца;

– завершать хлопкоуборочную кампанию до 10 октября;

– весь заготовленный материал сдавать на хлопкоочистительные заводы первым сортом;

– более высокая урожайность нового сорта СБ-6 позволяет каждому хозяйству получать до 20-30% дополнительной прибыли от его возделывания.

А.П. Ибрагимов, В.А. Автономов, А.С. Имомхўжаева

G.HIRSUTUM L. ТУРИГА МАНСУБ «СБ-6» ЯНГИ ҒЎЗА НАВИ

СБ-6 нави биотехнология усули ёрдамида яратилган. 2007 йилдан Давлат нав синовида ўрганилмоқда. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги “Сурхон” элита-уруғчилик хўжалигида комплекс қимматли хўжалик белгилари юкорилиги билан ажралиб турган “СБ-6” ғўза навининг кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда.

УЎТ 633.511: 632.9

**П.Ш. ИБРАГИМОВ, Б.Д. АЛЛАШОВ, Ф. ТОРЕЕВ,
Б. ЎРОЗОВ, Э. ТЎХТАЕВ**

ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА КЕМИРУВЧИ ҲАШАРОТЛАРГА ЧИДАМЛИЛИК БЕЛГИСИНИ ЎРГАНИШ

Қишлоқ хўжалик фанининг асосий йўланиши йилдан-йилга ошиб бораётган ер юзидаги аҳоли эхтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишдан иборат-

дир. Ҳозирги кунда пахтачилик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар бу муаммони тўлиқ ечишга қодир эмас.

Маълумки ғўза маҳсулдорлиги кемирувчи ҳашаротлар ҳисобига сезиларли даражада камайиб кетмоқда. Республикада бу ҳашаротларга қарши катта маблағ сарфланиб биологатория ва биофабрикалар ташкил этилган бўлсада, пахта ҳосилини тўлиқ сақлаб қолиш имконияти бўлмапти. Бундан ташқари биологаторияларда тайёрланаётган маҳсулотлар етарли даражада эмаслиги ва самараси паст бўлганлиги учун ҳар йили республикада пахта ҳосили мўлжалдагидан 400-500 минг тонна кам бўлмоқда. Бу муаммо нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳондаги барча ғўза етиштирувчи давлатларда ҳам мавжуддир. Кейинги йилларда АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Исроил, Бразилия ва бошқа давлатларда генетик модификацияланган ғўза навлари ёрдамида кемирувчи ҳашаротларга қарши кураш ишлари олиб борилмоқда [1, 2]. 2007 йили бизнинг институтга Ҳиндистондаги «Майко-Сид» уруғлик компаниясидан ВТ-002 намуна келтирилган бўлиб, бу намунада кемирувчи ҳашарот (кўсак курти)га чидамли бўлган белги мавжудлиги аниқланди.

Изланишлардан маълум бўлдики, Ҳиндистондан келтирилган юзлаб намуналар Ўзбекистон шароитида кечпишардир, шунинг учун ҳорижий навларнинг қимматли белгиларини маҳаллий навларга ўтказиш мақсадида дурагайлаш ва беккросс ишларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистон ва Хитойдан келтирилган генетик модификацияланган ўрта толали ғўза намуналари Тошкент вилояти Келес туманида жойлашган институтимизнинг карантин кўчатзорида 0.25 га майдонда махсус яратилган сунъий фонда экиб ўрганилди. Тажрибалар 70×25×1 схемада 50 та қаторга экилди.

Тажриба учун экилган нав, тизма ва намуналар симлардан дуга қилиниб, дока материал билан изоляцияланган сунъий фон яратилди. 18 июнь кунда барча уячаларга кўсак курти уруғлари кўйиб чиқилди. 10 июль кунда ҳар бир уяга кўсак курти капалаклари (эркаги ва урғочиси жуфт-жуфт қилиниб), яъни, 8 та уяларга 2 жуфтдан 16 та капалак, 2 та уяларга 6 жуфтдан, яъни 12 та капалак, 2 та уяларга 1 жуфтдан, яъни 4 та капалаклар кўйилди. 5 август кунда ҳар бир курт алоҳида пробиркаларда олиб борилиб, ҳар бир қаторга 4 тадан жами 200 дона кўсак курти имагоси ўсимлик гул-

косалари ичларига қўйиб чиқилди. Булар барчаси, яъни кўсак кургининг уруглари, имаголари ва капалаклари Ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтидан келтирилди.

5 сентябр куни нав, тизма ва намуналарни ҳосил элементлари, зарарланган кўсақлар бўйича, шунингдек, вертициллёз вилт билан касалланишини кузатганимизда қуйидаги ҳолатлар аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Карантин кўчатзори – 05.09.2008 кунда бўлган кузатув

Нав ва тизмалар	Экилган қаторлар сони	Ўсимликлар умумий сони	1 қатордаги ўртача ўсимликлар сони	Умумий шоналар сони	1 ўсимликдаги ўртача шоналар сони	Умумий гуллар сони	1 ўсимликдаги ўртача гуллар сони	Умумий кўсақлар сони	1 ўсимликдаги ўртача кўсақлар сони	Зарарланган кўсақлар сони, дона	Зарарланган кўсақлар фонзда %	Вилт билан зарарланиши %
ВТ-Ҳинд-н	40	270	6,7	127	0,47	116	0,42	4828	17,9	289	5,9	4,9
Хитой-1	1	21	21	-	-	-	-	346	13,6	156	45,1	4,7
Хитой-2	1	10	10	3	0,3	2	0,2	129	12,9	66	51,1	10
Хитой-3	1	3	3	1	0,3	4	1,3	54	18,0	30	55,5	0
Хитой-4	1	5	5	-	-	1	0,2	85	17,0	48	56,4	0
Шодиёна	1	24	24	3	0,1	4	0,1	348	14,5	276	79,3	0
С-2610	1	19	19	4	0,2	3	0,1	255	13,4	206	80,8	0
Л-110	1	13	13	3	0,2	4	0,3	163	12,5	122	74,8	0
С-6524	1	21	21	2	0,1	5	0,2	250	11,9	195	78,0	0
Нам-77	1	32	32	3	0,1	4	0,1	384	12,0	230	59,9	0
Барҳайт	1	29	29	1	0,03	3	0,1	362	12,5	235	64,9	0

Ҳиндистон намуналаридан 270 та ўсимликда ҳар бир ўсимликда ўртача 0.47 донадан шона, 0.42 донадан гул борлиги, 4828 дона кўсак борлиги ёки ҳар бир ўсимликда 17.9 донадан кўсак мавжудлиги аниқланди. Зарарланган кўсақларни кузатганимизда эса 289 дона кўсак ёки 5.9 фоиз кўсақлар зарарланганлиги аниқланди. Хитойдан келтирилган намуналарни кузатганимизда эса ҳар бир ўсимликда 0 дан 0.3 донагача шона, 0 дан 1,3 донагача гул борлиги, ҳар бир қаторда 54 тадан 346 тагача кўсак мавжудлиги ёки ҳар бир ўсимликда 12.9 донадан 18 донагача кўсак борлиги аниқланди. Зараркунандалар томонидан зарарланган кўсақларни

кузатганимизда ҳар бир қаторда 30 тадан 156 тагача зарарланган кўсақлар мавжудлиги, буларни фоизда қараганимизда эса, 45.1 фоиздан 56.4 фоизгача зарарланган кўсақлар борлиги аниқланди. Маҳаллий нав ва тизмаларни кузатганимизда ҳар бир ўсимликда ўртача 0.03 дан 0.2 тагача шона, 0.1 дан 0.3 донагача гул борлиги, ҳар бир қаторда 163 тадан 384 тагача кўсақлар мавжудлиги ёки ҳар бир ўсимликда ўртача 11.9 донадан 14.5 донагача кўсақ борлиги кузатилди. Зарарланган кўсақлар бўйича кузатганимизда ҳар бир қаторда 122 донадан 235 донагача зарарланган кўсақлар мавжудлиги ёки фоиз нисбатида эса 59.9 фоиздан 80.8 фоизгача зарарланган кўсақлар мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу кунни вилт билан зарарланиши ҳам кузатилди. Бунда Ҳиндистон намуналари 4.9 фоиз, Хитой-1 намунаси 4.7 фоиз, Хитой-2 намунаси 10 фоиз вилт билан зарарланганлиги кузатилди. Маҳаллий нав ва тизмалар вилт билан касалланмади.

Схема

Ҳиндистон намуналари чатиштириш ишларида оналик сифатида иштирок этганлиги

♀ \ ♂	С-2610	Наманган-77	С-6524	Шодиёна
ВТ (1-21 қат.)	50	50	50	50
Чатишган кўсақлар сони	35	34	29	32

Ҳиндистон намуналари чатиштириш ишларида оталик сифатида иштирок этганлиги

♂ \ ♀	ВТ	Чатишган кўсақлар сони
С-2610 (18-21 қаторлар)	50	38
Наманган-77 (1-6 қаторлар)	50	33
С-6524 (7-12 қаторлар)	50	30
Шодиёна (13-16 қаторлар)	50	35

Шунингдек, Ҳиндистондан келтирилган генетик модификацияланган ғўза намуналари институтимиз тажриба даласида ҳам 21 та қаторга экиб ўрганилди. Ҳиндистон намуналари ва маҳаллий навлар, яъни С-2610, Наманган-77, С-6524, Шодиёна навлари ўртасида реципрок усулида чатиштириш ишлари олиб борилди ва булар схемада тасвирланган. Чатиштириш натижасида 8 та комбинация олинди ва кейинги йил ўрганиш учун олиб қўйилди. Шунингдек,

схемадан кўриниб турибди-ки, чатиштириш ишлари натижасида Ҳиндистон намуналари маҳаллий нав ва тизмалар билан эркин ча-тиша олиш қобилиятига эга эканлиги, яъни 66 фоиздан 82 фоизга-ча чатишганлиги аниқланди.

Шунингдек, институтимиз тажриба даласида экилган Ҳиндистон намуналари, маҳаллий нав ва тизмалар бош поясининг бўйи, ундаги ҳосил ва ўсув шохлари сони, кўсақлар сони, бир дона кўсақ вазни, тезпишарлиги ва маҳсулдорлиги каби қимматли хўжалик белгилар бўйича ўрганилди.

2-жадвал

Нав, тизма ва намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари

Нав, тизма ва намуналар	Ўсимлик бўйи, см	Ўсув шохи, дона	Ҳосил шохи, дона	Кўсақ сони, дона	1 дона кўсақ вазни	50% гуллаши, кун	Вегетация даври, кун	Маҳсулдорлик, г	Вилт билан зарарланиши, %
Вт-Ҳинд-н	97.1	0.51	8.2	11.4	4.9	81	125	58.8	40.6
С-6524	114.2	0.92	10.7	14.3	5.9	78	118	84.3	33.5
Наманган-77	110.7	0.68	11.4	15.6	5.6	81	122	81.3	28.8
Барҳаёт	115.2	1.17	15.6	19.8	7.8	75	116	135.3	6.0
Шодиёна	114.3	0.84	14.5	18.6	7.1	76	117	138.6	8.7
С-2610	112.7	1.16	14.9	17.7	6.7	77	117	125.7	7.1
Л-110	107.2	0.77	11.3	16.5	5.8	77	118	98.7	5.5

Кузатув натижалари 2-жадвалда тасвирланган бўлиб, жадвалдан кўриниб турибди-ки, бизнинг шароитда Ҳиндистондан келтирилган намуналар бош поясининг баландлиги, ўсув ва ҳосил шохлари, кўсақлар сони маҳаллий навларникидан камроқ эканлиги, 7-8 кунга кечроқ пишиши, маҳсулдорлик белгиси бўйича ҳам навларга нисбатан камроқлиги, вилтли муҳитда вилт билан 40.6 фоизгача зарарланиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, кўсақ куртига чидамлилиқ сунъий фонда ўрганилганда Ҳиндистондан келтирилган намуналар маҳаллий нав ва тизмаларга нисбатан чидамлилиги, яъни 5,9 фоиз кўсақлар зарарланганлиги, маҳаллий нав ва тизмалар эса 59,9-

80,8 фоизгача кўсаклари зарарланганлиги, Ҳиндистон намуналари маҳаллий нав ва тизмалар билан яхши чатиша олиш қобилятига эга эканлиги, яъни 75-80 фоиз чатишганлиги, қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганилганда, тезпишарлик ва маҳсулдорлик белгилари бўйича Ҳиндистон намуналари маҳаллий нав ва тизмаларга нисбатан кўрсаткичлари пастроқ эканлиги, яъни 7-8 кунга кеч пишиши ва маҳсулдорлиги кам эканлиги аниқланди. Кўсак куртига чидамлилиқ белгисини сақлаб қолган ҳолда тезпишарлик ва маҳсулдорлик ва бошқа қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш мақсадида маҳаллий нав ва тизмалар билан чатиштириш ишлари олиб борилди. Ушбу белгиларнинг ирсийланишини кузатмоқ учун кейинги йилда F₁ дурагайларни сунъий фонда экиб ўрганиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Harish Damodaran. After BT cotton, it's GM mustard-Podagro begins large-scale trials of hybrid variety. The Hindu Business Line. New Delhi.
2. Li Xiao, Wang Xude, Zhu Yuxian, Zhao Xiangqian. Transgenic acsB cotton plant vacuum infiltration of pollen with Agrobacterium tumefaciens. Journal of the Zhe jiang University (Science), international journal, 2002, 3(5): 594-599.

П.Ш. Ибрагимов, Б.Д. Аллашов, Ф. Тореев, Б. Урозов, Э. Тухтаев

ИЗУЧЕНИЕ ПРИЗНАКА УСТОЙЧИВОСТИ К ГРЫЗУЩИМ ВРЕДИТЕЛЯМ У СРЕДНЕВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА

В статье приведены результаты анализов Индийских и Китайских образцов, местных сортов и линий по устойчивости к коробочному червю, изученных на искусственном фоне; устойчивости к вилту на вилтовом фоне и по ряду хозяйственно-ценных признаков.

УДК:633.511:631.523: 633.51.575.23.581.167

М.И. ИКСАНОВ

ПОТЕНЦИАЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ПРОИЗВОДСТВЕ ТОНКОВОЛОКНИСТОГО ХЛОПКА

Всего каких-нибудь 80 лет тому назад о тонковолокнистом хлопководстве в Средней Азии, в том числе в Узбекистане не могло быть и речи. Исторически тонковолокнистый хлопчатник *Goss. barbadense L.* здесь никогда не высевался. Освоение новой для рес-

публики с/х культуры началось в 30-ые годы прошлого века. Уже в 1937-1938 гг. появились первые сорта узбекской селекции, положившие начало формированию специализированного агропромышленного комплекса по производству, переработке и утилизации тонковолокнистого хлопка. Комплекс включал в себя: научно-исследовательскую базу по селекции, семеноводству, агротехнологии, защиты растений и др. проблем возделывания тонковолокнистого хлопчатника, в почвенно-климатических условиях республики; сеть хозяйств, производящих хлопок, специализированных хлопкоочистительных заводов, текстильных предприятий.

В 1987 г. под сортами тонковолокнистого хлопчатника в республике было занято 204 тыс. га посевных площадей, сбор хлопко-сырца составил 587 тыс. т. По объему производства этого хлопка республика занимала 2-е место в мире (после Египта). Специализированных хлопкоочистительных заводов было 10; одна из фабрик Ташкентского текстильного комбината, а также единственное в Средней Азии ниточное производство работали исключительно на отечественном тонковолокнистом хлопке.

Значительная часть волокна направлялась на союзные текстильные предприятия и экспорт. Доля Узбекистана в союзном производстве тонковолокнистого сырья составила 49%, оставшиеся 51% – это доли Таджикистана и Туркменистана.

Таков был в прошлом потенциал республики в производстве самого высокоценного хлопко-волокна.

Он был достигнут благодаря нескольким факторам:

– наличию в республике регионов с уникальными почвенно-климатическими условиями, весьма благоприятными для возделывания теплолюбивой культуры. Тепловые ресурсы Шерабада выше чем Каира (Египет), а Термеза – выше чем Александрии (Египет) и байрам Али (Туркменистан) – известных центров выращивания тонковолокнистого хлопчатника;

– высокоэффективной работе ученых республики – селекционеров, семеноводов, агротехнологов др., создавших отечественные сорта, разрабатывающих технологию их выращивания и получения высоких урожаев;

– но главным фактором успешного развития тонковолокнистого хлопководства в республике были – государственная политика и поддержка в решениях ее проблем.

Правительством Узбекистана дважды (1975 и 1977 гг.) принимались специальные постановления о дальнейшем развитии этой отрасли хлопководства. Были приняты важные решения об освоении Сурхан – Шерабадской и Каршинской степей как основной базы по производству тонковолокнистого хлопка.

Сегодня посевы этого ценнейшего хлопчатника в республике составляют 10-14 тыс. га. Как видим, этот потенциал используется только частично.

Есть ли сейчас мотивации для более полного использования имеющегося потенциала? Да, есть!

I. Экономические мотивации.

1. Необходимость обеспечения сырьем собственной текстильной промышленности.

По данным «Узлеглопром» в 2004 г. в республике имелось 17 текстильных предприятий, оснащенных современным оборудованием, способным утилизировать тонковолокнистый хлопок, с общей потребностью до 45,5 тыс. т волокна. Готовая продукция может быть реализуема на внутреннем и внешнем рынках.

2. Экспортные поставки волокна. По данным МВЭС РУз республика поставляет на мировой хлопковый рынок 8-10 тыс. т высокоценного сырья. Стабильное производство тонковолокнистого хлопка позволит республике увеличить его поставки на внешний рынок, упрочить свои позиции в качестве постоянного и надежного торгового партнера. Из-за дефицита волокна тонковолокнистых сортов на мировом хлопковом рынке в США посевные площади под сортом Пима (*Goss.barbadense* L.) увеличились с 80 тыс. га до 110-120 тыс. га.

Индия, помимо собственного волокна тонковолокнистых сортов, дополнительно закупает еще 150 тыс. т такого волокна.

3. Высокая рентабельность этой отрасли из-за более высоких цен на хлопок-сырец, а также цен на волокно на мировом рынке.

II. Материально-техническая база.

В республике сохранились:

– научно-производственная база, ее селекционно-семеноводческие учреждения (научный потенциал), которые располагают широким сортиментом современных сортов (Сурхан-9, Сурхан-14, Сурхан-16, Сурхан-100, Сурхан-101, Каршинский-8, Каршинский-9, Каршинский-10, Термез-42, Термез-49 и др.), наиболее адаптированных к местным условиям;

- часть специализированных валичных заводов;
- за годы реформирования в Узбекистане увеличилось количество текстильных предприятий, способных перерабатывать волокно тонковолокнистых сортов и выпускать продукцию на внутренний и внешний рынки в виде высококачественных тканей, пряжи высоких номеров и высокопрочных ниток.

Более полная реализация имеющегося в республике потенциала в производстве тонковолокнистого хлопка позволит более эффективно использовать уникальные природные (почвенно-климатические) условия ряда регионов, промышленных и людских ресурсов, способствовать упрочению экономики, укреплению ее позиций на мировом хлопковом рынке.

ЎТ: 633.511.631.5.521.

М. МИРЖЎРАЕВ, Ҳ. СОДИҚОВ, Э. ХОЛЛИЕВ

ЯНГИ ҒЎЗА НАВИНИ ЎСТИРИШДА ҲАР ХИЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИНИ ХЎЖАЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТИГА ТАЪСИРИ

Селекция жараёнида олинган янги ғўза навларини ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитида ўстирганда хўжалик ва технологик белгиларини шаклланиши бир хил йўсинда ўтмаслиги ҳақида адабиётларда турли хил фикрлар мавжуд. Ушбу фикрларга жавоб олиш учун селекция институтида яратилган С-6524, С-2513, ЛТ-17 ва ЛТ-8 навларни республикаимизнинг энг жанубий вилояти “Сурхон” хўжалигида ва республикаимизнинг тоғ бағри бўлмиш Қибрай туманида экиб ўргандик. Ўрганишни яна бир сабаби шундаки, юқорида келтирилган янги ғўза навлари ўрта толали *G. hirsutum L.* нави билан *G. barbadense L.* оиласига хос бўлган ингичка толали С-6030 навини чатиштириш йўли билан олинган. Ушбу йўл билан олинган навни ота авлоди С-6030 нави бўлиб, ирсий хусусиятлари кўп жиҳатдан жанубий зонага мосланган бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан икки хил иқлим шароитида янги ғўза навларини ўстириш уларнинг ҳосили, тола хусусияти қай даражада шаклланиши тажрибанинг асосий мақсадидир. Тажириба бир вақтда экилиб, бир хил агротехника шароитида ўтказилган, яъни вегетация даврида минерал ўғитлар N-250, P₂O₅-150 ва калий ўғити 125 кг бўлиб, суғориш

схемаси 1-3-1 дир. Толанинг технологик хусусиятларини ўрганиш учун пахта намунаси 15 сентябрда териб олинди ва лаборатория шароитида ўрганилди. Олинган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, тажрибада қатнашаётган навлар ўзининг тезпишарлик хусусияти билан андоза (С-6524) га нисбатан тезпишарлик белгилари бир хил эмаслигини жадвалда келтирилган маълумотдан кўриш мумкин. Янги ғўза навлари андоза навига нисбатан 50 фоиз кўсак очилиш муддати “Сурхон” элита хўжалигида 1 кундан 5 кунгача тезпишар эканлиги аниқланди. Ғўза селекцияси институти шароитида бу кўрсаткич 3 кунни ташкил этди. ЛТ-8 нави эса институт шароитида 1 кунга кеч очилди.

Маълумки, ғўзанинг тезпишарлиги, унинг етилиш муддатлари ҳосилнинг сифат ва миқдорини аниқлабгина қолмай, ҳосил тола таннархига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу боисда ўрганилаётган навлар ичида С-2513 бошқа навларга нисбатан тезпишарлик белгиси бўйича устунлигини яққол кўриш мумкин.

Ҳосилдорликни аниқлашда тезпишарлик билан бир қаторда ғўза тупида шаклланган кўсақлар сони ва 1 дона кўсак вази ҳосилдорликни шаклланишда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Жадвалда келтирилган маълумотлар ичида ғўза тупида 1 сентябрда ҳосил бўлган кўсақлар сони келтирилади. Шу кунга келиб С-6524 навида 10,5 тўлиқ кўсак ҳосил бўлган бўлса, С-2513 навида бу кўрсаткич 1,3 дона кўсақга кўп, ЛТ-17 навида эса кўсақлар сони 10,3 донани ташкил этди. Тажрибада қатнашган навлар ичида ЛТ-8 нави ҳосилдорлик ва кўсақлар сони бўйича юқорида қайд этилган навларга нисбатан паст эканлигини кўрамыз. Бинобарин бу ҳолат умумий ҳосилдорликга салбий таъсир этди. Умуман ҳосилдорлик даражаси кўп жиҳатдан кўсақлар сони билан чамбарчас боғлиқ, бизнинг кузатишимизда “Сурхон” тажриба хўжалигида Селекция институтига нисбатан юқори шаклланиш сабаблари биринчи ўринда ўсимликни ўсиш ва мева шохларининг ривожланиш иссиқлик билан боғланса, иккинчи сабаби тупроқ шароитидир. “Сурхон” хўжалигида тупроқ енгил ва қумлоқ бўлиб, ўсимлик ривожланиши бирмунча тез, бинобарин озика моддасидан фойдаланиш имконияти ҳам юқори. Шунинг учун “Сурхон” шароитида тажрибада қатнашаётган андоза С-6524 нави ҳамда Селекция институтининг янги навлари, ҳосилдорлик ва кўсак сони бўйича юқори шаклланганини кўрамыз.

Икки хил хўжаликда ўстирилган янги гўза навларини хўжалик ва технологик хусусиятларини шаклланиши

№	Нав номи	Хўжалик номи	Хўжалик хусусияти						Топанинг технологик хусусияти				
			Тезпи- шарлик кун хисобида	1 сентябр- гача тул- даги қўсақлар сони	Хосил- дорлик, ц/га	Бир дона қўсақ вазни, г	Топла- чинди- ми, %	Топла- даги улоқ миқ- дори	Тола узун- лиги, мм	Толани метрлик номери	Мик- ро- нейри	Тола пишиқ- лиги, г	Узиллиш узунли- ги, г/куч
1	С-6524 (андо- за)	“Сурхон” э/хўж	118	10,5	41,3	5,9	34,7	82	33,8	6200	4,4	4,5	27,9
		ЎзғСУИТИ	121	9,7	38,0	5,7	34,0	75	33,2	6200	4,4	4,5	27,9
2	С-2513	“Сурхон” э/хўж	113	11,8	49,7	6,1	37,0	45	34,2	6340	4,1	4,5	28,4
		ЎзғСУИТИ	118	11,1	46,1	5,6	36,4	51	33,7	6260	4,2	4,4	27,7
3	ЛП-17	“Сурхон” э/хўж	114	10,9	44,0	5,5	35,1	65	35,2	6230	4,5	4,7	29,3
		ЎзғСУИТИ	121	10,3	42,0	5,2	34,9	60	34,6	6200	4,6	4,5	27,9
4	ЛП-8	“Сурхон” э/хўж	117	9,8	40,0	5,3	35,2	78	33,3	6080	4,3	4,6	26,8
		ЎзғСУИТИ	125	9,6	37,5	5,2	35,1	84	33,9	6040	4,5	4,3	26,4

Янги ғўза навини баҳолашда ундаги тола чиқимига алоҳида аҳамият берилади, сабаби ғўза ўсимлиги асосан тола олиш учун экилади. Тажрибамизда қатнашаётган навлар ичида С-2513 нави “Сурхон” тажриба хўжалиги ва институт шароитида энг юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. Сурхон шароитида бу кўрсаткич 37,0 фоиз ташкил этган бўлса, институт шароитида бу кўрсаткич 36,4 фоизга тенг, қолган навлар андоза навига нисбатан юқори бўлган бўлса ҳам, бу кўрсаткич 0,4-0,5 фоизни ташкил этади. С-2513 навида тола чиқими андоза навига солиштирганда 2,3 фоиз юқори эканлиги аниқланди. Бу борада В.М. Ефименконинг тола чиқими ҳақидаги маълумотини келтиришни лозим топдик. Муаллиф фикрича, янги навда тола чиқимини 1 фоиз оширилса, республика миқёсида экилаётган майдонда кўшимча 70 минг тонна пахта ҳосили олиш мумкин.

Янги навларда тола сифатини юқори бўлиши толада учрайдиган улук микдорига кўп ҳолатда боғлиқ бўлади, сабаби, пахта хомашёсини жинлаш вақтида улук тугунчаси майдаланиб, тола ифлосланишига олиб келади. Бу эса ип ва калава олиш ҳамда тўқиш жараёнида майдаланган чигит эпидермиси газламага ўтиб ранг беришда, бир хил текислик ҳолати бузилади. Шунинг учун янги ғўза навида бу биологик нуқсон қанча паст бўлса, йигирув жараёнида олинадиган маҳсулот сифати шунча юқори бўлади.

Жадвалда келтирилган маълумотдан шу нарса яққол кўринадики, навларда бу кўрсаткич бир хил эмас, андоза С-6524 навида улук сони 100 г пахта хомашёсида 75-82 донани ташкил этган бўлса, янги С-2513 навида бу кўрсаткич 45-51 донани ташкил этди, ЛТ-17 навида бу кўрсаткич 60-65 ва ЛТ-8 навида 78-84 дон улук борлиги аниқланди.

Янги нав истиқболлигини аниқлашда толанинг технологик хусусияти алоҳида аҳамиятга эга, бу кўрсаткич алоҳида толани йигириш жараёнида ҳар хил номерли калава олишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Йигирув жараёнида тола узунлиги қанча юқори бўлса, бинобарин олинадиган калава номери ошиб боради. Масалан тола узунлиги 31-32 мм бўлса, олинадиган калава номери 20-40 тенг бўлади ёки тола узунлиги 34-35 мм, у ҳолатда йигирув жараёнида 54-65 номерли калава олиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда янги ғўза навида тола узунлиги қанча узун бўлса, тола типи

шунча юқори бўлади, бу эса жаҳон бозорида тола қийматини аниқлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Тажрибамизда ўрганилаётган навларнинг технологик хусусиятлари IV тип талабига жавоб берса ҳам, лекин толадаги сифат кўрсаткичлари ҳар хил. Масалан, тола майинлиги, микронейри, пишиқлиги, узилиш узунлиги – бу кўрсаткичлар икки хил иқлим ва тупроқ шароитида қай даражада шаклланади ва ўзгаради. Бу саволга жавоб олиш учун лабораторияда ўтказилган текширувлар натижасида қуйидаги маълумотни олдик. С-6524 андоза нави “Сурхон” элита хўжалик шароитида тола узунлиги 33,8 мм бўлган бўлса, институт шароитида тола бирмунча калта бўлиб шаклланганини кўриш мумкин (33,2 мм). Толанинг метрик номери “Сурхон” шароитида 100 номерга юқори бўлиб, толаси бирмунча майин 4,4 микронейрга тенг, шу билан бирга тола пишиқлиги 4,5 г кучга тенг бўлиб етилган ва толасининг узилиш узунлиги 27,9 к/куч ҳисобида шаклланган. Институт шароитида юқорида келтирилган рақамлар бирмунча паст эканлигини кўрамиз.

Ўрганилаётган навлардан С-2513 нави технологик кўрсаткичлари бўйича “Сурхон” хўжалигида энг юқори кўрсаткичга эга, бу хўжаликдан олинган намунада тола узунлиги 34,2 мм, институтдаги намунада тола узунлиги 33,7 мм ни ташкил этди, тола метрик номери “Сурхон” хўжалигида 6340 номерга баробар бўлса, институтда бу кўрсаткич 6240 номерга тенгдир. Тола микронейри 4,1-4,2 га тенг бўлиб, бу нав толаси ниҳоятда ингичка ва юқори сифатли эканлигидан далолат беради. Ушбу нав толасининг сифатини аниқловчи бошқа кўрсаткичлари ҳам “Сурхон” хўжалиги шароитида етказилган пахта ҳосили сифатидан юқори эканлигини исботлайди. Институт шароитида етиштирилган тола аксинча сифати паст бўлиб, чунончи тола узунлиги бўйича 0,6 мм, метрик номери бўйича 30 номерга, тола микронейри 0,1 ва толанинг узилиш узунлиги бўйича 1,4 г/куч га паст. Тажрибада қатнашаётган ЛТ-8 нави “Сурхон” ҳамда институт шароитидаги толанинг технологик хусусиятлари андоза навига нисбатан бирмунча сифатсиз бўлиб шаклланини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб шунни айтиш лозимки, навларни хўжалик ва технологик хусусиятлари шаклланишида кўп жиҳатдан навнинг келиб чиқиши ирсиятига боғлиқ бўлишига қарамай, ўсимликни ўстириш-

да иқлим ва тупроқ шароити таъсири ниҳоятда юқори эканлигини тажриба натижаларидан кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Миржўраев М. Наманган-77 навининг агротехникаси // Ўз. кишлок хўжалиги журнали, 2006. 6-сон.
2. Миржўраев М. Ғўзанинг янги – “Истиклол” навининг морфологик-хўжалик кўрсаткичлари ва агротехникаси / Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. ЎзҒСУИТИ. 2007.
3. Сидиков А.Р., Эгамбердиев А.Э., Содиков Х.Р. Ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб тизмаларида хўжалик учун кимматли айрим белгиларнинг шаклланиши // Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали. 2006. 7-сон. 14-бет.

М. Мирджураев, Х. Содиков, Э. Холлиев

ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНЫХ УСЛОВИЙ СРЕДЫ НА ХОЗЯЙСТВЕННЫЕ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИЗНАКИ ПРИ ВЫРАЩИВАНИИ НОВЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА

В статье приведены результаты исследования и формирования хозяйственных сортов хлопчатника. Изучены зависимости наследственных признаков от условий внешней среды.

УДК: 633.511:632.112

Б.К. МАДАРТОВ, С.С. АЛИХОДЖАЕВА, О.Э. КУЧКАРОВ,
С.А. УСМАНОВ, Ф.А. АБРАРОВА

ИЗУЧЕНИЕ ВОДНОГО ДЕФИЦИТА В УСЛОВИЯХ ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВ

К числу основных причин снижения продуктивности сельскохозяйственных растений по прогнозам ФАО относятся абиотические факторы, такие как почвенное засоление, недостаток влаги, экстремальные температуры. К 2050 г. засуха и засоление почв могут привести к значительному ухудшению качества более 50% возделываемых земель во многих регионах мира. Согласно официальным данным, сегодня, более 60% орошаемых земель Узбекистана, также подвергнуты засолению, вследствие нерационального водопользования, а также из-за естественных причин.

Известно также, что хлопчатник во многих регионах Узбекистана высевается в условиях засоления, и часто для своего развития не может получить необходимое количество воды из-за водного дефицита.

В тоже время известно, что наиболее действенным способом борьбы с почвенной засухой является повышение способности растений выдерживать длительное увядание.

Поэтому, учитывая эти факторы, нами в условиях засоленных почв (филиал Института хлопководства в Сырдарьинской области), где залегание грунтовых вод достигает 1,5-2 м были проведены исследования по изучению возможности получения устойчивого к засолению и водному дефициту материала без проведения полива.

Для этого был высеян в условиях засоления устойчивый к этому стрессу линейный материал, где за сезон растения получали один полив в период массового цветения и этот же материал выращивался без полива. Засоленность почв определяли по величине плотного остатка и наличия хлорина, взятого по образцам из почвы на глубине до 1 м, где содержание Cl составляло 0,06% при плотном остатке 1,560. В качестве стандарта высевался сорт С-6524.

Для этого в процессе гибридизации в целях создания использованных линий, устойчивых к засолению и водному дефициту, мы использовали, прежде всего, традиционные методы гибридизации, которые не потеряли значения до настоящего времени (Ибрагимов Ш.И., 2006; Ибрагимов П.Ш., 2000; Абидов Р.Т., 2001). Также исследовали другие пути для сочетания скороспелости, урожайности, качества волокна, с учетом устойчивости к изучаемым факторам. Одним из методов явилась сложная многоступенчатая гибридизация с использованием двойных, тройных и более форм (5-6), которые увеличивали диапазон изменчивости и рекомбинацию форм, о чем свидетельствуют, как наши исследования, так и работы других авторов (Рыстаков В. и др. 2001,2002; Холходжаев Т. и др., 2001,2002; Попов П.В., 2002; Эгамбердиев А.Э., 2002; Автономов Вик.А., 2006). При этом в качестве исходного материала использовали сорта отечественной и зарубежной селекции (Алиходжаева С.С., 2002; Рыстаков В., 2002; Намазов Ш., 2002; Набиев М., 2002; Автономов Вик.А., 2006). На основе использования указанных методов гибридизации с применением диких и рудеральных

УЎТ: 633.511.631.5.521.

Э. ХОЛЛИЕВ, Ҳ. СОДИҚОВ, Н. АБДУҚАЮМОВА

ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИДА – АСОСИЙ ҲОСИЛНИ ТУШНИНГ ПАСТКИ ҚИСМИГА ТЎПЛОВЧИ, ТЕЗПИШАР ВА ЮҚОРИ ҲОСИЛ БЕРИШ ИМКОНИАТИГА ЭГА НАВЛАР ЯРАТИШ

Маълумки, йилдан-йилга пахта толасига дунё бўйича талабнинг ортиб бораётганлиги, республикамызда етиштирилаётган пахта толасини харидорларнинг тўғридан-тўғри сотиб олиш имкониятига эга бўлишлари – пахта ҳосилдорлигини янада орттиришни талаб этмоқда. Авваллари, пахта толаси етиштириш миқдорини ошириш, асосан, янги ерларни ўзлаштириш ва пахта экин майдонини кенгайтириш ҳисобига амалга оширилган бўлса, ҳозирда бундай имкониятларимиз чегараланган, фақатгина ҳар гектардан олинадиган пахта ҳосилини орттириш эвазига талаб қилинаётган пахта толасига бўлган эҳтиёжни қондиришимиз мумкин. Бунинг учун ғўза селекцияси билан шуғуланувчи олимларимиздан янги

ғўза навларини яратишда пахта толаси сифат кўрсаткичларини йўқотмаган ҳолда, ғўза ўсимлигини ҳосил бериш ички имкониятларини (керакли белгиларни жамлаш мақсадида янги чатиштириш ишларини ўтказиш, танлов ишларини тўғри олиб бориш, янги селекцион услублардан кенг фойдаланиш ва бошқалар) ошириш талаб этилади. Ғўзанинг шохланиш типлари бўйича, асосан, илмий ишлар чекланган типли компакт тупга эга бўлган навлар тўғрисида кенг ёритилган, шунга қарамай, қисқа бўғинга эга бўлган чекланмаган типдаги ҳосил шохларига эга бўлган ўрта толали ғўза навларини яратиш устида олимларимиз илмий ишлар олиб боришган ва, натижада, кўплаб янги навлар яратилган, лекин асосий эътибор тола чиқими, тола узунлиги ва бошқа бир қатор қимматли хўжалик белгиларига қаратилган ҳолатда, биз танлаган мавзу шохланиш типига камроқ эътибор берилган.

Биз таклиф этаётган асосий ҳосилни тупнинг пастки қисмига тўпловчи юқори ҳосилдорликга ва тезпишарликга эга бўлган бошланғич ашёлар олиш орқали янги навларни яратиш пахтадан олинадиган ҳосилдорликни орттириш имкониятларини беради.

Республикамизда пахтадан юқори ҳосил олишга имкон яратувчи, ҳосил меваларини остки қисмига тўпловчи, натижада эрта чеканка қилинувчи ва эрта муддатларда толасининг сифати юқори бўлган ҳолатда ҳосилни териб олиш имконини берувчи, жумладан, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тола сифати бўйича 4 ва 5 тип талабларига жавоб берувчи, генетик жиҳатдан тарқоқ шаклларга ажралмайдиган янги ғўза навларини яратиш ҳозирги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммолардан биридир.

Бундай муаммоларнинг ҳал қилиниши йўлида селекция ишларида янги услубларни жорий этиш ҳамда эски услубларни такомиллаштириб бориш, энг асосийси, бу услублар орқали танлашлар натижасида республикамиз учун ҳозирги кун талаб даражасига жавоб берувчи ғўза навларини яратиш керакки, биз таклиф қилаётган янги услублар селекционерларимизга асқотиши мумкин. Бунинг учун танлаш ишларида биринчи навбатда:

– ўта махсулдор асосий ҳосил элементларини поянинг остки ҳосил шохларига тўплайдиган бир симподиал шохида 3 тадан б тагача кўсак сақловчи (AS-типи), эрта чилпиш имконини берувчи, тезпишар, оқпалак ва ҳар хил сўрувчи зараркунандаларга чидамли шакл, оила ва тизмаларни ажратиб олиш.

– ўта ҳосилдор, тола узунлиги ва тола чиқими юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли оилаларда схема бўйича мураккаб поғонали чаптириш ишларини ўтказиш, белгиларни мустаҳкамлаш мақсадида F1–F3 авлодларда бекросс чаптириш олиб бориш.

– касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ, гуллаш, пишиш, шохланиш типлари, турли хил морфохўжалик белгилари бўйича ҳисоблар олиб бориш ва натижаларини селекцион баҳолаш.

Пахтачиликда сарфланаётган харажатларни ортиб боришини фақат пахтадан юқори ҳосил олиш эвазигагина қоплаб соф даромад олиш имконига эга бўлишимиз мумкин. Мамлакатимизда янги шаклланиб келаётган фермер хўжаликларини пахтачиликдан оладиган даромадлари манбаи бу – пахтадан мўл ҳосил олиш бўлиб, фермер ва ширкат хўжаликлари учун ўта юқори ҳосил берувчи навларни яратиб бериш селекционерларимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Республикаимизнинг қайси ҳудудига борманг деҳқонлар билан суҳбатлашганингизда уларга иложи борица юқори ҳосил берувчи нав кераклигини айтишади. Бу масалани касаллик ва зараркунандаларга чидамли, толаси жаҳон андозалари талаб даражасига жавоб берувчи навларни тақдим этиш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Натижада, давлатимиз ва деҳқон-фермерларимиз учун муаммо бўлиб турган режани бажара олмаслик муаммоси ҳал этилади. Юқори ҳосил олиш эвазигагина деҳқонларнинг даромади юқори бўлади. Тезпишар, юқори ҳосилдорликга эга навни патентлаб олингач, лицензия асосида чигитларини қўшни пахта етиштирувчи давлатларга сотиш орқали давлатга кўшимча валюта олиб келиш имконияти туғилади.

Юқори маҳсулдор, тезпишар асосий ҳосил элементларини пояннинг остки шохларига тўпловчи, ҳар бир симподия шохида 3 тадан 6 тагача кўсак сақловчи нав яратиш натижасида – гектаридан олинadиган ҳосил 45–60 центнерга ошади, сабаби ҳар бир симподиал шохида камида 3 та кўсак тўпланса, 10 та симподиал шохта 30 та кўсак бўлади, агар битта кўсак вазнини ўртача ишлаб чиқариш шароитида – 3 г десак, ишлаб чиқаришда 1 туп ғўзада 30 та эмас 20 та кўсаги қолса ҳам, гектарига 80.000 туп ниҳол қолганда 48 ц/га ҳосил олиш демакдир. Аслида биздаги тажриба кўсаклари вазни 6,0–6,5 г келади. Бундай шаклдаги ғўзаларни эрта чилпиш (чеканка) имкони бўлади. Бу орқали кўсақлар ғўза тупларида яхши сақланиб қолади, йирик бўлиб, эрта очилади. Эрта очилиб терилган пахта-

нинг толаси ҳам, уруғи ҳам аъло даражада бўлади. Эрта муддатларда териб олинган пахтанинг чигитлари кейинги йилда экилганда унувчанлик, ҳосилдорлик сифатлари жуда юқори бўлиб, янада мўл ҳосил олиш имкониятлари яратилади. Агарда, ушбу шаклдаги навларни республика экин майдонининг 500000 гектарига экилиб, атиги, 5 центнерга юқори ҳосил олинганда ҳам қўшиладиган пахта хомашёси миқдори 250000 тоннага ёки соф даромад 62,5 млрд. сўмни ёхуд 60 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Эрта йиғиштириб олинган пахтадан ажратилган чигитларни сифати юқори бўлиши ҳисобига кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги янада ортади.

Мақоланинг ёзишдан асосий мақсадимиз – ҳосил элементларини пастки ҳосил шохларига йиғувчи – бир симподиал шохида 3 тадан 6 тагача кўсак сақловчи (AS-типидаги) шохланиш типидagi янги шаклли, тезпишар навларни яратиш орқали ғўзанинг маҳсулдорлик бўйича ички имкониятлари (потенциали) даражасини ошириш, ишлаб чиқаришга янги ўта ҳосилдор навларни тақдим этиш ва республикада пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги даражасини оширишга эришишдан иборатдир. Бундай навларни яратиш орқали тола сифати, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан ҳам эски навлардан афзалликларга эга янги навлар яратилишига эришилади. Ҳозирда бу борада маълум даражада ютуқларга эришдик, яъни AS-типидаги шохланишга эга бир қатор оилалар ажратиб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ибрагимов Ш.И., Тешабоев Қ.А., Содиков Ҳ.Р. Янги истиқболли – С-4910 нави ишлаб чиқаришга // Пахтачилик ва дончилик журнали. 1-сон. 2002. 5-7-бетлар.
2. Содиков Ҳ.Р., Холлиев Э. С-4910 истиқболли нав. // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журнали. 2006. 1-сон. 17-бет.
3. Содиков Ҳ.Р. Ғўза туллари пастки қисмига асосий ҳосилни тўловчи тезпишар ва ҳосилдор навларнинг хусусиятлари // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журнали. 2006. 2-сон. 14-бет.
4. Содиков А., Эгамбердиев А., Содиков Ҳ. *G. hirsutum L* турига мансуб ғўза тизмалари // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журнали. 2006. 7-сон. 14-бет.

Э. Холлиев, Х. Садыков, Н. Абдуқаюмова

СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА С AS –ТИПОМ ВЕТВЛЕНИЕ

В статье описаны AS-тип ветвления хлопчатника на одной симподиальной ветви, с расположением от 3 до 6 коробочек, получение скороспелых сортов по повышению продуктивности, а также отражены научные изыскания по внедрению в производство новых сортов.

IV. ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ ВА УРУҒШУНОСЛИГИ **МУАММОЛАРИ**

УДК:633.511:631.531.01.02

Я.А. БАБАЕВ, М.А. МУРТАЛИБОВ

ПРОБЛЕМЫ СЕМЕНОВОДСТВА И СЕМЕНОВЕДЕНИЯ ХЛОПЧАТНИКА

Узбекистан является основным крупным производителем и экспортером хлопкового волокна, имеющего огромное стратегическое значение для экономики страны. В республике производится более 1 млн. т хлопкового волокна из 2 млн. т, производимого в Центральной Азии. Хлопководство остается важнейшей отраслью сельскохозяйственного производства, источником сырья для текстильной промышленности. Поскольку Республика Узбекистан – один из крупнейших производителей и экспортеров хлопково-волокна и другой хлопковой продукции, такое положение предполагает высокий уровень развития селекционной науки и системы семеноводства.

Хорошо налаженное семеноводство и использование в производстве добротных сортовых и высококачественных семян обеспечивает до 40% прибавки урожая при высокой агротехнологии возделывания растений. Повышение урожайности хлопчатника, в первую очередь определяется внедрением сортов в различных регионах хлопкосеяния, наиболее полно раскрывающих свой потенциал. Вместе с тем реализация возможности получения высокого урожая обеспечивается использованием высококачественного посевного материала. Получение высококачественных семян зависит от целого ряда факторов: сортовых особенностей, агротехники возделывания, сроков посева, почвенно-климатических особенностей возделывания, использования средств защиты растений, регуляторов роста и развития хлопчатника и т.д.

Одной из задач семеноводства сельскохозяйственных культур является сохранение в процессе воспроизводства элиты исходных качеств сорта, его типичности по морфологическим и хозяйственно-ценным признакам. А также установление параметров форми-

рования посевных семян хлопчатника с высокими посевными и урожайными достоинствами по перспективным и районированным сортам хлопчатника.

Много работ ученых З.М. Пудовкина (1948), Б.П. Страумала (1950), М.Ф. Быстрая (1958), Л.Ф. Колоярова (1960), Г.А. Гольдберга (1961), Н.М. Макрушина (1980), Э.У. Хасанова (1980), Х.Р. Рахимова, Л.С. Руденко, Э.У. Хасанов (1976), (1986), Ю.Р. Толипов (1988), Р.Р. Ахмедов, Х.Р. Хасанов (1989), (1990), Э.У. Хасанов, Ж.Х. Ахмедов (1994); Э.У. Хасанов, Ж.Х. Ахмедов (1996) и др. посвящены вопросам влияния агротехники возделывания хлопчатника на качество семян и волокна. Освещены и вопросы влияния качества посевных семян на развитие и урожайность хлопчатника. Вместе с тем нельзя не отметить, что имеется еще много неизученных вопросов по улучшению посевных и урожайных качеств семян хлопчатника. В деле повышения урожайности, сохранения первоначальных хозяйственно ценных качеств районированных сортов хлопчатника большое значение имеет правильная постановка и ведение семеноводческой работы. Однако в настоящее время районированные сорта хлопчатника за период размножения быстро теряют свои первоначальные хозяйственно ценные признаки, технологическое качество волокна и генетическую однородность, что является причиной преждевременного снятия их с производства.

Это происходит из-за того, что в системе семеноводства хлопчатника большие принципиальные недостатки остаются нерешенными, а принимаемые меры по их реализации – мало эффективными, так как элитные хозяйства не достаточно обеспечены высококвалифицированными кадрами агрономов-семеноводов. Также они не имеют малых семенных заводов, материалы питомников семенного размножения перерабатываются на крупных хлопзаводах, где неизбежно происходит механическое засорение сортовых семян, сортосмещение, потеря сортовой чистоты. Кроме того, невозможно осуществление полноценного авторского надзора и контроля со стороны специалистов контрольных организаций, нарушается проведение агротехнических мероприятий, которые необходимы для повышения урожайных и посевных качеств семян.

Все это без сомнений отрицательно влияет на улучшение урожайности и на качество семенного материала.

Для решения этих проблем необходимо:

– реализация Постановления Кабинета Министров РУз за № 421 «О реализации проекта модернизации хлопководства в рамках соглашений о займе, заключенного между Республикой Узбекистан и МБРР» от 31.10.1995 и за № 328 «О политике правительства Узбекистан в области семеноводства» от 19.09.1996 г.;

– подготовка высококвалифицированных кадров в области семеноводства и семеноведения хлопчатника и обеспечение специалистами элитных хозяйств;

– периодичное строительство и обеспечение малыми семенными хлопзаводами элитных хозяйств по районированным сортам и в частности, элитных хозяйств предварительного размножения по новым сортам хлопчатника;

– создание оптимальных условий агротехники для производства высококачественной семенной продукции;

– организация совместной работы с оригинаторами сорта и фермерскими хозяйствами на договорной основе;

– повышения коэффициента размножения сортовых семян, за счет использования сеялок с точным высевом семян, что позволит экономить хлопковые семена на ед. площади посева;

– реализация сортовых семян, переход на новые организационные формы семеноводства в условиях рыночных отношений.

В результате выполнения вышеуказанных задач будет увеличено производство однородных посевных семян районированных и новых сортов хлопчатника с высокими посевными качествами, увеличивается урожайность семенного хлопка-сырца.

уЎТ: 633.511:631.526.32

**А. АЛИМУҲАМЕДОВ, Ф.Н. ТОРЕЕВ, П.Ш. ИБРАГИМОВ,
Б. АЛЛАШОВ, Б. ЎРОЗОВ, Э. ТЎҲТАЕВ**

**ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН НАВЛАРДА
УРУҒЧИЛИК ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ЯНГИ
УСЛУБДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Пахтачиликда бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири бу ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишларини тубдан яхшилашга қаратилган, яъни янада серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамли ва тола сифати саноат талабларига жавоб берадиган ғўза навла-

рини яратиш ва кенг қўллаш. Чунки, пахтачилик республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий манбаларидан биридир. Ғўзадан сифатли ва мўл ҳосил олишда уруғчиликнинг аҳамияти жуда катта. Чунки, сара уруғ экиш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини 25-30 фоизгача ошириш мумкин. Уруғчиликда бошланғич махсус тадбирлар қатъий туриб амалга оширилгандагина юқори сифатли навдор уруғлар етиштириш мумкин бўлади.

Бир-икки каррали якка танлов ва уларнинг намуна авлодларидан якка танлов ишларини олиб борилганда, навга хос бўлган асосий сифатли ва миқдорий белгилар сақланиб қолади ва шунинг натижасида, навдорлик 99,9 фоизга етказилади. Энг такомиллаштирилган услуб орқали етиштирилган уруғлар механик аралашма оқибатида навдорлигини албатта йўқотади. Шунинг учун бу услуб орқали яратилган уруғлар механик аралашмасидан мустасно бўлиши шартдир.

Элита уруғчилик хўжаликлари фаолиятини асосий вазифалари навинг ўзига хос хусусиятларини, қимматли хўжалик белгиларини ва нав толасининг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишдан, навини янгилаш учун яроқли, сифатли, Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган элита уруғларини етказиб беришдан иборатдир. Ғўза навлари бўйича элита уруғчилик ишлари вилт билан зарарланмаган юқори унумдорли даладарда ўтказилиши лозим. Ҳар бир элита уруғчилик хўжалиги фақат бир Давлат реестрига киритилган ғўза навининг уруғини етиштириши ва ўз таркибида элита раҳбари, агроном, 5 нафар ишчи-лаборант, 20 аррали жин, тарозилар, бино ва омборга ҳамда керакли техникага эга бўлиши шарт. Бу хўжаликлар камида 60 гектар пахтага мўлжалланган ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликларида жойлаштирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда элита уруғчилик хўжаликлари фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказилаётганлиги сабабли, уруғчилик тизими ишларини имкон қадар соддалаштириш ва енгиллаштириш эҳтиёжи туғилмоқда. Шу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳам вақтдан бир йилга кам бўлган ва нисбатан соддалаштирилган янги услубни синовдан ўтказиш ва апробацияга тақдим этишдан иборат. Кейинчалик апробациядан яхши ўтган тақдирда уруғчилик фермер хўжаликларининг ишларини енгиллаштириш мақсадида уни ишлаб чиқариш миқёсида жорий этиш кўзда тутилган.

Элита уруғларини етиштиришнинг бу янги услуги қуйидаги тарзда амалга оширилади. Нав муаллифи ёки оригинатор муассасадан 120 та намуна терим ва 300 та якка танлов намуналари олинади. Ўсимликларни якка ҳолда ўрганиб ва шу ўсимликнинг оиласи намуна сифатида текширилади. Якка танловнинг авлодида шу навга хос бўлган, яъни доминант генлар бошқариладиган генларни якка танлов асосида сақлаб қолиш мақсадида якка танлов кўчатзорида намуна теримлар йиғиб олинади ва келгуси йили якка танлов кўчатзори сифатида экиб ўрганилади.

Иккинчи йили якка танлов кўчатзоридан энг камида 150 та яхши оила танлаб олиниши зарур ва ушбу оилалардан 100 кўсақли намуна теримлар кейинги йил экиш учун териб олинади, қолган пахта учинчи йилда элита кўпайтириш кўчатзорида экиш учун жамғарилади.

Намуна терим кўчатзорида камида 600 та якка танлов териб олинади ва кейинги йил экиш учун олиб қўйилади, қолган уруғлик пахталар учинчи йилда элита кўпайтириш кўчатзорида экиш учун жамғарилади.

Тадқиқотлар учун нав муаллифи ёки оригинатор муассасадан 120 та намуна терим ва 300 та якка танловлар ҳар қайсиси бир қатор қилиб 0,3 гектарга экилади. Олинган 120 та намуна танлов ҳар бири беш қатордан 600 қаторга 0,6 гектаргача экилади. Ушбу олинган уруғлар нав тозалиги бўйича 99 фоиздан кам бўлмагандагина иш бошлаш мумкин. Ушбу иккала кўчатзорда ҳам икки марта дала кузатувлари олиб борилади.

Иккинчи марта дала кузатувида якка танлов кўчатзорида 2 та нотипик ўсимлик учраса юлиб ташлаш мумкин, агар ундан кўп учраса, ушбу оила чиқитга чиқарилади.

Намуна терим кўчатзорида иккинчи дала кузатувида 3 та нотипик ўсимлик учраса юлиб ташлашга рухсат этилади, агарда ундан кўп бўлса, бу оилалар чиқитга чиқарилади.

Якка танлов кўчатзорида намуна терим йиғиб олингандан кейин чиқитга чиқарилган оилалар техник пахта сифатида йиғиб олинади, қолган пахталар эса иккинчи йилги синаш кўчатзори учун жамғарилади. Шунингдек, намуна танлов кўчатзорида ҳам якка танлов намуналари териб олингандан кейин чиқитга чиқарилган оилалар техник пахта сифатида териб олинади, қолган пахталар эса иккинчи йилги синаш кўчатзори учун жамғарилади.

Иккинчи йилги синаш кўчатзорида якка танлов кўчатзорини авлоди икки гектар майдонга экилади. Намуна терим кўчатзорининг авлоди эса 3,5 га майдонга экилади.

Иккинчи йилги якка танлов намуна терим кўчатзоридан 40-45 га майдонга етиштириш учун пахта жамғарилади ва иккинчи йили 40-45 гектарга элита уруғини етиштириш учун экилади.

Хулоса

1. Ушбу услубда ишлар олиб борилганда бир йил вақт тежаларди ва ишлар бирмунча энгиллашади.

2. Бу соҳада мохир бўлмаган уруғчилик фермер хўжалиги раҳбари ҳам нав муаллифи билан биргаликда элита уруғларини кўпайтириш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 491 сонли қарори. 1999-2000 йилларда ғўза навларини жойлаштириш ва нав янгилаш.
2. Кратиров О.В. Семеноводство хлопчатника. Справочник по хлопководству. Ташкент, 1981. С. 119-130.

**А. Алимухамедов, Ф.Н. Тореев, П.Ш. Ибрагимов, Б. Аллашов,
Б. Урозов, Э. Тухтаев**

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НОВОЙ МЕТОДИКИ В ПРОВЕДЕНИИ СЕМЕНОВОДЧЕСКИХ РАБОТ СОРТОВ, ВКЛЮЧЕННЫХ В ГОСУДАРСТВЕННЫЙ РЕЕСТР

В статье приведены данные малозатратной, высокоэффективной новой методики с экономией труда на один год.

УЎТ:633.511:631.531.1

**И.Х. МАДРАХИМОВ, Ж. Х. АХМЕДОВ, Ш.Т. ШАРИПОВ,
М.А. МУРТАЛИБОВ**

УРУҒЛИК ЧИГИТНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА II-4 ПРЕПАРАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим маҳсулотларидан бири уруғлик ҳисобланади. Экинлардан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий усулларидан бири уруғни тез ва беҳато ундириб олишдир. Бу эса ўз навбатида, уруғнинг сифат кўрсаткичлари би-

лан бирга қўлланилаётган агротехникавий тадбирларга ҳам узвий боғлиқдир.

Уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичларини ошириш бўйича жуда кўп олимлар илмий изланишлар олиб бориб, турлича натижаларга эришганлар. Масалан, А. Шералиев ва бошқалар [1] уруғлик чигитни П-4 фунгицид препарати билан дорилаб, уни нам камерада ўстириш натижасида уруғлар тўлиқ униб чиққан ҳамда соғлом илдиз системасига эга бўлган. Бунда, уруғликларда мавжуд бўлган микроорганизмлар П-4 фунгицид препарати билан ишлов берилиши оқибатида нобуд бўлади ҳамда чигитлардан соғлом майсалар униб чиқади.

Ш.Х. Абдуалимов [2] нинг таъкидлашича, у нитролин, ТЖ-85 ва ХС-2 стимуляторларнинг ғўзада уруғлик чигитларнинг сифати ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганган. Изланишлар натижасида назорат чигитларда биринчи ҳисоблашда унувчанлик 23,9 фоиз бўлгани ҳолда нитролин таъсирида ушбу кўрсаткич 29,8 фоизни, ТЖ-85 таъсирида 28,5 фоиз, ХС-2 таъсирида эса 27,1 фоизни ташкил қилганлиги аниқланган. Учинчи ҳисоблашда дала унувчанлиги уччала стимулятор таъсирида мос ҳолда 96,0, 98,4 ва 95,0 фоизга тенг бўлган, жумладан, ушбу кўрсаткич назоратга нисбатан мос ҳолда 7,6, 10,0 ва 6,6 фоизга ортган. Муаллиф тажриба натижалари асосида чигит унувчанлигига ушбу препаратларнинг ижобий самара бериши тўғрисида хулоса қилади.

Биз ўз тажрибаларимизда уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичларига П-4 препаратининг таъсирини ўрганишни асосий мақсад қилиб олдик. Лаборатория ва дала шароитларида ўтказилган тадқиқотларда Наманган-77 ва С-4914 навлари уруғлик чигитлари экишдан олдин П-4 препарати билан ишлов берилди ва уруғнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Тажрибаларимиздан маълум бўлдики, лаборатория шароитида Наманган-77 нави уруғининг унувчанлик қуввати ва унувчанлиги назорат вариантыда ўртача 93,2 ва 94,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, ушбу навнинг П-4 препарати билан ишлов берилган чигитларида бу кўрсаткичлар ўртача 95,0 ва 95,2 фоизга тенг бўлди. С-4914 навида ҳам юқоридаги каби ҳолат кузатилди, яъни П-4 препарати билан ишлов берилган чигитларнинг унувчанлик қуввати ва унувчанлик кўрсаткичлари назорат вариантыга нисбатан 1,5 ва 3 фоизга юқори бўлганлиги қайд қилинди.

Изланишларимизда уруғлик чигитларнинг дала шароитида униб чиқиш миқдори ҳамда тезлиги ҳам ўрганилиб, препарат билан ишлов берилган Наманган-77 ва С-4914 навлари уруғларининг униб чиқиш миқдори назорат вариантыга нисбатан 6 ва 10,6 фоизга юқори эканлиги кузатилди. Шунингдек, дала шароитида ҳар икки кунда уруғларнинг униб чиқиш тезлиги ҳам аниқлаб борилди. Назорат вариантыда Наманган-77 нави уруғларининг униб чиқиш тезлиги 12 май куни 44 фоизни, 14 май куни 78 фоизни ва 16 май куни 88 фоизни ташкил этган бўлса, П-4 билан ишлов берилган уруғликларда униб чиқиш тезлиги бўйича олинган кўрсаткичларнинг аксариятида юқори натижа (3,5 ва 6 фоизгача) қайд этилиб, фақатгина 12 май куни белги бўйича кузатилган кўрсаткичнинг назорат вариантыга нисбатан паст (1,0 фоизга) бўлганлиги аниқланди. Жумладан, С-4914 навида ҳам бу кўрсаткичлар 12 май куни 15 фоизга, 14 май куни 15 фоизга, 16 май куни эса 3,5 фоизга назоратга нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

П-4 препаратини уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичларига таъсири

Навлар	Назорат						П-4					
	Лаборатория шароитида		Дала шароитида				Лаборатория шароитида		Дала шароитида			
	Унувчанлик қуввати, %	Унувчанлиги, %	Униб чиқиш миқдори, %	Уруғни униб чиқиш тезлиги, %			Унувчанлик қуввати, %	Унувчанлиги, %	Униб чиқиш миқдори, %	Уруғни униб чиқиш тезлиги, %		
				12.05	14.05	16.05				12.05	14.05	16.05
Наманган-77	93,2	94,2	53,8	44,0	78,0	88,0	95,0	95,2	59,8	43,0	84,0	91,5
С-4914	93,0	94,0	56,4	32,0	70,0	91,5	94,5	97,0	67,0	47,0	85,0	95,0

Ўтказилган тажриба маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқаришда навлар чигитини экишдан олдин П-4 препарати билан ишлов бериш, уруғларнинг тўлиқ униб чиқишини ва кўчат

сонининг тўлик бўлишини таъминлайди ҳамда ҳосилдорликнинг ортишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шералиев А., Исоқов И., Бухоров К., Холмуродов Ч., Аҳмедов Х. П-4 препарати гўзанинг гоммоз, илдириш, вилт касаллиги кўзгатувичиларига қандай таъсир қилади? Уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари. Тошкент, 1998. 67-бет.
2. Абдуалимов Ш. Х. Результаты поиска новых стимуляторов роста для хлопчатника // Пахтачилик ва дончилик журнали. 2002. 1-сон. 25-27-бетлар.

И.Х. Мадрахимов, Ж. Х. Аҳмедов, Ш.Т. Шарипов, М.А. Мурталибов

ВЛИЯНИЕ ПРЕПАРАТА П-4 НА КАЧЕСТВО ПОСЕВНЫХ СЕМЯН

Перед посевом семена сортов хлопчатника обрабатывали препаратом П-4, в лабораторных и полевых условиях изучали (по сравнению с контролем) энергию прорастания и всхожесть семян. В результате выяснили, что препарат П-4 положительно влияет на посевные семена хлопчатника.

УЎТ: 633.511:631.526.32

**Ф.Н. ТОРЕЕВ, П.Ш. ИБРАГИМОВ, Б. АЛЛАШОВ,
Б. ЎРОЗОВ, Э. ТҶХТАЕВ**

ЯНГИ ВА РАЙОНЛАШГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛГИ НАВДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тармоғи бўлмиш пахтачилик соҳасини келгусида ривожлантириш мақсадида ғўза навларини узлуксиз равишда тезпишарлигини, ҳосилдорлиги ва тола сифатини яхшилаш зарур.

Ўсимлик ҳосилдорлигини, шу жумладан, пахта хомашёси сифатини ошириш аввало бошланғич ашёга ҳамда навнинг хўжалик қимматли белгиларига боғлиқ.

Бир неча юз йиллардан буён уруғлик сифатининг ҳар хиллилик муаммоси қишлоқ хўжалиги амалиёти диққатини жалб этиб келмоқда. Костичев [1] шунини таъкидлаб ўтганки, ўсимлик уруғини экиш учун танлашда, яхши ривожланган, йирик вазли донларни ишлатиш, тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш, уруғлик сифатини сақлаб қолиш, ҳосилдорлигини кўтариш ва ҳар қандай ша-

ронгта ҳам навнинг қатъий белгиларини яхшилашга эътибор бериш керак.

Районлаштирилган навларнинг элита уруғчилигини ишлаб чиқаришда қўлланилаётган услуби [2] яхши бўлган ва кейинги ўтган бир неча ўн йиллар давомида навга бўлган талабнинг кондидияларини сақлашга имкон берган. Кейинги 10-15 йил ичида қишлоқ хўжалигида пахта хомашёси етиштиришда чуқур ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ишлаб чиқаришда янги бозор иктисодиёти шароитида селекционерлар, уруғшунослар биргаликда ҳозирги давр шароитида жуда долзарб муаммо бўлган уруғчилик муаммосини ечиш, янги районлаштирилган ғўза навларининг навдорлигини ошириш масалалари бўйича иш олиб бордилар.

Ишнинг мақсади янги, самарали элита уруғларини тайёрлашнинг янги услубини ишлаб тажрибада синовдан ўтказишдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

– Наманган-77 ва С-6540 навларини якка танлов ва намуна терим кўчатзорларига жойлаштириш, ўрганиш ва навдорлигини аниқлаш;

– дала шароитида якка танлов ва намуна теримларни чиқитга чиқариш;

– якка танлов ва намуна терим кўчатзорлари авлодини ўрганиш ва нотипик ўсимликларни ажратиш; чиқитга чиқарилгандан сўнг навдорликни аниқлаш.

Биз тадқиқотларимизда Институтимизда яратилган Наманган-77 ва С-6540 навларидан бошланғич манба сифатида фойдаландик.

Элита уруғларини янги услуб бўйича етиштиришдан олдин 150 та сараланган якка танлов уруғлари ва 60 та оилалардан терилган намуна терим уруғлари олинди ва улар иккита кўчатзорга экиб ўрганилди.

Тажрибаларимизда навдорлик кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида танлаб олинган Наманган-77 ва С-6540 навлари алоҳида кўчатзорда экилди. Экиш оптимал муддатларда юқорида айтиб ўтилганидек, 60×25×1 схемада экилди. Ўсимликлар тўлиқ ундириб олиниб, шоналаш даври бошланиши билан ҳар бир кўчатзорда 100 та ўсимлик навдорлик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида этикетка осиб белгилаб қўйилди. Иккала кўчатзорда ҳам икки марта ўсимликлар қийғос гуллаш арафасида ва кўсақлар пишиб етила

бошлашида дала кузатуви ўтказилди. Ушбу дала кузатувларида этикеткаланган 100 та ўсимликдан ташқари қолган ўсимликларда навга хос бўлмаган ўсимликлар чиқитга чиқарилди.

Тажрибаларимизнинг дастлабки йилида навдорлик кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида танлаб олинган Наманган-77 ва С-6540 навлари алоҳида-алоҳида кўчатзорларда экилди.

Наманган-77 нави экилган кўчатзордаги умумий ўсимликлар сони 3825 тани ташкил этган бўлиб, ўрганиш учун этикеткаланган 100 та ўсимликларни кузатганимизда қуйидаги ҳолатлар юзага чиқди. Кўсак шакли бўйича ўрганиб чиққанимизда 2 та ўсимликда нав кўсагидан ўзгача кўсакларга эга эканлиги кузатилди.

Поя тузилиши бўйича ўрганганимизда битта ўсимлик навга хос эмаслиги кузатилди.

Лаборатория шароитида тола чиқими ва тола узунлиги бўйича таҳлил қилганимизда тола чиқими бўйича битта намунада, тола узунлиги бўйича иккита намунада навга хос бўлмаган ҳолатлар кузатилди.

Ўрганилган ушбу белгилар бўйича умумий ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак Наманган-77 нави бўйича ўрганилган 100 та ўсимликдан 6 донасида нотипик ўсимликлар мавжудлиги аниқланди, бу эса Наманган-77 навининг нав тозалиги кўрсаткичи 94 фоиз эканлигини кўрсатади.

Наманган-77 ва С-6540 навларининг дастлабки ўрганилган йилдаги навдорлик кўрсаткичлари (2004 йил)

Навлар	Ўсимликлар сони	Ўрганилган ўсимликлар сони	Нотипик ўсимликлар белгилари бўйича					
			Кўсак шакли бўйича	Поя тузилиши бўйича	Тола чиқими бўйича	Тола узунлиги бўйича	Нотипик ўсимликлар сони, дона	Навдорлик кўрсаткичи, %
Наманган-77	3825	100	2	1	1	2	6	94
С-6540	3203	100	3	2	1	1	7	93

Ўрганилган ушбу белгилар бўйича умумий ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, С-6540 нави бўйича ўрганилган 100 та ўсимликдан 7 донаси нотипик ўсимлик эканлиги аниқланди, бу эса С-6540 навининг нав тозалиги кўрсаткичи 93 фоизлигини кўрсатади.

Наманган-77 нави кўчатзоридан этикеткаланган 100 та ўсимликдан терилган якка танловдан ташқари 160 та яхши ўсимлик танланиб якка танлов қилиб териб олинди. Наманган-77 нави намуна теримидан 80 та яхши қатордан 100 та кўсақли 80 та намуна терими йиғиб олинди.

С-6540 нави кўчатзоридан этикеткаланган 100 та ўсимликдан терилган якка танловдан ташқари 152 та яхши ўсимлик танланиб, якка танлов қилиб териб олинди. С-6540 нави намуна теримидан 75 та яхши қатордан 100 та кўсақли 75 та намуна терими йиғиб олинди.

Шунингдек, Наманган-77 ва С-6540 навлари тезпишарлик, гуллаш, ўсимлик бўйи, ҳосил шохлари сони, кўсақлар сони, кўсақлар очилиши, вилт билан касалланиш даражаси белгилари бўйича ўрганилиб вариацион қатор тузилди. Вариацион қаторнинг чап ва ўнг томонида жойлашганлари чиқитга чиқарилди.

Наманган-77 нави якка танлов кўчатзоридан териб олинган 107 та намунадан 60 та яхши кўрсаткичларга эга бўлган намуналар танлаб олинди ва мазкур йилда намуна терим кўчатзорига экилди. Ўтган йилги намуна терим кўчатзоридан териб олинган 360 та намунадан 150 та энг яхши якка танлов танлаб олиниб, якка танлов кўчатзорига экилди.

С-6540 нави якка танлов кўчатзоридан териб олинган 101 намунадан 51 та яхши кўрсаткичларга эга бўлган намуналар танлаб олинди ва мазкур йилда намуна терим кўчатзорига экилди. Ўтган йилги намуна терим кўчатзоридан териб олинган 354 та намунадан 140 та энг яхши якка танлов танлаб олиниб, якка танлов кўчатзорига экилди.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган-77 ва С-6540 навлари якка танлов ва намуна терим кўчатзорларига жойлаштирилиб ўрганилди ва навдорлиги аниқланди.

Дала шароитида оилаларни ва намуна терим кўчатзорлари авлоди ўрганилди ҳамда нотипик ўсимликлар ажратилиб, чиқитга чиқарилди.

Наманган-77 ва С-6540 навлари устида олиб борилган навга хос бўлмаганларини чиқитга чиқариш ишларидан кейин навдорлик кўрсаткичлари 93-94 фоиз эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Костычев П. А. Влияние качества семян на урожай. Сельского хозяйства и лесоводство. М., 1877. С. 15-17.

2. Кратиров О. В. Семеноводство хлопчатника. Справочник по хлопководству. Ташкент, 1981. С. 119-130.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг № 491 сонли қарори. 1999-2000 йилларда ғўза навларини жойлаштириш ва нав янгилаш.

Ф.Н. Тореев, П.Ш. Ибрагимов, Б. Аллашов, Б. Урозов, Э. Тухтаев

НАЧАЛЬНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ОДНОРОДНОСТИ НОВЫХ И РАЙОНИРОВАННЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА

В статье изучены показатели однородности сортов Наманган-77 и С-6540, определено, что показатель однородности был равен 94 и 93%.

УЎТ: 633:511.631.523:633.51:575

О. ҲАСАНОВ, Б.Ж. АЛЛАКУЛИЕВ

ПАХТА ЧИГИТИ МИКОФЛОРАСИ

Пахта хомашёсининг “йўлдоши” ҳисобланган микроорганизмлар чигитгача кириб боради [1]. Айниқса, тукли чигит кўпгина микроорганизмлар учун қулай “бошпана” ҳисобланади.

Микроорганизмларни, аниқроғи микромицетларни чигитда фаолият кўрсатишига бир қанча факторлар таъсир кўрсатади. Жумладан, микромицетлар яшашлиги учун керак бўлган ҳарорат ва намлик, уруғнинг бутунлиги, уруғнинг пишиш даражаси, ҳашаротлар билан зарарланиши ва бошқалар шундай омиллар қаторига киради [2, 3].

Чигит толадан ажратилгач, унинг микофлораси ўрганилди. Тажрибада асосан 7 та навга тааллуқли пахта чигити микологик таҳлил қилинди. Натижада пахта чигитидан ҳаммаси бўлиб 19 та микромицет тури ажратиб олинди. Албатта, ҳар бир нав чигитида микофлора микдори турлича бўлди. Жумладан, 175-Ф нави чигитида 15 та, 108-Ф – 12 та, С-6524 – 12 та, Ан-Боёвут – 11 та, С-4727 – 14 та, Наманган-77 – 9 та, С-6037 – 14 та тур қайд қилинди (жадвал). Баъзи микромицет турлари айрим навга қарашли чигитда умуман учрамади. Масалан, 175-Ф нав чигитида *Macrosporium nigricanstum*, *Mucor rasemosus*, *Nigrospora gossypii* ва *Penicillium duponti* турлари, 108-Ф нав чигитида эса янада кўпроқ, *Aspergillus terreus*, *Fusarium sp.*, *Cephalosporium sp.*, *Humicola grisea* ва *Penicillium duponti* замбуруғлари қайд қилинмади. Айниқса, На-

манган-77 нав чигитида энг кам микромицет тури аниқланиб, атиги 9 та турни ташкил этди, холос. Бу кўрсаткич бошқа навларнинг чигитидаги микофлора миқдорига нисбатан тахминан 1,5-2 баробар камдир.

Ўзанинг турли навлари чигитида микрофлоранинг учраши

№	Микромицетлар	Навлар						
		175-Ф	108-Ф	С-6524	Ан-6	С-4727	Нам-77	С-6037
1.	<i>Aspergillus niger</i>	+	+	+	+	+	+	+
2.	<i>Aspergillus flavus</i>	+	+	+	+	+	-	+
3.	<i>Aspergillus fumigatus</i>	+	+	+	+	+	+	+
4.	<i>Aspergillus terreus</i>	+	-	+	-	+	+	+
5.	<i>Botrytis cineria</i>	+	+	-	-	+	+	+
6.	<i>Cephalosporium sp.</i>	+	-	-	+	+	-	-
7.	<i>Colletotrichum sp.</i>	+	+	+	+	+	+	-
8.	<i>Fusarium sp.</i>	+	-	-	+	-	-	+
9.	<i>Humicola grisea</i>	+	-	-	+	+	-	+
10	<i>Macrosporium nigricanstum</i>	-	+	+	-	+	-	+
11	<i>Mucor miehei</i>	+	+	-	-	-	-	+
12	<i>Mucor pusillus</i>	+	+	+	-	-	-	+
13	<i>Mucor racemosus</i>	-	+	+	-	+	+	-
14	<i>Nigrospora gossypii</i>	-	+	+	-	+	+	-
15	<i>Penicillium duponti</i>	-	-	-	+	-	-	+
16	<i>Rhizopus nigricans</i>	+	+	+	+	-	+	+
17	<i>Thermoascus aurantiacus</i>	+	+	+	-	+	-	+
18	<i>Torula thermophila</i>	+	+	-	+	+	-	+
19	<i>Verticillium lateratum</i>	+	+	+	+	+	+	-

Турли навга мансуб чигитдан ажратилган микромицетлар нафақат миқдорий жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Жумладан, шимолий ҳудуддан олиб келинган 175-Ф нави чигитида паст ва ўрта ҳароратда ўсиб ривожланадиган микромицет турлари (масалан, *Cephalosporium sp.*, *Colletotrichum sp.* ва бошқ.) ажратиб олинган бўлса, жанубий ҳудуд намунаси С-6037 нав чигитдан ўрта ва юқори ҳароратда оптимал ўсиб ривожланадиган

микромикет (масалан, *Aspergillus fumigatus*, *Rhizopus nigricans*, *Humicola grisea*, *Mucor pusillus*, *Penicillium duponti*, *Torula thermophila*) лар кўпроқ учраганлиги кузатилди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, айрим микромикетлар (*Asp. niger*, *Asp. fumigatus*) барча навлар чигитида учраганлиги кузатилди. Баъзи микромикетлар (*Colletotrichum sp.*, *Rhizopus nigricans*, *Verticillium lateratum*) аксарият навлар чигитида қайд этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўпчилик ҳолатларда чигит микофлорасининг айрим вакиллари чигит ичида ҳам қайд қилинди. Жумладан, 175-Ф нави чигити ичидан *Aspergillus flavus*, *Colletotrichum sp.*, *Verticillium lateratum* ва *Botrytis cineria* микромикет турлари ажратиб олинди. С-6037 нави чигити ичида *Fusarium sp.*, *Rhizopus nigricans* ва *Humicola grisea* микромикетлари учраганлиги кузатилди.

Кўпгина илмий адабиётларда берилган маълумотларда уруғ микофлораси хусусида кўпроқ, паразит микромикетлар уруғ ичига ўтишлиги ҳақида бир ёқлама хулосалар келтирилади. Аммо, нафақат паразит микромикетлар, балки айрим сапрофит микромикетлар ҳам уруғ ичида фаолият кўрсатиши мумкин. Аслини олганда, паразитлар ва сапрофитлар ўртасидаги фарқлаш масаласи нисбий масаладир. Чунки, шароитга боғлиқ ҳолда айрим микромикетлар ўз хусусиятига кўра гоҳ паразитлик, гоҳ сапрофитлик хусусиятига эга бўлади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Расулев У. У. Грибы, причиняющие биологические повреждения хлопковому волокну и семенам Узбекистана // Материалы юбилейной научн. конф. АЗНИИЗ. Баку, 1969.
2. Мухсимов Х., Шток Д. А. Эпифитная микофлора семян хлопчатника // Водоросли и грибы Средней Азии. Вып. 1. Ташкент: Фан, 1974.
3. Шток Д. А. Грибы на семенах культурных растений Узбекистана. Ташкент: Фан, 1990.

О. Хасанов, Б.Ж. Аллакулиев

МИКОФЛОРА СЕМЯН ХЛОПЧАТНИКА

Проведены микробиологические исследования по изучению микофлоры семян 7 сортов хлопчатника. Выделено и идентифицировано 19 видов микромикет из семян разных сортов хлопчатника.

У. БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ

Б.Ж. АЛЛАКУЛИЕВ, Р.Т. СЫДЫК-ХОДЖАЕВ, Т.Р. РАШИДОВ

ПРОБЛЕМЫ СЕЛЕКЦИИ И СЕМЕНОВОДСТВА ЛЮЦЕРНЫ

В результате длительного бессменного возделывания хлопчатника или зерновых культур на одних и тех же полях происходит снижение плодородия почв и, как следствие, уменьшение урожайности данных культур. Недостаток белка в рационах животных приводит к значительному перерасходу кормов в животноводстве, снижению продуктивности животных, повышению себестоимости животноводческой продукции.

Значительная роль в решении проблемы обеспечения животноводства кормовым белком и улучшения плодородия почв принадлежит многолетним бобовым травам, в частности люцерне. Поэтому в дальнейшем в сельскохозяйственном производстве Узбекистана, наряду с развитием хлопководства и зернового хозяйства, важнейшим направлением должно быть расширение посевов бобовых культур, в частности многолетней травяной культуры люцерны – основного источника дешевого высокобелкового корма для животноводства и наилучшей севооборотной культуры как восстановителя плодородия почв.

Туркестан являлся древнейшим очагом культуры люцерны, ее начали возделывать в Средней Азии за 5-6 веков до н. э. Однако несмотря на многовековую историю ее возделывания в Средней Азии селекционно-семеноводческая работа с люцерной ведется сравнительно недавно. Первые отрывочные данные о ней приведены в работах А.И. Шахназарова (1908), Б.А. Федченко (1905), Р.Р. Шредера (1914), Е.Л. Навроцкого (1915).

Опытно-исследовательская работа с люцерной была начата на бывшей Туркестанской селекционной станции (впоследствии Центральная селекционная станция СоюзНИХИ, НИИССХ, ВНИИССХ им. Г.С. Зайцева, ныне УзНИИССХ) в 1923 г. проведением сортоиспытания люцерны местного происхождения.

Обобщение результатов сортоиспытания на Центральной селекционной станции и опытных станциях СоюзНИХИ дало возможность районирования по зонам поливного хлопководства следующих сортов:

Местная Хивинская – в Хорезмском оазисе (с 1931 г.);

Семиреченская местная – в южных районах Казахстана и части районов Кыргызстана (с 1934 г.), Ферганская 700 в Келесском, Ю. Кызылкийском и Пахтааральском районах Узбекистана;

Ферганская-700 и Местная Мархаматская – в районах Ташкентско-Голодностепского оазиса и Ферганской долины (с 1938 г.);

Местная Узгенская – в южных хлопковых районах Кыргызстана и Местная Токмакская – в северных районах (с 1938 г.);

Ташкентская-3192 – в Сурхандарьинской области Узбекистана, Прикопетдагском и Мургабском районах Туркменистана (с 1940 г.);

Ташкентская-721 – в южной зоне Таджикистана (с 1942 г.).

При таком размещении сортов люцерны в соответствующих районах получена значительная прибавка урожая, что заметно повысило продуктивность травяного поля.

На зональных станциях и опорных пунктах СоюзНИХИ и в некоторых хлопкосеющих совхозах районные сортоиспытания были начаты в 1929 г., т.е. с момента, когда сектором люцерны ЦСС был получен в достаточном количестве семенной материал из Америки, Франции, Венгрии, Турции и других стран. Деятельное участие в этой работе принимали Г.С. Зайцев, А.Ф. Макаров, А.И. Белов, В.Л. Голодковский, Ф.С. Пархоменко, Н.И. Балашов, Т.Г. Гриценко и др. Ими было проведено ботанико-систематическое и агробиологическое изучение собранного из различных районов земного шара большого количества коллекционных образцов люцерны, многолетних злаков и зернобобовых культур. В создании богатой мировой коллекции люцерны с 1923 по 1936 г. основной вклад внес А.И. Белов. В результате изучения биологических и морфологических особенностей собранной коллекции А.И. Беловым были выделены 9 географических типов с двумя подтипами – Горный, Хивинский, Среднетуркестанский с Семиреченским и Туркменским подтипами, Хорезмский, Малоазиатский, Сирийский, Арабский, Триполитанский и Европейский. Большую помощь в пополнении коллекционного фонда люцерны Центральной селекционной

станции оказывал Институт растениеводства. К 1930 г. коллекция станции насчитывала 3000, в 1975 г. – 6500, а в настоящее время более 6800 образцов люцерны, охватывающих основные районы возделывания этой культуры.

В дальнейших исследованиях селекционеров разрабатывались методы определения комбинационной ценности изучаемых сортов, направленного подбора пар для скрещивания и создания гибридных сортов, путем применения искусственных скрещиваний. Так, при искусственном скрещивании Мархаматской люцерны смесью пыльцы, собранной с большого количества растений Перуанской люцерны, и в свободном переопылении лучших потомств в сплошном посеве получены результаты, соответствующие данным многократного переопыления тех же сортов при посеве через ряд – потомство гибридного сорта превышало стандартный сорт по урожаю сена на 15-18%. Таким путем был создан сорт Ташкентская-1 (Т.Г. Гриценко, Ф.С. Пархоменко, М.А. Бурнашева), районированный с 1954 г. по Ташкентской области, а в последствии распространившийся почти по всем областям Узбекистана и Южном Казахстане. Районированный в 1981 г. по Ташкентской, Самаркандской, Кашкадарьинской, Джизакской, а с 1983 г. и по Навоийской областям Узбекистана сорт Ташкентская-1728 (М.А. Бурнашева, Х. Абдуллаев) по продуктивности близок к стандартному сорту Ташкентская-1 или превосходит его по урожаю сена на 7-8%, семенам на 5-8% и по содержанию протеина в сене на 1,5-2,0%. Сорт отличается темно-зеленой окраской листьев и устойчивостью к люцерновой тле. С 1991 г. по Бухарской и Сырдарьинской, с 1993 года – по Андижанской и Наманганской и с 1996 года и по Ташкентской областям Узбекистана был районирован новый сорт люцерны Ташкентская-2009 (Бурнашева М.А., Рашидов Т.Р., Сыдык-Ходжаев Р.Т., Собиров Б.Г., Абдуллаев Х.).

В лаборатории в разное время работали А.И. Белов, Н.Н. Балашов, В.Л. Голодковский, А.В. Семенов, М.А. Михайловская, Ф.А. Соколов, Т. Гриценко, Ф.С. Пархоменко, М.А. Варламов, Р.С. Веденева, И. Дорман, С.А. Забоштанский, М.А. Бурнашева, Х.А. Абдуллаев, А. Байрамов, К. Бахромов, М.А. Каримов, В.Н. Полевщиков, Б.Г. Сабиров, Х.Д. Джаббаров и др. Большую помощь в работе оказывали технические работники В.С. Попов, М.М. Суплыко, А.Н. Иванова и др. В настоящее время в лаборато-

рии работают: старшие научные сотрудники – канд. биол. наук Т.Р. Рашидов, канд. с./х. наук Р.Т. Сыдык-Ходжаев, Б.Ж. Аллакулиев, младший научный сотрудник – Сабилов А.Г.

В настоящее время на орошаемых землях Узбекистана возделываются сорта – Ташкентская-1, Ташкентская-1728, Ташкентская – 3192, Ташкентская – 2009, Хивинская местная, Хорезмская-2, Каракалпакская-15, которые при правильной агротехнике возделывания и хорошо наложенном семеноводстве обеспечивают получение 100-130 ц/га сена при наличии 14-17% протеина в нем и 2-5 ц/га семян. Однако эти сорта не удовлетворяют растущим потребностям сельскохозяйственного производства, так как значительные недоборы урожаев сена и семян, при большом дефиците последних, не обеспечивают животноводство необходимым количеством кормов и не позволяют расширять посевы этой культуры и делают невозможным внедрение севооборотов.

В связи с этим, необходимо активизировать научные исследования по выведению новых высокоурожайных сортов люцерны с повышенным содержанием биохимических компонентов, определяющих качество корма.

Актуальной проблемой в селекции люцерны по-прежнему остается выведение сортов и сложногогибридных популяций высокоурожайных по кормовой массе с повышенным содержанием кормовых единиц и перевариваемого белка, обеспечивающих высокие сборы высокопитательных кормов с трёхлетним использованием при полевых севооборотах. Не менее важной проблемой является использование гетерозисных гибридов первого поколения. Эффект гетерозиса достигается при создании синтетических сортов на основе переопыления подобранных растений с высокой комбинационной способностью при межсортовой и межвидовой гибридизации, то есть при создании гетерозисных гибридов на основе правильно выбранного подбора исходных родительских форм, а также выведения перспективных гибридных комбинаций на основе стерильных форм. Синтетические сорта создаются в результате скрещивания между собой растений с высокой комбинационной способностью по комплексу хозяйственно-ценных признаков и биологических свойств. Исходные растения отбираются из популяций самых урожайных и приспособленных к местным условиям образцов, а также селекционных сортов отечественного и зарубежного

ного происхождения, т.е. используется принцип эколого-географической отдаленности, при котором возможно получение сочетания ценных признаков и свойств, не встречающихся ранее в природе.

